

**МАХПИРАТ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ  
ТАРИХИ ИНСТИТУТИ**

**КОПАДЗЕ ОЙБЕК ВЕЙСАЛ ЎҒЛИ**

**ТУРК БАДИЙ КИНОСИНИНГ  
РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Тошкент**

**Узбекистон Республикаси Фанлар академияси  
“Фан” наприёти  
2005**

# 85.373(3) Четэл кино санъэти


Ушбу китоб Турк бадиий киносининг тарихига, яъни унинг туғилиши, титапоя қилишидан то қад кўтариб, кўкрагини ғоз қилиб юришига қадар бўлган машакқатли йўллари баён этилади. Китоб сахифаларида ўзбек киносевувчиларига таниш бўлган кўплаб кинофильмлар ва Ўзбекистон кинозалларида хали намойиш этишга улгирилмаган бадиий фильмлар хақида ҳам қизикарли сатрларни ўқийсиз. Бизнинг фикримизча Турк киноюлдузлари ҳақидаги маълумотлар ҳар бир ўқувчи ни қизиқтириб, тезроқ улар ўйнаган ролларини кипозалларда кўриш иштиёқи пайдо бўлади, деб умид қила миз.

Ушбу қизиқарли китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир: тарих фанлари доктори  
Хайдарбек БОБОБЕКОВ**

**Илмий муҳаррир: тарих фанлари номзоди  
Сотимжон ХОЛБОЕВ**

**Такризчилар: Санъатшунослик фанлари доктори, профессор Ж. Тешабоев, санъатшунослик фанлари номзоди С. Хўжаева**



ISBN 5-648-03322-2

© Ўзбекистон Республикаси ФА  
“Фан” нашриёти, Махпират но-  
мидаги Ўрта Осиё ҳалқлари  
тарихи институти, “МАТВИОТ  
ТАРQАТУВЧИ” акциядорлик  
компанияси, Копадзе Ойбек  
Вейсал ўғли, 2005 й.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон-Туркия ўртаси-даги ўзаро иктисодий ва маданий алоқалар тикланиб, тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Қиска вақт ичида миллий-маданий қадриятларимиз муштараклиги, маънавий бойлигимиз яқинлиги ҳақидаги тасаввурлар ойдинлашиб, дўстона ижодий муносабатлар ривожлана бошлади.

Ўзаро маданий алоқалар, тили, дини ва тарихида муштарак жиҳатлар кўп бўлган халкларнинг маънавий яқинлашуви, ижодий ҳамкорлиги уларнинг бадиий тажрибалари бошишида, эстетик маданияти юксалишида катта ахамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Кағимов таъкидлаганларидек, «Маънавият турли халклар ва мамлакатлар кишиларини қон-қариндош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради» (1.78).

Мустақиллик йилларида икки мамлакат ўртасида санъат соҳасида кўп ишлар амалга оширилди. Жумладан, турк киноси мамлакатимизда намойиш этила бошланди ва томошабинларда катта қизикиш уйғотди. Турк кино хафталикларининг Тошкент ва Самарқанд шахарларида ўтиши, Ўзбекистон телевидениесида кўплаб турли жанрлардаги турк фильмлари ва сериалларининг намойиш этилиши, Туэкияниң TPT (TURKIYA RADIO TELEVIZIYONI) телевидениеси кўрсатувларининг мамлакатимизда намойиш этилиши ҳам алоҳида дикқатга лойиқ.

И.А. Кағимов XII Тошкент халкаро кинофестивали иштирокчиларига йўллаган мурожаатида жаҳон киносининг озодлик, тинчлик, бирлик, дўстлик ва қардошлиқ ғояларига асосланиб ҳамжиҳатликка, турли давлатларнинг маданий ва маънавий яқинлашувига хизмат қилишини таъкидлаган эди (1.46). Дарҳакикат, кино санъатининг асосий гуманистик вазифаси умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш ва миллатлараро маданий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат килишдан иборат. Бу борада киношунослик фанининг тутган ўрни катта. Чунки жаҳон киносида кечеётган ижодий жараёнларни қиёслаш, фильмларда бадиий-эстетик тамойиллар-

нинг янгиланишини кузатиб бориш, миллий кинематографияларнинг шаклланиши йўллари ва муваффақиятларини тадқик этиш киношунослик олдида турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Турк киноси нафақат Осиё ва Африка мамлакатларида, балки Европада ҳам катта қизикиш билан томоша қилинмокда. Жумладан, нуфузли ҳалқаро кинофестиваллар – Берлин («Сувсиз ёз», 1964 йил, реж. Метин Эрксан), Карлова Вара («Автобус», 1976 йил, реж. Тунч Окан), Локарно («Пода», 1978 йил, реж. Йилмаз Гюней), Кайн («Йўл», 1981 йил, реж. Йилмаз Гюней, Шериф Гёрен), Венеция («Эшқиё», 1996 йил, реж. Ёвуз Тургул) даги турк фильмларининг мувафақиятлари бунга мисол бўла олади.

Ёзма манбалар, турли-туман тадқикот ҳамда ахборотларни ўрганиш, кино тасмаларни кўп йиллар давомида кузатиш шундан далолат берадики, 100 йиллик тарихга эга бўлган турк киноси жаҳон киношунослик илмида етарли даражада ёритилмаган. Шунинг учун турк киноси босиб ўтган мураккаб ижодий ва тарихий йўлни ўрганиш, унинг ўзига хос тараққиёт тамойилларини тадқик этиш хозирги замон санъатшунослик, хусусан, киношунослик илмида муҳим ва долзарб масаладир.

Турк киносининг у ёки бу даври, у ёки бу режиссёр ва фильмлари ҳақида айрим макола, китоблар мавжуд бўлсада, турк киноси тарихи, унинг шаклланиши ва тараққиёт жараёнларини акс эттирувчи, умумлашма характерга эга йирик ва фундаментал тадқиқот ҳамон яратилган эмас.

Машҳур француз киношуноси Жорж Садуль «Всеобщая история кино» номли китобида турк киноси тарихига фақат бир саҳифа ажратган, холос. У, асосан ўтган асрнинг 40–50-йиллари турк киносига тўхталиб, оддий статистик рақамлар билан кифояланиб, фақат баъзи режиссёrlар ва фильмларнинг номини тилга олади (34, 201).

Яна бир машҳур киношунос Ежи Теплица «История киноискусства» номли китобида фақат 60-йиллар турк

киноси хусусида фикр билдиради (43, 107).

Бу муаллифлар турк киносининг «ҳақиқий» тарихи 50-йиллардан бошланган деган фикрни илгари сурадилар. Ҳақиқатан ҳам айнан 50 – 60-йиллар турк киносининг ривожланган даври бўлиб, Лутфи Умар аканинг фильмлари ўзига хос миллий колорит билан Онадўлу (Туркияning Осиё қисми) ҳалқининг характеристикини очиб бериб, илк бор Европа ва жаҳон киносига кириб келади.

Лекин шунни тъкидлани керакки, юкоридаги муаллифлар маколаларида 30 йилдан ортик турк киносида бўлган ўзига хос кино жараёни ёритилмай колган. Айникса, унда «турк киносининг отаси» ҳисобланган Мұхсин Эртугрулнинг ва бошқа кино ижодкорларининг фаолияти ўз аксини топмаган.

Туркия маданияти ва тарихига тааллукли бошқа манбаларга мурожаат қилсак ҳам шундай камчиликларни учратамиз. Жумладан, «Кинословарь» (Москва, 1970, 2 том, 1987), «Турецкая Республика» (Москва, 1968), «Новейшая история Турции» (Москва, 1975), «Современная Турция» (Москва, 1976) ва бошқа адабиётларда бир-биридан фарқ килмайдиган, жуда киска жумлалардан иборат турк киноси тарихини кўрамиз.

Собиқ ССР миқёсида турк киноси хусусида жиддий киношунослик тадқиқотлари олиб борилмаган эди. Агар Абдул Гусеновнинг «Турецкое кино» (Москва, 1978), “Иильмаз Гюней” (Москва, 1987) ва «Мұхсин Эртугрул» (Москва, 1990) китобларини ҳисобга олмасак, турк киносига тааллукли бошқа манбалар учрамайди. Қоланверса, Абдул Гусеновнинг барча китобларини бирлаштиrsак, бор-йўғи 10 нашр босма тобогидан сал ошиши ва рисолалар кўп ҳолларда бир-бирини такрорловчи маколалардан иборат эанлиги, бу мавзунинг охиригача очилмаганини кўрамиз.

А. Гусейнов «Турецкое кино» китобининг кириш қисмida шундай ёzádi: «Баъзи бир сабабларга кўра муаллиф турк киноси тарихини чукур ва кенг қамраб ололмади. Шунинг

учун турк киносидаги баъзи бир мұхим воқеалар ва муаммолар китобдан жой олмади. Мен умид қиласанки, турк киноси ҳақидаги жицдий тадқиқотлар хали олдинда» (10.3).

Шу билан бергә, А. Гусейновнинг китобларида баъзи камчиликлар ҳам мавжуд. Китобдаги асосий фикр-мулоха-залар, киножараён ва фильмларнинг талқин ва таҳлили шүролар сиёсати нуқтаи назаридан ёритилган бўлиб, ҳукмрон мафкуранинг нафаси сезилиб туради.

Туркияда ҳар йили кинога багишланган 20 дан ортиқ китоблар нанир этилади. Китобларнинг аксарият қисми фильмларнинг фабуласи ва ижро чиларнинг ҳаётига багишланиб, кенг оммага мўлжалланган. Жумладан, Н. Ўзонинг «Sinema el kitabı» (Ankara, 1964), «Turk sineması tarihöjisi» (Ankara, 1968), Ж. Скогномиллонинг «Turk sinemasında 6 yönetmen» (İstanbul, 1965), О. Ўзкучнинг «Turk yönetmenleri sözleri» (İstanbul, 1973) ва «100 filmde turk sineması» (İstanbul, 1993) китобларини мисол келтириш мумкин.

Турк киношуносларининг тадқиқотларида бир ўхшашликни кўриш мумкин. Барча киношунослар йирик журнал ва газеталарда киношарҳловчи бўлиб хизмат қилишади. Улар, асосан экранга чиқаётган янги фильмларнинг мазмунини оммабоп аҳборот тарзида ёритадилар. Маълум вақт ўтгандан сўнг бу маколалар тўпланиб, китоб ҳолига келтирилади. Жумладан, А. Дорсайнинг «Yuzuze» (Ankara, 1986), Х. Жанернинг «Yan defterlerimden» (İstanbul, 1985) ва «Yesilcam filmleri» (Ankara, 1995) китоблари бунга мисол бўла олади.

Тадқиқотлар ичидаги турк киноси тарихини таҳлил қилишга бағишиланган Нажот Ўзоннинг 1962 йилда нашр этилган «Turk sinema tarihi» китоби яқин кунларгача ягона фундаментал нашр бўлиб келган. Олим Шериф Онаранинг «Turk sineması» (Ankara, 1994) китоби эса бугунги кунда Туркияда энг мукаммал тадқиқот ҳисобланади. Лекин бу китобда ҳам кўп ҳолларда фильм ижодкорлари, мавзуу ва

сюжетлар хакида маълумот берилиб, умумий тафсилотлар келтирилади, холос. Айниқса, мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан кинодаги жараёнларнинг киёсланишига мутлако ўрин ажратилмаган.

Турк киношунослари ўртасида шу кунгача «турк киноси тарихи» муаммоси қизгин мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Турк киношуносларининг ўз киноси тарихлари юза-сидан ўхшаш бўлмаган, қарама-қарши таҳлиллари, баҳолар беришлари ва шу «хар хил» талқинларнинг бъязи бир мунозараларга олиб келиши кўзга ташланади. Жумладан, турк киношуноси, профессор Куртулуш Қоялининг тасдиклашича, турк киносининг бир-биридан фарқ қиласиган тарихий талқинлари мавжуд бўлиб, бугунги кунда уларнинг хеч бири етарли даражада ўтган жараённи ёритиб бермайди.

Куртулуш Қояли Нажот Ўзоннинг 1962 йилда нашр этилган китобини назарда тутиб шундай деб ёзади: «Турк киносининг хусусида ҳали тортишмалар бўлмаган даврда ёзилган тарих, мукаммал тарих бўла олмайди...» (78. 57).

1996 йили Анкарада нашр қилинган «*Turk sinemasi uzerine dusunceler*» тўплами 90-йиллардаги турк киноси тарихига доир мунозараларга қисман якун ясади. Бу китобда турк киносида ижод қилиб келаётган режиссрлар, сценарий муаллифлари, киношунослар, продюсерлар ва бошқа ижодкорлар ўз асарларининг ўғмиши, бугуни ва келажаги хусусида фикр-мулоҳазалар билдиришган. Китобни ўрганиш натижасида маълум бўлдики, турк киносининг ривожланиши хусусида кекса ва ёш киночиларнинг ичидаги турли нуқтаи назарлар мавжуд. Жумладан, ёш режисср Омар Ковур, Явуз Турғуллар Фарб, Америка киноандозаларига бўйсуниб кинонинг ривожланиш йўллари хусусида фикр юритишса, кекса киночилар Лутфи Омар Ақад, Атиф Йилмазлар эса, аксинча, миллийликка, анъаналарга, урф-одатларга асосланиб ўз асарларини яратишга ургу беришади.

Хуллас, фикр юритилаётган тадқиқот юзасидан куйидаги хуносаларга келиш мумкин:

-- мазкур тадқикот кардош мамлакатлар маданияти, санъати бўйича ижодий ҳамкорликни кучайтириш ва мустаҳкамлашда катта ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий аҳамиятга эга;

-- китоб мазмуни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шахс маънавий камолотида миллий маънавий анъ-аналар билан бирга умумбашарий қадриятларга ҳам содик бўлиш хақидаги кўрсатмаларига асосланган тадқикот сифатида назарий аҳамият касб этади;

-- китобнинг назарий ва амалий хуносаларидан санъатшунослик, маданиятшунослик, киношунослик соҳасида кўшимча адабиёт тариқасида фойдаланиш мумкин;

-- Тадқикот материаллари санъат ва маданият соҳасида ги олий ўқув юртлари талабалари учун жаҳон кинематографияси бўйича семинар машғулотлар уюштиришда амалий жихатдан фойдали.

Шундай қилиб, илмий тадқикот мавзуси турк киносида бурилиш ясаган, янгиланиш олиб кирган, ҳар даврнинг асосини яратган ижодкорларнинг фаолиятига чуқуррок, кенгрок тўхталиб, уларнинг фильмлари орқали қарийб 100 йиллик ижодий жараённинг муаммо, ютуқ ва камчиликларини ёритиш зарурияти туфайли туғилди.

## **БИРИНЧИ БОБ. ТУРК КИНОСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ДАВРИ (1886-1952 йиллар)**

Усмонийлар империясида театр санъати XIX асрнинг иккинчи яримигача, яъни Европа классик театри кириб келгунга қадар уч йўналишда ривожланиб келган. Булар қўйидагилардир:

1. Ўрта ўйини.
2. Маддоҳлар ўйини.
3. Коракўз.

«Ўрта ўйин» турк халқининг энг қадимги ва севимли томошаларидан бири ҳисобланади. Бу томоша жуда оддий бўлиб, бор-йўғи бирон-бир майдон бўлсагина кифоя. Бу ўйин учун шартли ҳол деб майдон ўртасида ёғочдан курилган уйчани таъкидлаш мумкин. Бу ўйча замонавий «ширма»ларнинг ўша вактдаги кўриниши ягона декорация бўлиб, актёrlар у ерда кийимларини, пардозларини томоша давомида ўзгартиришган.

«Ўрта ўйин»нинг ўзига хослиги яна шундан иборатки, ижрочилар томоша бошида ёки давомида шарт-шароитларни тушунтириб воқеа ўтаётган вақт, жойни ва бошқа лозим бўлган тушунчаларни оғзаки эълон килишган.

Воқеа-ходисаларнинг, шарт-шароитларнинг турли-туман бўлишига қарамай, томошаларда доимий иштирок этувчи қаҳрамонлар, персонажлар бўлишган. «Ўрта ўйин»нинг анъ-анавий иштирокчилари одатда чол, зийрак йигит, дарвиш ва енгил табиат аёл бўлиб, улар ўша даврнинг долзарб латифаларини, қизиқ ҳаётий воқеаларни, эртак ва ривоятларни томошибинларнинг ўтиборига ҳавола этишган. Шуни ҳам айтиш керакки, аёллар образини эркаклар ижро этиб келишган. Бутун Ислом мамлакатларида бўлганидай, шариат қонуни бўйича аёлларнинг томошаларда иштирок этиши ман қилинган бўлиб, фақат асримизнинг бошига келиб мусулмон аёллар саҳнага чика бошлиди. Қизифи ўндақи, аёллар театрда, санъатда азалдан бундай ролларни ижро этиб ке-

лишган.

Усмонийлар театрнинг иккинчи йўналиши «Маддохлар ўйини» XV – XVI асрларда ташкил топади. Бу театр йўналиши турк ўйин санъатининг ривожланишида мухим роль ўйнайди. «Маддохлар ўйини» айниқса актёрлик маҳоратининг ривожланишида, томошабин билан мулоқотни мустаҳкам боялашда тенги йўқ омил бўлиб хизмат киласди. Маддохлар (яъни актёрлар) томошабинларнинг рўпарасида ўтириб олиб, бир жойда бошидан охиригача жисмоний ҳаракат қилмай, фақат овозларини ўзгартириб, ҳар хил киёфаларга кирган ҳолда томошабинларни ҳам йиғлатар, ҳам кулдирар эдилар. Ўйналадиган томошаларнинг жаҳри, мавзуси ранг-баранг бўлганлиги айниқса дикқатга сазовор. Дастлабки томошалар Ислом тарихига оид бўлиб, Куръону ҳадисларни талқин қилувчи воқеаларга ёндашган бўлса, кейинчалик урф-одатларга, фольклорга, ҳалқ оғзаки ижодига асосланиб комик ва трагик жанрларни ўзгача ривожлантирган. Шуни таъкидлаш лозимки, маддохлар асосан овоз, нутқ орқали ижод килишган. Кўп ҳолларда якка маддох бир неча образларни яратиб, маълум жихатда «бир актёр театри» тушунчасига асос солган.

Миллий театрнинг шаклланишида «Қоракўз» театрни йўналиши катта таъсир кўрсатади. XVII асрда ташкил топган бу йўналиш асосан соя театри бўлиб, оқ парда орқасида ҳар хил образлардаги қўйирчоқларнинг қиёфаси чирок шўъласидан акс олади. Бу томошалар одатда қаҳфаҳоналарда ёки маҳсус ёруғ тушмайдиган хоналарда ташкил қилинган. Бу театрда ҳам, унгача бўлган театр йўналишларида бўлганидай, иштирок этувчилар кам бўлган. Унда асосан икки образ – Коракўз ва Ҳоживот бўлиб, томоша уларнинг ўзаро муносабатларига асосланган. Қоракўз кўринишдан оддий, ҳалқ ичидан чиқкан, аслида улдабурон, эпчил, ҳар кандай вазиятда йўл топиб чикиб кетадиган чакқон шахс образидир. Ҳоживот эса унинг акси бўлиб, маҳмадона, эзма, ҳар нарсадан шубҳаланадиган кимса образи.

Қоракўз томошанинг бошидан охиригача Ҳоживотни ўзининг ўткир, кескин саволлари билан қийин аҳволга солиб қўяди ва ҳар гал рақибини енгиб чиқади. Саволларга жавоб топа олмаган ёки аҳмоқона жавоблар билан чекланган Ҳоживот эса томошабин олдида кулгили ҳолларга тушаверади.

«Қоракўз» театри репертуарига назар ташлайдиган бўлса, кўрамизки олдинига халқ оғзаки ижодидан, турли кизик воқеалардан ташкил топган асарларни саҳналаштирган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кескин бурилиш юз бериб, Европа классик асарларига, жумладан, Мольернинг «Тартюф» ва «Хасис» комедияларига мурожаат қиласди. Шундай қилиб «Қоракўз» театри Туркияда XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган Европа йўналишидаги миллий театрнинг пойдевори, асоси бўлиб хизмат қиласди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Қоракўз» театри ўзининг тузилиши бўйича кино санъатига жуда якин турган. Ҳатто баъзи бир турк киношуносларининг таъкидлашларича, кино санъати қайсиdir маънода, кисман «Қоракўз» театридан чиқсан экан. «Қоракўз» иштирокчилари парданинг оркасида ижод килишган бўлса, киночилар эса парданинг олди томонидан томоша кўрсатишади. Аслида эса икки санъат тури ҳам бир иш — сеҳрли ёгду, шўъладан фойдаланиб, оқ пардада бадиий асар яратишади...» (68.10).

Ҳакикатан ҳам, турк кинематографияси учун театр санъати «таянч нукта» бўлиб хизмат қиласди. Чунки XIX асрнинг иккинчи ярмида Ағоп Вартовъян ва Алибейлар томонидан ташкил этилган Европа йўналишидаги илк классик театр — «Шарқ театр» турк киносининг пойдеворини куриб, кинематографиянинг яратилишида ва ривожланишида мухим роль ўйнайди.

Усмонийлар империясида сиёsat нуктаи назаридан Европа маданияти, санъати тан олинмасди, аксинча, Ислом динига зид равишда кораланарди ва имкон кадар таъкидланарди. Шунинг учун театр санъатининг яратилиши, тикланиши

ва ривожланиши мушкул кечади. Таклидчилик билан бошланган турк классик театри асосан француз спектаклларини томошабинларга олиб чиқкан.

А. Вартовъяң Париж театрларида маҳорат ошириб, синектакль тузилишларини қўчириб келган бўлса, Алибей бу томошаларга қайсиdir мъянода миллий характер, миллий рух олиб киришга ҳаракат қилган.

Аста-секин «Шарқ театри»да миллий адилларнинг асарлари ҳам саҳна юзини кўра бошлади. Номик Комолнинг «Ватан», Шамсиддин Самининг «Ўз сўзига содиклар» пьесалари ўша пайтдаги қишлоқ ҳётига бағишлиган бўлиб, дехконларнинг оғир кун кечиришларини тасвирлаб, оғаларнинг, бойларнинг муттаҳамлиги, ноинсофлиги ёритилган.

Кейинчалик ёш ватанпарвар ёзувчилар Тевфик Абузий, Аҳмад Нури ва Аҳмад Митҳатларнинг асарлари жамиятдаги ноҳақликларни, феодал тузумнинг кирдикорларини коралаб, умумисоний ғояларни саҳнага олиб чиқади. Шундай қилиб, театр санъати жамиятдаги энг илғор ғоявий кучлардан бирига айланади. Буни сезган султон Абдул Ҳамид империясининг ағдарилишидан кўркиб, 1878 йили «Шарқ театри»ни таркатиб юборади. «Шарқ театри», бир томондан, жамиятда янги куч — “Ёш турклар”нинг уйғонишига сабаб бўлган бўлса, иккинчи томондан, кейинчалик турк киносининг яратилиши учун ижодкорлар тайёрлаб тамал тоши хизматини ўтади.

XIX асрнинг сўнгига Парижда aka-ука Люмерлар ўзларининг «мўъжиза»ларини намойиш қилганларидан сўнг иккى ой ўтар-ўтмас, Истанбулда илк француз фильмлари намойиш килина бошланади. Бу оламшумул воқеа ҳақида таникли турк ёзувчиси Эржумент Акрам Талу ўзининг кўрганларини шундай хотирлайди: «1896 йил ёз ойларида «ҳаракатдаги сурат»ларни томоша ҳилиш учун шошилдик. Бейўгли мавзесидаги Спонек салони ишқибозлар билан лиқ тўлган эди. Ярим соатча давом этган кичкина фильмчаларни томоша қилгандан кейин бир неча кун бу воқеа хусуси-

да дўстларим билан завқланиб баҳслашардик. Ўша пайт «мўъжиза»дан олган таассуротларим бутун умр мени хаяжонга солиб келди ва ижодимда муҳим роль ўйнади...» (78, 17).

Илк француз фильмлари тез орада султон Абдул Ҳамид II саройида ҳам намойиш қилина бошлайди. Бу кисқа метражли фильмларни «Патэ» киностудиясининг Туркиядаги агенти, оператор Виктор Берtrand томошибинлар диққатига ҳавола қилади. Турк кинотарихчиларининг ёзишича, намойиш қилинган фильмларнинг мавзуси ва воқеаси Европа мамлакатларида кўрсатилган 2-5 минутлик фильмлардан фарқ килмаган ҳолда, асосан Люмерларнинг «Поезднинг келиши», «Ишчиларнинг фабрикадан чикиши», «Чақалоқнинг овқатланиши»дан ташкил топган. Таникли киношунос, профессор А. Онаран бу ҳақда шундай ёзади: «Туркияда ilk намойиш қилинган фильмлар асосан табиатнинг гўзал, бетакрор жойларини тарғиб қилиш билан бирга, маҳсус кулидириш учун олинган сюжтларга асосланганди...» (33.11).

Султон Абдул Ҳамид II га санъатнинг бу янги тури маъкул келмай, унинг Ислом динига тўғри келмаслигини баҳона қилиб, ўз империясида кинофильмлар намойишини тақиқлади. Аслида эса султон кинонинг прогрессив санъат эканлигини тушуниб, ҳали ҳам етарли даражада мустаҳкам бўлмаган империясига путур этишини тушунган эди.

1908 йили султон Абул Ҳамиднинг зиёлиларга, маърифатпарварларга қилиб келган зулмига қарши «Ёш турклар» ҳаракати вужудга келади. Улар ташкил қилган «Иттифок ва Истанбул тараккиёт» партияси султоннинг хокимиятини чеклаш ва унинг конституция асосида иш юритишини, Европа давлатларига ўхшаш ҳукумат тузишини талаб килаади. Оқибатда Абдул Ҳамид II «Ёш турклар»нинг талэбларини қисман қондириб, фильмларнинг намойиш қилинишига рухсат беради ва шу билан бирга турк миллий кинематографиясининг яратилишига йўл очиб беради.

Бу вазиятдан фойдаланган, асли Руминия фуқароси

Зигизмунд Вайнберг Истанбулнинг Тепабоши нохиясида «Патэ» кинотеатрини ташкил килади ва Туркияда мунтазам равишда кинофильмлар намойиш қилина бошлайди. Шу билан бирга Зигизмунд Вайнберг илк турк ҳужжатли фильмларини ҳам сурагта ола бошлайди. Бу фильmlарда асосан султон ҳәти, ҳарбийларнинг машқ майдонлари, жанг саҳналари ва Туркиянинг гўзал ерлари акс этиб, улар «Турк пиёда аскарларининг намойиши», «Турк тўпчилари», «Босфор панорамаси», «Султон оиласининг сайли» ва шунга ўхшаш номлар билан аталган.

1910 йилларда, туркияда кинонинг оммалашуви хусусида киношунос олим, профессор Алим Шариф Унаран шундай ёзади: «Зиёлиларни ҳисобга олмасак, авом ҳалқ олдинига, худди автомобилларни илк кўрганда ҳам «шайтоннинг иши» деб аташади, лекин бир оз вакт ўтгандан кейин кинотеатрлар улар орзиқиб, севиб катнайдиган массанга айланади...» (69.12)

1914 йилнинг кузига келиб, Истанбулнинг ўзидаёк олтига кинотеатр мунтазам иш олиб боради ва томошабинларнинг ўсиб бораётган қизиқишлиарини кондиришга ҳаракат килади. Лекин намойиши килинаётган фильмларнинг барчаси хорижда тайёрланган бўлиб, томошабинда ўзгача қизиқиш уйғотарди.

«Намойиши этилаётган хорижий воқеликка асосланган фильмлар ичида Усмонийлар империясининг Европа кисмидан суратга олинган фильмлар ўзгача қабул қилинади. Чунки Косова, Босниядан олинган лавҳаларда ўз урф-одатлари, байрам маросимларини кўрган истанбулликлар бетарап бўла олмайдilar» (68.19).

1915 йилнинг бошларига келиб «турк киносининг туғилиши» юз беради. Ака-ука Камол ва Шокирбейлар (Седенлар) «Kemalbey» ва «Ali afandi» миллий кинотеатрларини қуришади. Истанбулдан ташқари Измирда ва бошқа катта шаҳарларда ҳам «миллий синемалар» очила бошлайди.

Биринчи жаҳон урушининг илк кунларидан Усмонийлар империяси Германия билан бирга бўлиб, Россияга карши уруш эълон қилади. Қизиги шундаки, 1877-1978 йиллари Рус-турк урушида ҳалок бўлган рус аскарларига ўрнатилган Истанбулдан узок бўлмаган Яшилкўй (Аяя Стефон)даги обида портлатилади ва бу воқеа оператор томонидан кинотасмага туширилади. Шундай қилиб, турк офицери Фуат Узқиной томонидан 1914 йил 14 ноябрда суратга олинган 150 метрлик фильм турк киносининг туғилган куни сифатида тарихга киради.

Турк киносининг асосчиси Фуат Узқиной 1888 йили Истанбулда таваллуд топади. Бошланғич ва ўрта мактабларни аъло баҳолар билан тутатиб, Истанбул дорилфунунида физика ва кимё бўлимида ўқиди. Талабалик йиллари техникага қизиқиб, фотоаппаратларнинг тузилиши, ишлаши ва кинотасмаларни суратга айлантириш жараёнини пухта ўрганади.

1910 йилда дорилфунунни тутатган Фуат изланишлар оқибатида Туркияда илк мунтазам кинотеатр очган Зигизмунд Вайнберг билан танишади ва кинопроекторни ўзлашибдириб томошабинларга фильmlар намойиш қила бошлайди. 1914 йилга келиб эса, эндиғина очилган «Ali afandi sinemasi» кинотеатрини бошқаради. Талабалик орзуси — мустақил фильм суратга олиш нияти уни Германияга етаклайди.

Чет элда бир неча киска метражли хроникал фильмларни тасмага туширган Фуат бу ютуклари билан ҳам юртдошлиарини кувонтириш мақсадида Ватанига шошилади. 1914 йил сўнгида бошланган Биринчи жаҳон уруши муносабати билан Узқиной ҳам фуқаролик бурчини адо этиш учун тенгкурлари катори аскарликка чақирилади.

Ўша пайтлар турк армиясининг бош қумондони Анвар поша Германияга килган сафарида у ердаги «ҳарбий киностудия» билан яқиндан танишади ва Истанбулга қайтиб келгач, кинематографиянинг сиёсий-ватанпарварлик тарбиясида катта кучга эгалигини тушуниб, «Марказий

ҳарбий синема доираси»ни ташкил этади. Шундай килиб Биринчи жаҳон уруши тугагунга қадар турк киносини ҳарбийлар бошқаради. Олдинига «Марказий ҳарбий синема доираси»ни юкорида эслаганимиз Зигизмунд Вайнберг бошқаради, кейинчалик бу киностудияда Фуат Узкинай раҳбарлик қилади.

Ҳарбий киностудиянинг асосий иши подшонинг қабуллари, ҳарбий машқлар, жанглардаги зафарларни акс эттириш эди. Ўша давр фильмларининг номларига назар ташласак, мавзуси ҳам ойдинлашади: «Ҳарбий министрнинг аскарлар билан учрашуви», «Чанакаладаги жанг», «Генерал Тадсен», «Инглиз генералининг асирга тушиши», «Турк суворийлари Галицинда», «Вильгельм II Истанбулда ва Чанакалада».

Турк киносининг билимдонларидан бири Огоҳ Ўзкуч Фуат Узкинай хусусида шундай ёзади: «Асосан ҳарбий мавзуда ҳужжатли фильмларни суратга олиб келган Фуат Узкинай ўз устози бўлмиш З. Вайнбергдан чала қолган фильмни тутатди. Оқибатда 1918 йилда суратга олинган «Ҳиммат оғанинг саргузашти» биринчи турк режиссёри Узкинайнинг илк ва ягона бадиий фильми бўлиб колди» (67.29).

Турк киносининг илк йиллари шу йўсинда ривожлана боради.

1916 йилга келиб «Миллий мудофа жамияти» ташкил килинади. Бу жамиятни бошқарган Ҳикмат Ҳамид кино санъатига жуда кизиққани учун кинематографияга катта эътибор бериб, илк бадиий фильмларни олишни режалаштиради. Махсус тузилган киностудияга машҳур журналист, бир неча газета ва журналларни очган Седат Самавий режиссёр килиб тайинланади.

У адабиётни, театрни яхши билгани учун ўша пайтда донғи кетган Мехмет Рауфнинг «Панжа» пьесасини экранлаптиришга киришади.

1900 йилда ёзилган бу асар бестселлер бўлиб кўп ўкув-

чиларни ўзига ром қилган, акс эттирилган воқеалар, эпизодлар худди кино учун ёзилгандек эди. Бу ҳақда профессор Алим Шериф Унаран шундай ёзади: «Панжа» фильмининг мавзуси ва мазмани юзасида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлап жоизки, ўйламай қилган ишнинг оқибати пушаймонликка олиб келиши, бўлиши мумкин бўлмаган орзунинг кетидан изланиш бефойдасизлигини кўрамиз..» (69.14).


Турк киносининг билимдонларидан бири Абдул Гусейновнинг тасдиқлашича, бу фильм Усмонийлар империясига хизмат қилиш учун «Агитка» жанрида суратга олинган. «Бу фильмнинг («Панжа») гояси ва мақсади, худди илк хужжатли фильмлар сингари, аскарлар ва ҳалқ ичида шовинистик-миллатчилик кайфиятини ва мухитини яратишдир...» (10.18).

Албатта, Гусейновнинг талқинида жон бор. Рус киносида шўролар даврининг илк йиллари асосан айнан «Агитка» жанридаги фильмлар, яъни инқилоб ва шўролар ҳукмдорлигининг «ютуқ»ларини куйладиган ва империализм кирдикорларини кораловчи кино мамлакатлари тарихида, кисман немис, итальян кинематографияларида ҳам учратиш мумкин. Социализм нуктаи назаридан, капитализм киносида бошқача баҳо бериш, яъни холисона бўлиш мафкура нуктаи назаридан мумкин ҳам эмас эди.

Турк киносининг ривожланишини кузатар эканмиз, айнан шу пайт, яъни 1919 йили турк киносида бир фильм ўз харажатини оқлайди.

Театр саҳналарида тез-тез кўйиладиган, таникли драматург Юсуф Зия Ўрачининг «Бинназ» пьесаси асосида режиссёр Ахмет Фехим томонидан суратга олинган фильм Истанбулнинг ўзидаёқ 55.000 лира даромад келтиради. Фильмни суратга олиши 5.000 лирага тушган бўлса, кўрамизки, яна 10 фильм учун пул келтирилган экан.

Асар жанрига тўхталарадиган бўлсак, кўрамизки, комедия жанри ҳақиқатан ҳам томошабинга маъкул келади. Шунинг учун бўлса керак, режиссёрлар томошабиннинг хохишидан келиб чиқиб, комик саҳналарга, «скетч», «аттракцион»лар-



га бой бўлган эпизодларни фильмларга баралла киритишиади.

Турк киносини жаҳон киносидан ажратиб таҳлил килиб бўлмайди. Чунки жаҳон киносининг яхши-ёмон фильмлари албатта Истанбулда намойиш этиларди. Қолаверса, XX асрнинг 20-йилларига келиб жаҳон киносининг юкорисида турган, жаҳон кинематографиясини йўналтируви мамлакатлар, яъни Франция ва Америка Кўшма Штатлари фильмлари Туркия прокатининг асосини ташкил киларди. Шу билан бирга, албатта, у ерларда суратга олинган комедия ва мелодрамалар ҳам турк томошабинларини ўзига ром килган эди. Ўша пайтда шуҳрати бутун дунёга тарқалган француз комик артисти Макс Линдер, АҚШ киноюлдузлари Бастон Китон ва Чарли Чаплинларнинг таклидчилари турк киносида ҳам аста-секин етила бошлади ва шу билан бирга миллий комик қаҳрамонлар иштирокида миллий урф одатларга яқинлашган фильмларни суратга олиш бошланди.

Комедия жанридаги фильмлар ичидаги дикқатга сазовори «Бижон афанди» «қаҳрамонлиги»да олинган фильмлардир. Аслида бу комик қаҳрамон, худди Чарли Чаплин ижодида бўлганидай, олдинига саҳнада ўйналиб, томошабинларда шуҳрат қозонгандан кейин кинога ўтказилган.

Бижон афанди образини театрда койилмақом килиб яратган актёр Шоди Коракўз ўғли кинода ҳам бу шуҳратини давом эттиради. Илк фильmdаёқ Бижон афанди образи ҳалк ичига кириб, томошабинларнинг юрагидан ўрин олди. «Бижон афанди иқтисодчи» номи билан чиккан бу фильмда Шоди Коракўз ўғли Бижон образини дангаса ва бесўнақай, ҳеч бир ишнинг улдасидан чиколмайдиган, кулгили ҳолларга тушадиган килиб яратган.

Иккинчи фильмда эса «Бижон афанди мактаб хўжаси» бўлиб, саргузаштларини ўкувчилар орасида ўтказади. Сунгли, учинчи фильм «Бижон афандининг тушлари»да, ғаройиб дунёга тушиб қолган Бижон ҳар хил йўллар билан

Ўзининг дунёсига қайтишга ҳаракат қилади.

Шундай килиб, турк киносида комедия жанри мустаҳкам ўрин олади. Комедия жанрига томошабинлар кизиқишининг сабабларидан бири, турк халқининг кулгига, ҳазилга чан-қоқлигидир. Қизик бир ҳолни таъкидлаш мумкин. Турк киносининг кейинги даврларида ҳам комедия жанрига қизиқиш кучайиб боради. 80-йилларга келиб, комедия асосий жанрлардан бирига айланади.

1914 – 1922 йилларни Турк киносининг тикланиш йиллари десак ва бунга яқун ясайдиган бўлсак, энг аввало қарийб барча киночилар театрдан келганлигини таъкидлаш лозим. Чунки, турк киноси учун театр ва кино тушунчаси 1940 йилларгача деярли бир хил тушунилган. Шунинг учун ҳам кейинги давр “Геатрчилар даври” (1923 – 1939 йиллар) бўлиб кино тарихига киради.

Турк киноси жумхурият курилгунга қадар асосан таклидчилик билан чекланган бўлиб, француз ҳаётидан олинган воқеаларга, сюжетларга асосланган эди. Актёрларнинг, режиссрларнинг ижодида ҳам таклидчиликни яккол сезиш мумкин.

Турк киночиларининг фильмлари бу даврда эстетик жиҳатдан юкори баҳоланмаса ҳам, лекин бошқа санъат турларига қараганда томошабинни кўпроқ қизиқтиради. Театр санъати киночилар олдида иккинчи “план”га ўтиб қолади. Айниқса асрлар ошиб келган «Қоракўз» театри томошабинларни ўзига тортмай кўяди.

Кинонинг ютуқлари театр актёрларини ўзига торта бошлияди. Биргина «Бижон афанди...» серияларида Истанбул драма театри – «Дарюлбдеайи» актёрапари – Шоди Қоракўз ўғли рафиқаси Шехпар хоним, Исмоил Голиб, Васфи Риза ва Беҳзод Бутоқ иштирок этишади ва улар кейинчалик бутунлай кинематографияга ўтиб кетиб, шуҳрат қозонади.

Турк тарихчиларининг таъкидлашича, турк киноси ривожланган давлатлар киносидан оркадан қолмаслиги мумкин эмас эди. Таникли режисср ва киношунос Метин Эрк-

сан бу давр хусусида шундай фикрлайди: «Кино санъати илк кунидан бошлаб техника, саноат билан боғлик бўлган. Кино санъатининг яратилиши АҚШ ёки Франция билан боғланиши бежиз эмас, чунки айнан АҚШ ва Франция давлатлари XIX асрнинг иккинчи ярмида саноат ва техникада анча илгарилаётган жаҳон киносига етиб олиш мушкул эди.

Хакикатан ҳам тез ривожланаётган жаҳон киносига етиб олиш мушкул эди. АҚШда ёки Францияда, Олмония ёки Россияда бўлгани сингари киноиндустриянинг асоси йўқ эди. Бу вактларда ташкил бўлган жамиятлар эса давлатга ҳам, жамиятга ҳам қарашли эди. Албатта, санъатнинг прогрессив тури Усмонийлар даврида султон томонидан, кейинчалик Биринчи жаҳон уруши ва «Қуртилиш» жангидаги кийинчиликлар, империя бюджетининг талон-торожлиги сабабли ривожлана олмаган.

Шу билан бирга, экранлаштирилаётган фильмларнинг аксарият қўпчилигини театр саҳнаси учун яратилган пьесалар ташкил этади. Фильм режиссураси, актёрлар ижроси, декорация ва костюмлар ҳам айнан театр ижодий ҳаётидан олинарди. Бошқача қилиб айтганда, «театрчилар даври»даги фильмлар айнан театр спектаклларининг кинотасмага ўтказилган варианти эди.

«Театрчилар даври», яъни 20 – 40-йиллар турк киноси учун жуда мухим жараённи босиб ўтади. Яъни турк киносининг янгиланишига тамал тоши кўяди. Айнан шу даврда кинода ўз ижодий фаолиятини бошлаган турк маънавиймаданий дунёсининг икки забардаст вакили – М. Эртугрул ва Н. Ҳикматларнинг ижодий изланишлари мухим ўрин эгаллайди. Бу икки ижодкорнинг фильмларига, изланишларига асосланиб, турк киносининг қарийб 30 йиллик даврини тахмин қилиш мумкин.

Дунё кино тарихида бўлмаган вёкеа шу даврда турк киносида содир бўлади. Қарийб 17 йил давомида турк киносини ягона бир инсон режиссёр бўлиб бошқаради. Жумхуриятнинг илк кунларидан бошлаб, Иккинчи жаҳон уруши-

гача турк киносининг кўзга кўринган режиссёри бўлиб Мұҳсин Эртугрул хизмат қиласи.

Бу ижодкор фаолияти, турк киноси ва театрнинг ривожланишига қўшган катта хиссаси санъат тарихчилари томонидан ҳар хил баҳоланади, ҳар хил таҳлил қилинади. 29 фильмни суратга олган режиссёр, албаттa, асосан тақлид ва бир хил, сийқаси чиқиб кетган сюжетларга асосланиб, фильmlар олган дейиш қийин.

Мұҳсин Эртугрулнинг ҳаёти ва ижодига бир назар ташлайлик. У театрдан чиккан бўлса ҳам, бутун умрини кинематографияга, унинг равнақига бағишлийди. Мұҳсин Эртугрул асли истамбуллик бўлиб, 1982 йилда таваллуд топади. Олдинига бошланғич, кейинчалик эса ўрта мактабларни муваффакиятли тугатади. Ёшлигиданоқ энди ривожланиб келаётган театр санъатига қизиқади. Олдинига Бурхониддин Тенсининг театр труппасига ишга келади. Бу орада ўша йиллар катта тиражда чиқаётган «Тамаса» журналининг кино бўлимида кинотанқидчи бўлиб ҳам ижод қиласи.

Мұҳсин Эртугрул ёшлигиданоқ ўз замозининг зиёлилари қаторидан жой олади. Адабиёт ва санъатни яхши билган Мұҳсин француз ва немис тилларини ҳам ўзлаштиради. 1911 йилда Франция ва Германия мамлакатларига ижодий сафар қиласи. Париж ва Берлинда театр ва кинонинг ривожланиш, янгиланиш йўлларини мукаммал ўрганади ва малакасини оширади.

1912 йилда Истанбулга қайтиб келиши биланок, «Мұҳсин Эртугрул ва унинг ҳамфирлари» театрини очади. Бу театр 2 йил давомида бир неча француз пьесаларини сахналаштиради. Бу спектаклларда асосан француз театрига тақлидчилик йўлида ижод қилинади. Кейинчалик бу театр труппаси шаҳар театрни — «Darulbedayi»га аралашиб, ўз фаолиятини тўхтатади. М. Эртугрул «Darulbedayi» театрида бир неча шуҳрат козонган спектаклларни сахналаштиради. Театр сирларини дўстлари билан баҳамлашади.

Мұҳсин Эртугрулнинг театрдаги ижоди хусусида А. Гу-

сей нов шундай ёзади: «Мұхсинбей хакикатдан ҳам турк театрининг «отаси» ҳисобланади. У 200 дан ортиқ спектакль сахналаштириди, 20 дан ортиқ турли театрлар ташкил этди, учта үқув студиясини тузди, тұртта театр журналини яратди, 100 га яқин образ яратди...» (12.38).

Кинонинг ютукларини, имкониятларини ҳисобга олиб, Мұхсин Эртугрул ўзининг ижодини бутунлай кинематографияга бағишилайди. Хорижга қылған иккінчи сафарида факт кинематографияни үрганиш, Европа кино санъатини Түркияга олиб келиш учун ҳаракатлар қилади.

1916 йили Олмонияга килған ижодий сафарида олдининга бир неча немис фильмларида актёр сифатида иштирок этади.

1920 йили Мұхсин Эртугрул Берлинда «İstanbul-film» ширкатини ташкил қилади ва у ерда ўзининг ilk фильмини суратта олади. «Изтироб» фильмида асосан немис актёрлары иштирок этишади. Бу синовдан ўтгандан кейин ўз юртига кайтиб келиб киноижодини давом эттириш йўлларини қидира бошлайди. 1921 йилда ўз студияси — «Bozkurt-film»ни ташкил этади, лекин биронта ҳам фильмни суратта ололмай, ўз атрофига ҳамфирлар, маслакдошлар йиголмай студияни ёпишга мажбур бўлади.

Мұхсин Эртугрул тез орада ака-ука Седенлар билан келишиб, янги киностудия «Kemal-film»ни яратади ва унинг бош режиссёри бўлиб ишлади. Ташландик бир фабриканинг павильонини ижарага олиб, у ерда кино учун маҳсус суратта олиш майдони курилади. Декорациялар илк бор ўша даврда турк киносида жаҳон киносида бўлганидай, тегардан фарқли ўларок ишлатила бошлайди. Хуллас, ҳакиқий турк киностудияси дунёга келади.

Албатта, «Kemal-film»нинг ilk қадамлари жуда ҳам кийин кечган. Биринчи фильмни суратта олиш жараёниданок бальзи бир қийинчиликларга учрайди. «Истанбулдаги бир фожеали севги» фильмини суратта олиш жараённан номаълум кимсалар тарафидан фабрикадаги маҳсус курилган

декорациялар, аксессуарлар синдирилиб, ёкиб юборилади ва актёрлар ҳақоратланиб калтакланадилар. Шу боис фильмнинг экранга чиқиши анча чўзилади. Бошқатдан актёрлар танланиб, декорациялар қурилиб, фильм сўнгига етказида-ди.

Маълумки, мусулмон давлатларида аёл кишининг саҳна ва кинода иштирок этиши шариат қонунига кўра такиқланган эди. Илк театр ўйинларида бўлганидай, илк кино фильмларида ҳам аёллар ролини эркаклар ёки бошқа миллатга тааллукли бўлган аёллар ижро этишган.

«Истанбулдаги бир севги фожесаси» фильмининг фабуласи, мавзуси ўша пайтларда жуда ҳам кўп марта саҳналарда ўйналган, фохишиликнинг ёмон ишларига олиб келиши ҳақидаги оперетталардан фарқ қилмаган. Бош ролларни хориждан келган актёрлар — Анна Мариевич ва Ваграм Папазнлар ижро этишган. Бу фильм 1922 йилда экранларга чиқарилади ва томошабинларда зўр кизиқиш уйғотади.

Албатта, Мұхсин Эртугрул кинонинг ўзига яраша кийиғтиликлари борлигини, мусулмон мамлакатида «шайтон томошаси»ни ривожлантириш осон эмаслигини тушунгандай. Шунинг учун ҳам ўз ижодини ҳеч нарсага карамай, давом эттираверган. У француз оперетталаридан узоклашишни, турк томошабинига ўзларининг ҳаётидан қизик воқеаларни намойиш эттириш учун турк адабиётига назар ташлайди ва Ёкуб Қодри Қораусмон ўғлининг романига тўхталади.

«Нур бобо» романидаги диндорларнинг реакцион томонлари фош килиниб, инқилобий воқеалар кўрсатилган эди. Фильмнинг экранга чиқиши худди романнинг дунё кўришидай катта қийинчилик билан юз беради.

Кинонинг тиклалиши Турк давлатининг қурилиши билан чамбарчас боғлиқ. Антанта давлатларига қарши кураш олиб бораётган турк ҳалки ҳаёт ва мамот муаммоларини ҳал қилаётган эди. Мустафо Камол Отатурк бошчилигига-ги «Қуртулиш» уруши айнан шу вақтларда ўзининг юқори нуктасига етган эди. Оммага маънавий куч бериш, ватанпар-

варлик гояларини сингдириш учун кинофильмларнинг фойдаси бетакрор эди. Отатурк кинонинг омма билан мулоқотда бўлишида имконияти катталигини шу йиллардаёқ тушуниб етади.

Отатурк жумҳуриятининг илк йиллари ёқ кинематография ҳақида шундай деган эди: «Кино шундай бир қашфки, вакти келиб жаҳон маданиятини шаклини ўзгартиришда порох, электр ва китобларнинг қашфидан кўпроқ аҳамиятга эгадир...». Шунинг учун бўлса керак, Отатуркнинг оқилона сиёсатига кўра «Куртулиш» урушида ҳар бир фукаро, ҳар бир харакат фақат зафар учун йўналтирилган бўлиши керак.

Шу йиллари Мұхсин Эртугрул ҳам Куртулиш жангидан олинган эпизодлар билан боғлиқ «Оташдан кўйлак» фильмни олади. Бу фильм ҳам Мұхсин Эртугрулнинг кўп фильмлари қатори бадиий асар асосида суратга олинган эди. Куртулиш жангини бошидан ўтказган ёзувчи Холида Адиварнинг романи бўйича олинган фильм жамиятдаги кайфиятни, мухитни яхши англаған эди. Бош ролларни Эмин Белиг ва Сарматовалар ижро этишган.

«Kemal-film»нинг ишлари юришиб, бир йил ичida 3 та фильм суратга олинади. «Нўхат сотувчи» ва «Қиз минорасидаги фожеа» фильмлари худди биринчи фильмда бўлганидай, асосан бир актёрлар билан суратга олинган. Театрдан келган асарлар кинога талқин қилинарди. Томошабинларда шуҳрат козонган спектакллар бутунлай ёки қисман ўзгартириб лентага олинарди. Лекин учинчи фильмда илк бор турк актрисаси Нейире Нейир аёл ролини ижро этади.

Бу уч фильм нафақат Мұхсин Эртугрулнинг ижодида ёрқин из қолдиради, балки «Kemal-film» билан келиша олмагани учун у контрактни бузади ва киностудия буюмларини улоктириб юборишади. Окибатда, турк киносида яна суст ҳаёт бошланади.

Мұхсин Эртугрул кинорежиссёрикни вактинча тўхтатиб театрда бир неча қизиқ спектаклларни саҳнадаптиради.

Бир неча йил ўтар-ўтмас, яна малака ошириш, кино янгиликлари билан яқиндан танишиш, кино сирларини ўрганиш учун Совет Иттифоқига келади. Одесса студиясида «Тамилла» ва «Спартак» тарихий фильмларини суратга олади. 20-йилларнинг ўртасида Шўро киноси энди янгиланиш жараёвни бошдан кечираётган ва Европа киносида, жаҳон кинематографиясида ўзига яраша ўрни бор эди.

Муҳсин Эртугрул ҳам вактни бекор бой бермай махоратини ошириб, совег кино усталаридан сабоклар олади. 20-йилларнинг сўнгига эса Америка киноси билан яқиндан танишиш учун АҚШ га боради.

Турк киночиларининг олдида катта муҳим масала туради. Намойиш этилаётган фильмларнинг гояси, мавзуси турк киносидаги камчиликларни ойдинликка чиқарарди. Муҳсин Эртугрулнинг йўқлигига, қарийб 5 йил давомида фильм яратиш ишлари тўхтаб қолади. Шу билан бирга томошабин ҳам турк киносига ўрганиб қолганлиги учун ўзларига таниш бўлган манзара, кайфиятни, уларни қизиктирган мавзуларни томоша қилгиси келади. Турк киносида 1929 йилгача бўлган вактичалик турғунлик «жанг»дан олдинги сукунатни эслатарди.

20-йилларнинг сўнгига келиб, Туркияда ягона хисобланган «Kemal-film»нинг ёпилиши билан фильмларни суратта олиш ишлари бир неча йилга тўхтаб қолади. Лекин мамлакатда ишлаб турган бир қанча прокат фирмалари фильмларнинг намойиш этилишини таъминлаб туради. 1929 йилнинг кузида АҚШ дан малака ошириб кайтиб келган Муҳсин Эртугрул янги, ўша пайтлар жаҳон андозаларига мос келадиган студияни яратади. «Ipek-film» номини олган бу студияда узок йиллар бир ўзи режиссёрлик қиласиди, чунки замон талабига жавоб берадиган режиссёrlар у вактда ҳали турк киносида йўқ эди.

1929 йилнинг сўнгига келиб, энди қурилаётган «Ipek-film» студиясида илк фильм суратга олина бошлайди. Муҳсин Эртугрул «Анкара экспресс почтаси» фильмини ўша

пайтлар АКШ да кенг тарқалға детектив жанрида суратта олишга киришади. Фильм мавзуси қилиб, яқинда тугаган миллий-озодлик урушидан олинган вөкеалар олинади. «Анқара экспресс почтасы» Рашот Нури Гунтекиннинг «Тунги фожеа» пьесаси асосида суратта олинган бўлишига қарамай, режиссёр саҳна санъатидан узоклашиш максадида фильмни суратта олиш жараёнида имкони бор қадар кўпроқ табиат кўйнида, театрлашган декорациялардан фойдаланмай ижод қиласди. Фильмда партизанлар, миллий-озодлик йўлида жанг қилаётган оддий халқ образи яққол тасвирланади. Фильм қаҳрамони Кудрат образини Муҳсин Эртугрулнинг ўзи меъёрига етказиб ижро этади. Режиссёр бу фильмида илк бор сунъий саҳналардан йироқлашиб, кинонинг театрлашишидан узоклашишига ҳаракат қиласди. Фильм турк томошабинларида катта қизиқиш уйғотади. Бир неча ой кинотеатрлар «Анқара экспресс почтаси»ни муваффақият билан намойиш этишади.

1930 йилга келиб, жаҳон кинематографиясида оламшумул ахамиятга эга воеа юз беради. Жаҳон иктисадий жараёнининг ривожланиши техникавий тараккиётнинг жадаллашувига олиб келади. Кино санъати энг аввал техника билан боғлиқ бўлгани учун бу янгилалиш жараёни унга ижобий таъсир кўрсатади. Техниканинг янги ютукларидан фойдаланган америкаликлар дастлабки овозли фильмларни томошабинларга ҳавола этишади. Тез орада Европа кинотеатрлари ҳам овоз аппаратлари билан жиҳозланиб, техника ютукларидан кенг фойдаланадилар. Хуллас, кино санъати илк бор «гапира» бошлайди.

Яқинда АҚШ дан кайтган Муҳсин Эртугрул албатта овоз ёзиш техникасидан ва кинонинг овозли бўлишидан хабардор эди. 1930 йилда у «Истанбул кўчаларида» фильмини янги техникадан фойдаланиб суратга олади. Бу фильм илк турк овозли киноси бўлиши билан бирга, Европада энди суратта олинаётган овозли фильмларнинг биринчиларидан хисобланади. Шундай қилиб, Муҳсин Эртугрул

«Истанбул кўчаларида» фильмни билан жаҳон киножараёнида кечеётган техник ривожланишнинг янги танишига ҳозиржавоблик билан лаббай деб жавоб беради.

Юкорида таъкидлаганимиздай, шу пайтгача олинган барча фильмлар театр пьесалари асосида эди. «Истанбул кўчалари» фильмни эса илк бор маҳсус кино учун ёзилган сценарий асосида суратга олинади ва театрлашган кинодан узоклашиш учун яна бир кадам қўйилади.

«Истанбул кўчаларида» фильмни кўп жиҳатлари билан турк киносининг ривожланишига асос солади. Қисман хорижда намойиш этилган илк турк фильмни бўлиб тарихга киради. Мазкур фильмнинг хорижда муваффакият қозонишининг сабабларидан бири, энг аввало фильмни суратга олиш жараёнлари Болкон давлатлари, Гречия, Миср ва Кипрда ўтганлиги ва фильmdа бош ролларни турк актёрларидан ташкари грек актёри Гаврилидис ва мисрлик актриса Азиза Амрлар ижро этишганлигига эди. Худди шундай тури мamlакатларнинг кўшиклари ҳам фильмга алоҳида жозиба беради.

1930 йилларга келиб, Туркияда Жумхурият тузилганлигининг 10 йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрила бошлади. Санъатнинг барча турлари қатори кинематография ҳам бу байрамга ўз хиссасини кўшиш ниятида фильмларни суратга олишга киришади. 1932 йилда М. Эртугрул кўп йиллардан бери орзу килиб келган ватанпарварлик мавзусида фильм яратишга киришади. Уша йиллари Туркияда катта шуҳрат қозонган таникли ёзувчи Низамеддин Назифнинг «Бир миллат уйғонаяпти» романи фильмга асос килиб олинади. Фильмда асосан миллий-озодлик кураши, ҳалқнинг Туркия Жумхуриятини куриш жараёнидаги қаҳрамонона ҳаракати тасвирланган.

«Бир миллат уйғонаяпти» фильмни қаҳрамони Яхё Каптан — оташин ватанпарвар инсон бўлиб, миллий-озодлик курашида, бир тарафдан, чет эл босқинчиларига қарши курапса, иккинчи тарафдан, ҳалқни эзib келаётган сulton

зулмига қарши ҳаракат қиласи. Яхё ҳамфир дўстлари билан босқинчиларнинг кароргоҳларига ҳужумлар уюштириб, асиirlарни озод қиласи. Яна ҳужумлар уюштириб, душман курол-аслаҳаларини кўлга киритишади. Шу тарзда кун сайин ватанпарварлар, халоскорларнинг сафлари ортиб боради. Лекин, хиёнатга дуч келган Яхё Каптан дўстлари билан султон аскарлари томонидан асирга олинади ва катл қилинади.

Фильм сюжети оддий бўлиши билан бирга, турк киносида илк бор бадиий фильмда «хужжатли» кадрлардан кенг фойдаланилади.

20-йиллар шўролар киностудияларида малака ошириб келган М. Эртугрул «Потёмкин броненосеци», «Октябрь» ва «Империянинг емирилиши» фильмларини яхши биларди. Айнан Эйзенштейн, Пудовкин фильмларидаги бадиий кинони хужжатли кинога яқинлаштириш услуги билан М. Эртугрул яхши таниш эди. 10 йил ичida 10 та фильмни, яъни барча фильмларни М. Эртугрул факат Д. Ар билан суратга олади. Д. Ар шу давр ичida ягона тасвирчи бўлиб ижод қиласи.

Д. Ар «Бир миллат уйғоняпти» фильмида турк киносида илк бор камерани елкасига олиб, ҳаракатда тасвирга тушибади. Шу билан бирга узун планларни суратга олиб «кадр ичидаги монтаж» услубини ҳам илк бор кўллади.

Худди шундай актёрлар ижроси ҳам янги йўналишда ўз ривожини топади. Шу пайтгача «театрлашган» ижро бўлиб келган бўлса, энди кўпроқ «тираж», яъни «қаҳрамон»нинг ташки кўриниши мос келадиган актёрларни топиб, бўрттирмай, ҳаётга мумкин кадар яқинлаштирган ҳолда ижро талаб қилинади. Актёрлар Атиф Каптан ва Ферди Тайрруфлар ўз қаҳрамонларини маҳорат билан ижро этишади ва томошабинларнинг севимли актёрларига айланишади.

Мухсин Эртугрул 1920 – 1930 йиллар ичida 30 та яқин фильмни суратга олган бўлса, уларнинг асосан кўпчилиги «Irkak-film» студиясида яратилади. Бу фильмларнинг мавзуу

ва ғоялари турлича бўлиши билан бирга, жанрлари ҳам ҳар хилдир. Жиддий, ватанипарварлик ғоялари билан бир қаторда, енгил жанрлар, мелодрама ва комедиялар ҳам катта маҳорат билан суратга олинади. Айнан мана шу «енгил» жанрдаги фильmlар «Ipak-film» студиясининг маблағ томонини тиклашда асосий омил бўлади. Томошабинлар кўпроқ айнан мелодрама ва комедия фильмларини катта кизиқиш билан томоша қиласдилар.

«Ipak-film» 20 – 30-йиллар турк киноси ning ривожланишида катта ва муҳим рол ўйнайди. Энди ташкил этилаётган киностудияларга ўрнак бўлиш билан бирга, турк киноси ning ривожланиши ва тикланишида лаборатория бўлиб хизмат қиласди. Биринчи бўлиб ҳалқаро миқёсда иш кўради, хорижий давлатлар билан ҳамкорликда ижод қиласди. Чет эл фильмларини сотиб, дубляж қилиш билан бирга, турк фильмларини ҳам хорижга сотади. Илк овозли фильmlар ва рангли фильmlар ҳам айнан шу студиясида суратга олинади. 1942 йилга келиб, бу студия ўз фаолиятини тўхтатади.

1933 йилда Туркияга советлар томонидан киноделегация юборилади. Делегацияни режиссёр Сергей Юткевич бошқарди. Олдинига бадиий фильм олиш учун киришган гурӯҳ кейинчалик ҳукумат томонидан таъкидлангани учун «Анкара Туркия юраги» хужжатли фильмини суратга олади. Режага кўра «Ўлдирилмаган одам» фильмига М. Эртугрул режиссёрлик қилипши керак эди, лекин бу фикр амалга ошмай колди. Окибатда совет киночилари билан бирга хужжатли фильм олиниб, Туркия жумҳуриятининг 10 йиллигига байрам тухфаси бўлди.

Фильмда Туркияning пойтахти Анкара шаҳрининг кундан-кунга очилиб гўзаллашаётгани, 10 йиллик таваллудга меҳмонларнинг келиши, улар ичida СССРдан борган Ворошилов, Будённий, Бубнов ва бошқаларнинг борлигини кўриш мумкин.

Бу фильм Туркияда хужжатли фильмнинг янги, юкори поғонага чиқишини тасдиқлайди. Кўп киночилар фильмни

суратга олиш жараёнида совет кинематографистларидан ишлашни, ижод килишни ўрганишади. Улар ичиди фильмга ассистентлик қилган Фарук Кенчни таъкидлаш мумкин, чунки орадан бир неча йил ўтгандан кейин у энг прорессив режиссёрлардан бирига айланади.

«Анқара Туркия юраги» ва «Туркия юксалишда» хужжатли фильмлари ҳар жиҳатдан томошибинларда чуқур таассурот қолдиради. Биринчи марта бундай ҳақиқий кадрларни кўришлари ёки Туркия президенти Отатуркнинг мамлакатнинг 10 йиллик Жумхурият байрамида сўзлаган нуткини илк бор эшитганлар ҳайратда қолишганди. Бундан ташкири Туркияning ранг-баранг табиати, гўзал ерлари, янги ва эски тарихий шаҳарлардан олинган кадрлар томошибинларни бефарқ қолдирмади. Шундай қилиб, Туркияда хужжатли фильмлар янги қатламга, юқори поғонага кўтарилади.

30-йиллар турк киносига Нозим Ҳикмат кириб келади. Тараккиётнинг, келажакнинг, ҳақиқатнинг оташин куйчиши, шоир Нозим Ҳикмат кинода бир неча аҳамиятга эга фильмларни суратга олади ва шу билан бирга турк киносининг ривожланишига ўз ҳиссасини кўшади.

Нозим Ҳикмат 1921 – 1928 йиллари СССРда яшаган, Москва ва бошқа катта шаҳарлардаги киножараёнлардан албатта хабари бор эди. 1932 йилда унинг «Нима учун Бенержи ўзини ўлдирди» номли шеърий романни Туркияда чоп этилиб, ўкувчиларда катта кизиқиши уйғотади. Бу китобида адид воқеани Ҳиндистонда ўтказган бўлса ҳам, турк муаммолари сўз ортида сезилиб турарди. Цензурадан қочиш учун роман каҳрамонларини хинд номлари билан атайди. Романда табиатни тасвирлаш ёки характерларни бирма-бир тушунтириш йўқ бўлиши билан бирга асар структураси киносценарийга жуда яқин эди.

Мухсин Эртугрул бу романни эркинлаштиришни Нозим Ҳикматга тавсия этади. Романни эркинлаштириш йўллари топилмаган бўлса-да, бу икки буюк санъаткор, жамоат ар-

боблари бир-бирлари билан яқинлашишади. Окибатда Нозим Ҳикмат сатирик комедия жанрида сценарий ёзади ва М. Эртугрул билан бирга эркинлаштиради. Фильм воеасида ёш, чиройли ва уддабурон сартароң ўз мижозлари, бой-зодагонлар устидан кулади ва уларнинг ахмоқона вазиятларга тушишларига сабабчи бўлади. Шундай килиб, Нозим Ҳикмат кинога кириб келади. У илк фильmdа М. Эртугрулнинг асистенти бўлиб ишлаган бўлса, кейинчалик ўзи режиссёрлик кила бошлайди.

Бу орада икки жонкуяр санъаткор рус ёзувчиси Александр Гриннинг хикоялари бўйича «Айсел – денгиз кизи» фильмини биргаликда суратга олишади.

1937 йили биринчи тўла метражли бадиий фильмни Нозим Ҳикмат ўз сценарийси бўйича суратга олади. «Күёш сари» деб номланган бу фильmdа инсоннинг келажакка бўлган ишончи, эркин яшашга чорловчи гоялар илгари сурилган.

Нозим Ҳикмат 30-йилларда нафакат суратга олиш билан шугулланади, балки энг кўзга кўринган киношунос сифатида ҳам ижод килди. «Оқшом», «Янги кун», «Миллет» ва бошқа газеталарда кинолар хусусида танкидий чикишлар килиб, жамоатчиликда кинога қарши соғлом фикрлар уйғотади. Маколаларидан бирида кино ҳакида шундай деб ёзади: «Кинематография ҳам худди рассомлик, шеърият санъатидайдир. Факат ҳар бир санъаткор ўзининг килаётган ижодини бир нарсага, кинонинг яхши чикишига йўналтириши шарт, чунки кино санъати колектив санъатидир. Кинематография нафакат кўнгил очиб, томошибинларни қизиктириб келиши керак, балки ҳис этиш, ўйлаш, сабоқ бериши ҳам керак...».

1925 йилдан бери коммунистик партия тақиқланган Туркияда тарғибот қилиш мумкин эмасди. Нозим Ҳикмат ўзининг коммунистик гояларини яширмас, газета ва журналларда империализмга қарши очиқ чикишлар қиласди, АҚШ ва бошка капиталистик давлатлар киноларининг маънавий

дунёси пастлигини фош қилиб, томошабинларни бундай фильмларга «байкот» килишгэ чорлайди. Окибатда мақолаларыда ҳақыкат сари очиқдан-очиқ уйғониш фикрларини ёзгани, коммунизм мағкураси тарғиботи учун қамокқа олинади. Шундай қилиб, Н. Ҳикматнинг кинодаги ижоди тугайди ва қамокхонада «Оташин күйчи»лигини давом этиради.

1930 йилларда турк киносига биринчи бўлиб театрдан келмаган, яъни театрчилек санъатидан яқиндан таниш бўлмаган режиссёр Фарук Кенч келади. Унинг фильмлари бошка режиссёрларнинг фильмларидан соғ киночилик билан фарқ қиласди.

Фарук Кенч 1900 йили Истанбулда таваллуд топади. Мактабни битиргач, кинофирмаларда режиссёр асистенти булиб ишлайди. Юқорида эслаб ўтган «Анкара-Туркия юраги» фильмида Сергей Юткевичга асистентлик қиласди ва кино сирларини ўрганади. Кейинчалик Олмонияга бориб фотография билим юртида кино техникаси сирларини яқиндан ўрганади.

1939 – 1940 йилларда «На-Ka-film» студиясида ишлаб, бир неча эътиборга лойик фильмларни суратга олади. «Тош парчаси», «Йилмаз Али», «Ҳасрат», «Коронгилик йўллар», «Хулият» ва «Гуноҳсизлар» фильмларини олган Фарук Кенч томошабинларга турли мавзуларни тақдим этади. Ф. Кенч фильмларida кино усулларидан кенг фойдаланиб, турк киносини бирмунча «театрлаштириш»дан йироқлаштиришга эришади.

Агар турк киносининг ривожланишидаги 40-йилларгача бўлган даврга статистик баҳо берадиган бўлсак, шуларни таъкидлаш лозимки, 1930 йилларнинг сўнгига келиб, Туркияда 130 та кинотеатр мунтазам фаолият кўрсатади, улардаги умумий ўринлар сони 85 мингни ташкил қиласди. 1939 йилдан бошлаб, Туркияда хорижий тилларда фильмлар намсайиш қилиш конун бўйича таъқиланади. Шу боисдан дубляж ишларини учта киностудия – "Kemal-film", "Ipek-

"film" ва "На-Ка-film"лар олиб боради. Бу киностудиялар шахсий бўлиб, уларга давлат томонидан маблағ ажратилмаган. 1930 йилларнинг ўзидаёқ улар томонидан 23 та тұла метражли фильмлар экранга чиқарилади, томошабинлар 12 миллиондан ошиб кетади. Айнан шу йилларда турк фильмлари илк бор экспорт килина бошлайди. Асосан шарқ мамлакатлари – араб давлатларыда турк киноси севиб томоша килинади. Шуни таъкидлаш лозимки, 40-йилларда араб давлатлари ичидә энг ривожланган Миср республикаси билан Туркия жумхурияти ўртасида муносабатлар жуда ҳам яқинлашиб, маданий алокалар кучая бошлайди. Агар бу мамлакатлар кино тарихига назар ташласақ, ривожланиш йўлларини қиёсласақ, жуда ҳам кўп ўхшашликни кўрамиз. Аввало шундай омилни мисол келтириш мумкин. Узок йиллар Усмонийлар империяси даврида бу халқларнинг маданияти, маънавий дунёкараши, тафаккури ассимиляциялашиб, кўп ҳолларда умумийлашганди. Кино санъатининг илк кадамларida ҳам, тикланиш ва ривожланиш жараённанда ҳам жуда ўхшашлик мавжуд. 40-йилларда илк экспорт-импорт фильмлар, ҳамкорлик фильмлари ҳам айнан шу давлатлар орасида юз беради.

50-йилларга келиб турк киносидаги ижодий мухит кескин даражада ижобий томонга ўзгаради. Иккинчи жаҳон урушидан бетарафлик сиёсати туфайли кам зиён билан чиққан Туркияда сиёсий-ижтимоий мухит маданиятнинг, хусусан, санъат турларининг ривожланишига етарли асос яратилганди. Олдинлари газета ва журналларнинг ичидә мақолалар билан чекланилган бўлса, эндиликда бутунлай кинога бағишланган газета ва журналлар нашр этила бошлайди. Уларда нафакат ахборот-реклама тусидаги мақолалар, балки таҳлилий-назарий карашлар билан энди этилиб чиқаётган киношунослар фикр билдиришарди. Киношунослар ўзларининг мулокот марказини тузишиб, турк киносида бўлаётган жараёнлар хусусида фикр алмашишарди ва кинонинг эртаси қандай бўлиши керак деган саволларга жавоб беришга, ба-

шорат килишга уринишлар бўла бошлайди.

Айнан шу киношунослар марказининг биринчи аъзоларидан бўлган, 50-йиллардан бери кино назарияси билан шугулланиб келган профессор Олим Шериф Ўнаран бу даврга баҳо бериб шундай ёзади: "Қарийб 30 йил давомида турк киносини асосан "театрчилар" эгаллаб, кинонинг ўз йўлида ривожланишига бирмунча каршилик қилишади. Шунга қарамай, "театрчилар" кинода ишлаш жараёнида жиддий ёндашиб, санъат учун муҳим бўлган вазифаларни олиб киришга сабабчи бўлишади. Шундай қилиб, санъат конунига бўйсениб, кейинчалик "театрчилар" кинодан четлашиб, ўринларини ўз эгалари – киночиларга бўшатиб беришга мажбур бўлишади..." (69.39).

Айнан 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошига келиб Туркияда кино санъатига томошабин томонидан муносабат кескин ўзгаради. Энди кино санъати бошка санъатлар ичидаги севимли, орзу килиб кутиладиган санъатга айланниб қолади. Экранларда тез-тез чиқаётган фильмлар, уларда роль ижро этажтган янги турк актёрлари томошабинларда катта эътибор козона бошлайди. Киночилар эндиликда жамиятнинг севимли ва хурматли шахсларига айланиб қолмай, балки кўп ёшларнинг ягона касб-орзусига айланиб қолади. Ҳолбуки, ёш киночилар учун ўкув масканлари ҳам айнан шу йилларда очилади. Мамлакатдаги кўплаб Университетларда алоҳида кино бўлимлари очилиб, уларда ёш киноижодкорларни тайёрлаш ишлари бошланиб кетади. Чет элларда ўқиб, санъат сирларини ўрганиб келаган турк режиссёrlари ва хорижий кинобилимдонлари бу ўкув даргоҳларида ўз билмлари билан ёшларга йўл-йўриқ кўрсатадилар.

Айнан шу билим юртларида таълим олган куйидаги ёш киносанъаткорлар кинога кириб келишади: Шодон Комил, Тургут Демираг, Шокир Сирамли, Четин Караманбей, Ўрхан Охибурунли ва бошқалар. Бу санъаткорлар турк киносига янги оқим, янги кайфият олиб киришиб, кинога хос

мухит яратишади.

Кино учун асос бўлган касблардан бири актёрликдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, 30 йилдан ортиқ турк киноси фақат театр актёrlаридан фойдаланиб келганди. Энди турк киносига янги режиссёrlарнинг келиши муносабати билан, актёrlарни ҳам театрдан ташкари, маҳсус киноактёrlар тайёрлаб, суратга олиш бошланади. Айнан шу пайтлар жаҳон киносида италиялик "неореалистлар"нинг кашфи билан кино санъати ҳаёт билан жуда яқинлаштирилиб, ҳатто актёrlарни ҳам кўчадан олиб, "типаж "га, яъни ўхшашлиқ, ташқи қиёфанинг бирлигига асосланиб, фильмлар суратга олина бошлайди. Турк киноси ҳар вакт жаҳон киносидаги ўзгаришларга тақлид килишга харакат килиб келган. Шу боис "неореализм" асосларига ҳам бўйсениб кўп актёrlар халк ичидан танланади.

Умуман, театрдан қолган декорациялар ҳам омборларга яширилиб, павильонлар ўрнига асосан кўча-куйда, ҳаётнинг ўзидан олинган манзаралар билан фильмларни суратга олинади. Буларнинг барчаси, юқорида таъкидланганидек, кино санъатини томошибинларга яқинлаштиради ва шу билан бирга жаҳон киносида бўлаётган ўзгаришларга хозиржавоблик муносабатида бўлишга, илк катта ютуқларни козонишга олиб келади. Лекин бу жараёнда янги муаммо – анъаначилар ва новаторларнинг ўзаро муносабатлари кўп йиллар давомида қарама-қаршиликка олиб келади. Кейинги давр – "киночиilar даври", турк киносининг ривожланишига асос бўлади.

ИККИНЧИ БОБ  
ТУРК КИНОСИНИНГ ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ  
МУАММОЛАРИ  
(1953 – 1980)

Турк киноси Биринчи жаҳон уруши даврида шаклланган бўлса (1914 – 1918 йиллар), Иккинчи жаҳон урушининг сўнгига келиб (1945 йил) "кайта туғилиш" даврини бошидан кечиради. Турк киношуносларининг таъкидлашича, худди шу вақтдан эътиборан, юкорида айтилганидек, "театрчилар даври" тугаб, "киночилар даври" нинг илк қадамлари бошланади. Яъни, шу вақтгача турк киносида асосан театрдан чиққан санъаткорлар ижод қилишган бўлса, эндиликда зса хорижда кино ўкув даргоҳларида таълим олиб келган янги режиссёrlар илк фильмларни суратга олишиади.

1940 йилнинг охирига келиб мавжуд бўлган "ўтиш даври" муаммолари "театрчилар ва киночилар" ўртасида ракобатга олиб келади. Бошқача қилиб айтганда, бундай вазият учун табиий бўлган "анъаначилар" ва "новаторлар" ўртасида кураш бошланади. Бу кураш гарчи 1940 йилнинг сўнгига келиб ўз кульминациясига етиб келган бўлса ҳам, аслида 1930 йиллардан бошлаб, яъни овозли кинонинг пайдо бўлишидан илк харакатлар бошланган эди.

1940 йилларда кинога кириб келган ёш режиссёrlар театр санъатини "инкор" этиб, театр актёrlарини ўз фильмларига умуман таклиф этмайдилар. Хорижда ўқиб келган режиссёrlар кам бўлишига қарамай, улар кино санъатида факат киночилардан ташкил топган режиссёrlар, актёrlар ижод қилишини талаб қилишади. Вужудга келган қарамақаршилик натижасида оммавий ахборот воситаларида кино санъатига бағишланган илк журнал ва газеталар нашр килина бошлади.

Айнан шу даврда янги кино ташкилотлари ҳам тузила бошлади. Мисол учун, 1946 йилда "Турк кинопродюссер-

лари ассоциацияси" вужудга келади ва у мамлакатнинг энг катта киностудияларини бирлаштиради. Улар қуидагилардир: "Istanbul-film" (продюссер – Фарук Кенч), "Ipek-film" (И. Ипекчи), "And-film" (Т. Демираг), "Haik-film" (Ф. Руткай), "Ses-film" (Н. Ерсес), "Atlas-film" (М. Кесеоклу), "Ankara-film" (Р.Л.Ардуман), "Birlik-film" (И. Нежеев), "Sark-film" (Х. Айдин), "Elektra-film" (Й. Сарис).

Турк кинопродюссерлари ассоциацияси 1948 йилда илк бор энг яхши фильм ва ижрочилари танловини ўтказади. Улар қуидагилар эди:

Энг яхши фильм - "Унитилган сир" (реж. Тургут Демираг).

Энг яхши режиссёр — Тургут Демираг ("Тоғ афсонаси").

Энг яхши оператор — Критон Илиядес.

Энг яхши актёр - Кадры Эрдоқан.

Энг яхши актриса - Невин Айпар.

Кинофильмлар ва ижрочилар танлови ҳар йили ўтказилишига қарамай, турк кинематографчилари миллый кинофестиваллар ташкил этишни ҳам режалаштиришади. Бунинг учун киночиларнинг маҳсус уюшмасини тузишга қарор қилинади.

1952 йили "Турк киночилар лигаси" тузилади. Бу уюшмага мамлакатнинг кўзга кўринган барча режиссёrlари, актёрлари ва бошқа киноижодкорлар аъзо бўладилар. Шундай қилиб, 50-йилларнинг бошидан Туркияда миллый кинофестиваллар ўтказила бошлайди. Бу фестиваллар турк киносидаги ёш режиссёrlарни қўллаб-куватлаб ижод қилишлари учун имконият яратиб беради. Фестивал ғолибларига хорижий мамлакатларда ўтказиладиган киноанжуманларга йўлланмалар берилиши 50-йилларга келиб турк фильмларининг халқаро кинофестивалларда фаол иштирок этишига олиб келади.

Шу йиллари яна бошқа кино уюшмалари, иттифоклар, ассоциациялар ҳам тузилади. Бу ташкилотларнинг барчаси турк киносининг жаҳон киносига чикишига ва улар билан

ракобат қилишига тамал тошини қўяди.

50-йилларга келиб турк кино санъатидаги "ањъаначилар" ва "новаторлар" ракобати ёш, истеъодли режиссёrlар, актёрлар ғалабаси билан тугайди. "Киночилар даври"нинг отаси ҳисобланган Лутфи Омар Акаднинг атрофига Метин Эрксан, Осман Седен, Мемдух Юн, Нажат Сайдам, Атиф Йилмаз, Шадан Камил, Мукаррем Гурсес ва бошқа ёш режиссёrlар тўпланадилар. Ёш киноактёрлар Фотима Грик, Тюркан Шорай, Фикрет Хакан, Қодир Совун, Реха Юркадул, Нериман Кёксел, Алия Рона ва бошқалар турк киносига янги ижро услубларини олиб кирадилар ва шу билан бирга миллий характер, миллий мавзуларнинг такомил топишига асос соладилар.

Юкорида таъкидланган улкан киностудиялар қаторига янги фирмалар ҳам қўшилади. "Az-film" (Музаффер Аслан), "Birsel-film" (Оздемир Бирсел), "Beya-film" (Нусрет Икбал), "Saner-film"(Хулки Санер), "Ugur-film"(Мемдух Юн), "Yerli-film"(Атиф Йилмаз – Орхан Гуншинар), "Erler-film" (Туркер Инан ўқлу), "Metro-film" (Арам Гюлкоз), "Site-film" (Илхам Фильмер), "San-film" (Ваки Исқюдарли), "Kurt-film" (Илхам Фильмер-Мехмет Аранж)лар шулар жумласидандир.

Бу кино ташкилотлари 50-йилларда янги "юлдуз"ларни, актёрларни кинога жалб қилиш мақсадида турли танловлар ўтказади. Бу шоуларнинг қаҳрамонлари, голиблари кейинчалик турк кино санъатига муносиб ҳисса қўшган актёр ва режиссёrlар бўлиб етишадилар. "Гўзаллик танлови"нинг голиблари Фильиз Ақын ва Танжу Гюреслерни мисол килиб келтириш мумкин. Бундан ташкари ўша даврда қўшикчи санъаткорлар, эстрада юлдузлари ҳам кинога жалб этила бошланади. Жумладан, турк эстрадасининг асосчиларидан бири Ажда Пекен 60-йилларда кинода суратга туша бошлайди ва шухрат козонади.

50-йилларнинг охирига келиб турк киноси ўзининг энг юқори чўккисига кўтарилади. Қилинган характерлар яхши

самара бериб ҳар йили 100 дан ортиқ фильм ишлаб чикарила бошлайди. Бу фильмларнинг айримлари мазмун жиҳатдан ҳам, ўзига хос киноэстетикаси жиҳатдан ҳам жаҳон кино санъатининг энг яхши намуналари билан ракобат килишга кодир эди. Бу ютукларнинг бошида "янги" турк киносининг сардори бўлган Лутфи Омар Ақад турарди. Шунинг учун бу улкан истеъод эгаси, буюк турк режиссёрининг хаёт ва ижодига кенгрок тўхтаб ўтишни лозим кўрдик. Дарҳақиқат, у яратган фильmlар орқали турк киносининг 50–60-йиллардаги ривожланиш жараёнини яққол кўриш мумкин.

Лутфи Омар Ақадни кинотарихчилар "янги турк киносининг асосчиси" деб билишади. Бундай фикрнинг тұғрилигига шубха йўқ. Бинобарин, айнан Лутфи Ақаддан бошлаб "янги турк киноси" яратила бошлайди. Турк киноинунослари бу ислоҳотчи режиссёри "турк киносининг тирик тарихи" деб ҳам аташлари бежиз эмас. Агар унинг таржимаи ҳолига назар ташласак, бутун умрини кинога бағишлаганини, турк киносининг тикланишида, ривожланишида тинмай меҳнат килган янгича йўналишдаги улкан санъаткор эканлигини кўрамиз.

Лутфи Омар Ақад жаҳондаги икки катта империя – Россия ва Усмонийлар империяларининг парчаланиши арафасида, 1916 йили Истанбулда туғилади. Зиёли оиласидан бўлган Лутфи дастлаб Галатасарой лицейида таҳсил топади. Отаси ёш Лутфининг иктисодчи бўлишини орзу килиб, кейинчалик уни Олий иктисод ва тижорат коллежининг молия бўлимига олиб боради.

1942 йилга қадар билим олиш билан банд бўлган Лутфи Омар Ақад аста-секин адабиёт ва санъат билан шуғуллана бошлайди. Айнан ўша йиллари Туркияда театр тўгараклари, ҳалқ театрлари, ҳаваскорлар санъати ривожланиб кетганди. Лутфи ўртоқлари билан шундай тўгаракларга қатнай бошлайди. "Шишли ҳалқ уйида" ҳаваскорлар томонидан саҳнадаштирилган томошага рассомлик қиласи, декорация ва

костюмларни тайёрлашда фаол иштирок этади. "Бейўғли халқ уйида" Лутфи дўстлари билан биринчи марта саҳнада томоша кўрсатади ва режиссрлик фаолиятига тамал тоши ни шу ерда кўяди.

1930 йилларда Лутфи Ақад адабиётга қаттиқ қизиқиб қолади. Дастрраб мактаб деворий газеталарида шеърлари билан қатнаша бошлайди. Кейинчалик ўз ҳамфирлари билан бирга ўша пайтда машхур бўлган "Беш санъат" журналини ташкил этишда фаол қатнашади. Санъат ва адабиёт олдида турган муаммоларни ҳал қилишида ташаббус кўрсатади. Санъат билан адабиётнинг узвий боғликлиги ҳакида илмий мақолалар ёзиш билан бирга, турк зиёлилари ичida "уйғониш", "жэнланиш" даврининг вужудга келишида катта роль ўйнайди.

Лутфи Ақад ҳамфир дўсти Сирмали Шокир бей билан биргаликда бу журналда кинога оид кўп муаммоларни жамоатчиликка олиб чиқади. Айникса, турк киносининг жаҳон кинематографиясида тутган паст ўрнини ноҳақ деб, янги "киночилар даври"ни бошлашни, яъни Мухсин Эртугрул томонидан асосланган "театрчилар" киносини тубдан ўзgartиришни ўтага кўндаланг килиб қўйишиди.

Иккинчи жаҳон урушида аралашмаслик сиёсатини тутган Туркия жумхурияги ички сиёсатни ривожлантиришга катта аҳамият беради. Шу йиллари, айникса, кўп маданий ислоҳотлар амалга оширилади. Театр ва кино санъатлари ривожланиш жараённида янги поғонага кўтарилади. Кўп кинотеатрлар ва киностудиялар қурила бошлайди.

Ўша вақтда очилган янги киностудиялардан бири "Sema-film" 1946 йили Лутфи Ақадни унинг кино санъати соҳасидаги мустакил фикрлари ва молия бўйича мутахассислигини инобатга олиб, тижорат бўйича директор лавозимига таклиф қиласди. Шундай килиб, Лутфи кинода суратга олиш жараёнига киришиб кетади. Айнан шу пайт "Lola-film" ва "Arman-film" киностудияларида ҳам режисср асистенти бўлиб ишлаб, режиссрлик санъатининг нозик

"сир"ларини ўргана бошлайди.

Юкорида таъкидлаганимиздек, 1940 йилларда ўз ижодининг юқори нуктасига кўтарилиган Мухсин Эртугрул ўша вактда турк киносиning "отаси" ҳисобланарди. Унинг ҳар бир фильмни шов-шув билан қабул қилинарди. Лутфи Ақад Эртугрулнинг фильмларини танкид қилиб юрган бўлса ҳам , лекин кино "сир"ларини ундан ўрганиш учун устага шогирд бўлиб ишга тушади. Тез орада Эртугрулдан имкони борича кино "сир"ларини ўрганиб олиб, ўзи мустакил режиссёр бўлишга ҳаракат қиласди.

1948 йили "Erman-film"да суратга олишни бошлаган режиссёр Сейфи Ховазэр "Тамға" фильмини охирига етказа олмайди. Мазкур киностудия раҳбари Хуррам Эрман бу фильмни ниҳоясига етказиши мақсадида режиссёр қидира бошлайди. Киночи дўстларининг тавсияси билан Лутфи Ақадни режиссёrlикка таклиф қиласди. Шижоат билан ишга киришиб кетган Лутфи Ақад фильмнинг муваффакиятли чиқишига катта ҳисса кўшади. Режиссёрнинг бу ютугини санъат ахли тан олади ва турк киносида янги, ўзига хос режиссёр дунёга келганини таъкидлайди.

"Erman-film" киностудияси раҳбари Хуррам Эрман режиссёрнинг бу муваффакиятидан фойдаланиб, Лутфи Омар Ақадга янги иш таклиф қиласди. Хуррам Эрман жаҳон киносида юз берайтган жараёндан яхши хабари бор эди. Европа, айниқса, Америка киносида "юлдуз"лар киноси ривожланиб бормоқда эди. Иши юришишни истаган киносаноатчи "юлдуз"лар билан ишлашни хоҳлар эди. У "юлдуз"-лар топилмаса, "юлдуз"ни яратиш керак, деган тушунчани ўртага ташлайди. "Erman-film" киностудияси ёш, истеъдолли актриса Сезер Сезинни кино чўккисига кўтаришни режалаштиради ва бу кийин ишни амалга ошириш учун режиссёр Лутфи Ақадни таклиф килишади.

Режиссёр янги фильмга асос қилиб, ўша пайтларда донги кетган ёзувчи Холода Эдиг Адиварнинг "Фохишани ўлдиринг" романини танлайди ва сценарийнавис С. Кучук би-

лан бирга кинодаги илк сценарийсини ёзади. Фильм воқеаси "Куртулиш савоши" (1920 йиллар) даврида бўлиб ўтади. Фильм қаҳрамони Олия исмли ёш ўқитувчи Анадўлу (Туркияниг Осиё кисми) кишлоказларидан бирига маърифатпарварлик ғоясини тарқатиш учун келади. Қийинчиликларга, бебошликларга мардларча бардош бериб, ўз ўкувчилари нинг билимларини ошириб, саводсизликка қарши кураша бошлайди. Хуллас, Сезер Сезиннинг яратган Олия образи томошабинларда, айниқса зиёлиларда катта таассурот колдиради. Фильм бир неча мамлакат кинотеатрларида тинимиз намойиш этилади.

"Фохишани ўлдилинг" фильмни ёш режиссёрга шон-шухрат келтиради. Лутфи Акадни энг яхши режиссёрлар қаторига олиб чиқади. Актриса Сезер Сезин бу фильмдан кейин Туркия киночилари ичидаги энг ёркін "юлдуз"га айланади ва шу билан бирга "Erman-film" киностудиясининг энг кучли киносанъаткори бўлиб колади.

Лутфи Омар Акад шу йиллари турли йўналишдаги фильмларни суратга олиб, турк киноси учун янги жанрлар, детектив, этнографик-фольклор фильмлар яратди. Унинг «Гўзал хаёт» фильмни дастлабки турк мелодрамаларидан бири бўлиб, томошабинларда катта таассурот колдиради. "Орзу ила Қамбар" ва "Тоҳир ила Зухра" фильмлари эса халқ оғзаки ижоди асосида суратга олинган бўлиб, турк кино санъати тараққиётига муносаб ҳисса қўшади. Туркий халқлар фольклоридан олинган бу фильмларда севги мавзуси ўзига хос тарзда ёритилган. Шу билан бирга, томошабинлар достон қаҳрамонлари сиймоларини илк бор экранларда кўриш баҳтига мұяссар бўладилар.

Жаҳон киносининг ривожланишига, йўналишига алоҳида аҳамият бериб келган Лутфи Акад турк киносида саргузашт фильмлар кам эканлигини пайқайди ва кейинги фильмни шу жанрда суратга олади. 1952 йилда "Kemal-film" киностудияси билан шартнома тузиб, даромад келтирадиган фильмни яратишга киришади. Режиссёр "Қонун номи

билан" фильмни сценарийсини ёзади ва уни суратга олишга киришиб кетади.

Фильм воеаси Иккинчи жаҳон уруши йилларида бўлиб ўтади. Эри берган азобларга чидай олмаган аёл уйини ташлаб отасиникига кетиб қолади. Бу "ҳақоратга" чидай олмаган эри, нима бўлса ҳам хотинини қайтариб келишга карор қиласди ва қайнотасининг уйига боради. Эри туфайли котиллик содир бўлади... Аёл полициядан яширишиб юрган эрини таслим бўлишга ундаиди...

Томошабинлар руҳий азобларга бой бу фильмни катта қизиқиш билан кўрадилар, охири нима билан тугашини зориқиб кўтадилар. Режиссёр бу фильmdа Истанбул кўчаларини қандай бўлса, шундайлигича суратга олган. Фильмдаги ишсиз юрган одамлар, оч қолган болалар лавҳалари Туркияning ўша пайтдаги ҳаётини рўй-рост тасвирлаб беради. 1950 йиллар Туркияда "каттиққўллик"ка асосланган сиёsat ҳукмронлик қилган бир пайтда бундай фильмларнинг экранларга чиқиши катта воқеа эди. Шунинг учун "Конун номи билан" фильмнинг дунёга келиши кенг жамоатчиликнинг дикқат-эътиборини ўзига тортади. Цензура эса бу фильмни экрандан олиб ташлашга журъат эта олмайди. Турк киношунослари бу фильмнинг яратилишини янги турк киносининг тугилиши деб атайдилар. Чунки Лутфи Омар Ақад бу фильmdа биринчи бўлиб ҳамма ролларга киноактёrlар ва типажларни халқ ичидан танлаган эди. Умуман, бу фильмни кўпроқ ўша пайлар дунё кинематографиясини ларзага келтирган "Буюк италянларнинг" "неореализм" йўналишидаги фильмлари каторига киритиш мумкин. Айнан неореализмга хос услубда, яъни шаҳарнинг экранда ҳакиқийлиги, шаҳар кайфияти, актёrlарнинг "ташқаридан" таклиф этилиши, фильмдаги сюжетнинг Европа воқийлигига яқинлашиши, умуман, фильмнинг услуби италян корифей режиссёrlари Феллини, Висконти, Антониони, Де Сика фильмларидан илхомланганлиги сезилади.

Киношунослар орадан анча вакт ўтгандан кейин турк ки-

носининг тирик "отаси" Эртугрул билан Лутфи Омар Акадни бир-бирига қиёслаб тадқик эта бошлайдилар. Илмий тадқикотлар натижасида Лутфи Акад янги кино асосчиси деб топилади. Бу хусусда таникли киношунос олим, профессор Нижат Узон бундай ёзади: "Мұхсин Эртугрул театр санъатида ўйнаган ролни Лутфи Омар Акада кинода тақрөрлайди. 1955 йилдан бошлаб, Акад яратган кинофильмлар йиллар давомида ёш режиссёрлар учун ўрнак бўлиб келади..." (68.35)

Турк кино санъатининг ilk қадам кўйишида "Ketal-film"нинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтгандик. 20-йиллардан бери асосан кинопрокат билан шуғулланган бу студия 50-йилларга келиб қайтадан кинофильмлар ишлаб чикишга киришади. Ака-ука Седенлар яратган бу студияга Кемалбейнинг ўғли Осман Седен бошлиқ бўлиб келгандан кейин кино санъати жонланиб кетади. Бу проектни жонлантириш учун Осман Седен кино фабрикага бош режиссёр этиб Лутфи Омар Акадни таклиф килади. Анча донги кетган 36 ёшли Лутфи учун бу таклиф айни муддао эди. У қиска муддат ичida 10 га яқин фильмни суратга олиб, ўзининг турк киносида тутган ўрнини яна ҳам мустаҳкамлаб олади.

Осман Седен Лутфи Омар Акаддан кино "сир "ларини ўргана бошлайди. Кўп фильмларга биргаликда сценарий ёзадилар. Кўп ўтмай, "Ketal-film"нинг кудрати яна тикланиб, энг яхши студияга айланади. 1950 йилларда турк киносининг моҳият-мазмунини ташкил этаётган "Ketal-film" Лутфи учун торлик қилиб колганлиги сабабли у бошқа кино фабрикалари билан ҳам ҳамкорлик қила бошлайди.

Лутфи Омар Акад 1955 йили турк киносида яна бир "порглаш" содир қилади. Буюк турк ёзувчisi Яшар Кемал билан ҳамкорликда олинган "Оқ дуррача" фильмни кўп баҳс, эътиrozларга сабаб бўлди.

Фильм ҳакида турк кинотарихчилари бундай фикр билдиришади: "Ҳар вақт долзарб бўлган Ромео ва Жульєтта фабуласига асосланган "Оқ дуррача" фильмни миллий қах-

рамонларга хос характёрларда акс эттирилган. Фильмдаги "қочиш-кувиш" саҳналари маҳорат билан ишланган..." (69.57).

А. Гусейнов эса бу фильм ҳақида шундай фикр билдиради: "Неореализм манерасига хос бу фильмда режиссёр катта маҳорат билан қишлоқ ахолисининг бой оғаларининг зулмига карши курашини ҳикоя килган..." (10.35).

Фильмнинг яна бир ютуғи шунда эдики, қишлоқдаги оғир аҳвол фильм чиқкан даврда ҳам давом этаётганди. Фильм воқеалари Усмонийлар империяси даврида бўлиб ўтган бўлса ҳам, 50-йиллар кайфияти сезилиб турарди. Бош ролларни ижро этган актёrlар Фикрет Хакан ва Кодир Совунлар ўз образларини ишонарли талқин этишган.

Кейинги 10 йил ичиди Лутфи Ақад ижодида бирмунча сусткашлиқ, турғунлик сезилади. 1957-1967 йилларда 10 дан ортиқ турли жанрларда фильмларни суратга олган бўлса ҳам, лекин эстетика, услугуб ва йўналиш борасида олдинга интилиш кўринмайди. Айнан шу даврда режиссёр хужжатли кинода ҳам ўзини синааб кўради.

Фильмлар сюжети маҳсус бадиийлаштирилган бўлиб, "актёрлик ўйини" элементлари билан бойитилади. Лутфи Ақад ҳаётни ҳакконий тасвирлайди. Экрандаги кадрларда бадиий кино стилистикаси, принциплари яккол кўринади ва шу билан бирга турк хужжатли киноси ҳётида муҳим ўрин тува бошлайди.

Турк хужжатли киноси 50-йилларда ўзининг янгиланиш, тикланиш даврини бошдан кечиради. Иккинчи жаҳон урушида кўп мамлакатлар хужжатли киноси катта тажриба ва материал тўплаган эди. Шунинг учун 40-йилларнинг охири – 50-йилларнинг бошларида жаҳон хужжатли киносининг янги, юксалиш даври бошланади. Турли минтақаларда ҳал-каро хужжатли фильмлар анжуманлари бўлиб ўтади. Турк киносининг яхши хужжатли фильмлари ҳам бу нуфузли фестивалларда иштирок эта бошлайди ва чет эл томошабинларини турк хужжатли киноси билан таништиради.

Жумладан, "Тоғларни агдарган Фарход" фильмі 1959 йили Карлова-Вара Жалқаро кинофестивалида энг яхши хужжатли фильмлардан бири деб эътироф этилади ва турк киносига илк ғалаба келтиради.

Режиссёр Шадан Камилнинг "Тоғларни агдарган Фарход" фильмі ўзига хос миллий рух, миллий колоритга бойлиги ва реал ҳаётни ёркин тасвир қылгани учун Европа давлатлари ичидаги турк хужжатли киносининг довругини янада кутаради.

Бошқа турк фильмлари ҳам йирик Европа киноанжумандаридаги муваффакиятли иштирок этиб, Берлин кинофестивалида шухрат козониб қайтади. 1960 йилда ўтказилган Берлин кинофестивалида бирданига иккى фильм – "Қоронғуликдаги ранглар" ва "Анадолу йўлларида" фильмлари фестивал мукофотларига сазовор бўлади.

Лутфи Омар Акаднинг хужжатли фильмлари Истанбул, Анкара ва бошқа шахарлар кинотеатрларида катта муваффакият билан намойиш этилади.

1967 йилда турк киносида яна бир "портлаш" юз беради. Лутфи Акад ўзининг энг машҳур фильмларини суратга олади. Кейинчалик бу фильмларни турк кинотарихчилари "Анадолу учламаси" деб атасиади. Ҳақиқатдан "Она", "Худудлар конуни" ва "Қизил ирмок" фильмлари қаҳрамонлари, воқеалари бир-биридан фарқли бўлса ҳам мавзу ва ғоя жиҳатдан бир-бирини тулдиради. Режиссёр "Анадолу учламаси" ўша давр тури бўлмиш хужжатли фильмларида қишлоқ ҳаёти муаммоларини яна ҳам чуқурроқ, кенгрок ёритишга муваффак бўлади. Лутфи Акад бу фильмлари билан турк киносида янги жанр – бадий фильмларда "қишлоқ" мавзусига асос солди.

Учламанинг биринчи фильми "Она" турк киносининг ёркин юлдузларидан бири Тюркан Шорайнинг катта муваффакиятларидан эди. Актрисанинг бунгача ўйнаган ролларидан бу образи ўзининг серқирралиги, чуқур руҳий ҳолатларга бойлиги билан ажралиб туради. Фильм фабуласи

Туркияда ҳозиргача етиб келган "қон даъвоси", "қасос", "интиқом" олиш муаммосини олиб чиқади.

Бу фильм Кора денгиз атрофидаги қишлоқлардан биридаги камбағал оиласнинг "қон даъвоси" карзи борлиги ва нима бўлса ҳам ундан кутилиш воеасидан бошланади. Фильм давомида Т. Шорайнинг "кахрамони" севимли эридан ва катта ўғлидан ажралади. Кўп кийинчилликларни бошидан кечирган аёл кенжа ўғлини ўлимдан, конли қасосдан саклаб қолиш учун тўғри йўлни топади, яъни қулига тўппонча олиб "қон даъвочи"лари билан тўқнашади ва голиб чиқади.

Фильмнинг ютукларидан бири шунда эдики, режиссёр энди чиқиб келаётган актёрларни кинога таклиф килиб, уларга катта ролларни ишониб топширган эди. Кейинчалик Йилмаз Дуру, Эрол Тош, Қодир Совунлар турк киносининг катта юлдузларига айландилар. Ҳакикатдан, бу актёрлар ўз ролларини ишонарли, миллий бўёкларга безаган ҳолда ижро этган эдилар.

Учламанинг иккинчи фильми "Худудлар конуни"ни режиссёр энди кинога кириб келаётган ёш истеъодди актёр Йилмаз Гюней билан ҳамкорликда яратади. Йилмаз Гюней бу фильма нафакат бош ролни ижро этади, балки сценарийни ёзишда ҳам фаол иштирок этади. Фильм каҳрамони Хидир Туркияning шаркий худудларига яқин ерда тириклий учун контрабанда билан шуғулланади. Ёш капитаннинг гапига кириб, Хидир ҳар хил ишлар билан шуғулланиб кўради. Лекин далада дехқон бўлиб, мактабда ўқитувчи ёрдамчиси бўлиб ишлапидан кўп фойда кўрмайди. Оқибатда, қишлоқдаги бой Оғанинг кийнокларига чидай олмай, уни ўлдириб кўяди. Чегарадан ўтиб қочишига тўғри келади, аммо минали майдонга дуч келиб портлаб ўлади. Олти яшар ўғли етим қолади...

Йилмаз Гюней яратган Хидир образи мураккаб бўлиб, у ноҳақликка, адолатсизликка карши қандай курашиш кераклигини билмайди. Бунга ўхшаган "кахрамон"ларни Туркия қишлоқларида кўплаб учратиш мумкин эди. Режиссёр бу

фильмни Урфа вилоятида суратга олиб, кўпчилик саҳнадарда ўша ерлик одамларни роллар ўйнашга таклиф қиласди. Бу ҳол эса фильмнинг ҳаётнийлигини таъминлаб беради. Чунки фильmdа иштирок этаётган оддий халқ ўз бошидан бундай ҳолларни жуда кўп кечирган эди. Бу фильм хусусида А. Гусейнов шундай ёзади: "Худудлар қонуни" фильмни ўзининг камгап диалоглари билан, Анадолу фольклор мусиқасидан, кўшикларидан кенг фойдаланиши ва актёрлар билан профессионалларча ишлаши бошқа фильмлардан тубдан фарқ қиласди" (10.104).

Бу икки истеъоддли санъаткорнинг фильмни "Қизил ирмоск" учламанинг якуни булиб, турк қишлоқларидағи воқеаларга асосланган. Сценарийга буюк турк ёзувчиси Нозим Ҳикматнинг фольклор эртаги асос қилиб олинади. Лекин фильmdа оригинал асардан сюжет йўналиши қолади, холос. Лутфи Ақад Нозим Ҳикмат эртагидаги поэтик-романтикага ургу бериб, икки ёшнинг фожеали севгиси ҳакида ҳикоя қиласди. Бу фильmdа ҳам бош ролни И.Гюней ижро этади.

Хусанбей ўз қўлида чўпонлик қилаётган Алиҳайдарни, "қизимни бераман" деб алдаб, роса ишлатади. Унинг гапига ишонган Алиҳайдар жон-жаҳди билан бейга хизмат қиласди. Кунлардан бир кун Ҳусанбейнинг қизини ўзига ўхшаган бойнинг ўғлига бераёттани маълум бўлади. Йилмаз Гюнейнинг "каҳрамони" бойнинг найрангини билиб қолиб, ундан ўч олиш пайига тушади. Алиҳайдарнинг бу ниятини деҳқонлар қўллаб-қувватлаб ҳакиқий исён кўтаришади ва бойлар билан курашишади. Охири ғалаба қозонган Алиҳайдар тақдирнинг такозоси билан севгилисига ковушаётган чоғда осма кўприкдан йиқилиб ҳалок бўлади.

Бу "қишлоқ учламаси"да Лутфи Омар Ақад Анадолу қишлоқларидағи ҳаётни ҳаққоний ёритиб беради. Учламадаги характеристикалар, образлар ҳаётдан олинган бўлиб, кўп жиҳатдан хужжатли фильмларда бўлганидай ҳаққоний тасвирланган.

Эртаклардан олинган воқеалар зўр маҳорат билан экран-

лаштирилган, афсонавий сюжетлар замонавий сюжетлар билан уйғуналашиб бирикиб кеттган. Окибатда эртаклардаги воқеалар бугунги күн воқеаларининг мантикий давоми бўлиб тасвирланган. Режиссёр бу фильмларда кишлоқ хаётини хар томонлама чукур очиб беради. Урф-одатларга, кишлоқ анъ-аналарига бой фольклор, этнографик сюжетлар билан йўғ-рилган бу фильм томошабинларни ҳайратда колдиради. Лутфи Омар Акаднинг режиссураси бу фильмлар оркали юкори поғонага кўтарилади.

Бу учламадан кейин Лутфи Омар Акад 10 га яқин турли жанрлардаги фильмларни суратга олди. Бу фильмлар мавзу, гоя жихатдан хар хил бўлишига қарамай, режиссёр янги-янги актёрларни излаб топиб, кинони янги "юлдузлар" билан бойитди. Уларнинг ичida Йилмаз Гюней, Фатима Грик ва Хьюля Кочийигитларни алоҳида таъкидлаш керак.

Бу фильмлар хар бирининг турк киносида ўз ўрни бор. Шуни айтиш жоизки, бу фильм режиссёрининг 70-йиллардаги энг катта ва салмокли учламаси учун баланд парвоз олдидан тайёрлаш майдони вазифасини ўтайди. Чунки айнан 70-йилларда режиссёр ўзининг кинодаги энг юкори чўққисига чиқади.

Турк киношунослари "янги" бу учламани "Кишлок учлама" сига таккослаб, "Шахар учлама"си деб юритишади. "Келин", "Тўй" ва "Қасос" фильмлари 70-йиллар турк киносида катта воқеа бўлади. Бу учлама нафакат ижтимоий, балки миллий-сиёсий муаммоларни кўтариб чиккан эди. 70-йиллар Туркия Жумхуриятида қишлоқ ахолиси оғир хаётга бардош беролмай, шаҳарларга нажот излаб, кўчиб келганди. Мана шу воқеалар, ижтимоий-иктисодий ҳодисалар турк киносанъяткорларининг асарларида ўз ифодасини топган.

Учламанинг илк бадиий фильми "Келин" бўлиб, унда узок қишлокдан Истанбулга кўчиб келган оиласининг хаёти тасвирланган. Эр-хотин Вали ва Марямлар ўғилчалари Усмон билан Истанбулга кўчиб келадилар. Дастлаб ўзларига ўхшаган бечоралар билан вайронада яшайдилар. Иш киди-

ришади. Иш төпилмайди. Дуч келган ишларни килиб, кун кечириб юрадилар. Охири фабрикага ишга жойлашадилар. Лекин кўп ўтмай, ўғиллари оғир касал бўлиб, вафот этади. Бундай хол оиласинг барбод бўлишига олиб келади.

Бу фильмдаги саҳналар реал шароитларда суратга олинган. Истанбулда яшайдиган, оғир кун кечирадиган "кишлок қочоклари"нинг тураг жойлари фильмни суратга олишда кино майдонига айланади. Бу ҳол фильмга ҳаққонийлик ва жонли рух бериш билан бирга, хужжатли фильмга ўхшаш ҳаётийлик бағишлади. Режиссёр "Келин" фильмида хар бир инсон туғилиб ўсган ватанидан айрilsа, мана шундай фожеаларга дуч келади деган гояни илгари суради. Турк киношунослари бу фильмни яна ҳам чуқур таҳлил килиб, ислом кадриятларидан бири бўлган курбонлик қилиш билан боғлайдилар.

Профессор Алим Шериф Онараннинг ёзишича, "Келин" фильмида якъол кўриниб турибдики, оиласинг бирлашиши, иноқ бўлиши учун курбон талаб қилинади. Бу ишорат билан ўғлини Тангри учун курбонлик қилган Ҳазрати Иброҳим воқеаси ёдга келади" (69.11).

Учламанинг иккинчи фильми "Туй"да "Келин"даги во-кеанинг давоми бошқача йўналишда тасвирланади. Фильмда Анадолунинг Урфа вилоятидан Истанбулга қочиб келган оиласининг ҳаёти ҳикоя қилинган. Оила бошлиғи миллий сомсаҳона очиш учун пул йиға бошлайди. Аммо ҳеч ҳам бири икки бўлмайди. Бўйи етган қизини бадавлат одамга турмушга бериб, катта қалин пули олиб бойиб кетаман деб ўйлади. Лекин фильм қаҳрамонининг бу хаёли ҳам пучга чиқади.

"Келин" фильмида шуҳрат қозонган Хьюля Кочийигит "Туй" фильмида ҳам бош ролни зўр маҳорат билан ижро этади. Бошка ролларда Али Шен, Камуран Услуер, Турғут Борали, Ахмет Мекин ва Эрол Гюнайдин каби турк киносига янгича рух олиб кирган артистлар катнашадилар. Улар яратган қаҳрамонлар Истанбул кўчаларида юрган ишсиз,

кишлоқдан қочган одамлардан фарқ килмайди.

Бу иккала фильм Анталия кинофестивалида йилнинг энг яхши фильмни деб эътироф этилади. Лутфи Омар Ақад энг яхши режиссёр, Хьюля Кочийигит эса энг яхши ижрочи деб тан олиниди. Учламанинг бу икки фильмни мамлакат кинотеатрлари экрапларида узоқ вақт намойиш этилади, минглаб томошабинларининг меҳр-муҳаббатларини козонади.

Шахар учламасининг учинчи фильмни "Қасос"да олдинги икки фильмдаги воқеаларнинг мантикий давоми яққол сезилади. Бу фильмга таникли турк ёзувчиси Омар Сейфеддининг шу номли ҳикояси асос қилиб олинган. "Қасос" фильмида ҳам худи ҳикояда бўлгани сингари, кишлоқдан иш қилириб, шахарга келаган оила ҳаёти, тақдирни тасвирланган.

Узок вақт иш қидириб, охири фабрикада жойлашган оила бошлиги кўп вақт ўтмай яна ишидан айрилади. У хотинининг топган пулига қарам бўлиб қолади. Бундан руҳан эзилади. Охири ишсизларга кўшилиб ишсизликка қарши йиғилишларда, намойишларда қатнаша бошлайди.

Фильмда ўша вактда Туркияда ишчиларнинг нақадар қадрсизлиги, ҳак-хукуклари поймол этилаётганлиги жонли, ишонарти лавҳаларда ҳикоя қилинган. Фильм ижтимоий-сиёсий жараёнларга туртки бўлиб кетади. Миллионлаб томошабинлар бу фильмлардан ўзларининг кимликларини англаб олиб, ҳак-хукуклари учун кураша бошлайдилар.

1978 йили Тошкент Халқаро кинофестивалида бу "Шахар учламаси" катта муваффакият билан намойиш этилади.

Лутфи Омар Ақад бу учламадан кейин катта экран учун бошқа фильмлар олмайди. Факат кўп қисмли телевизион фильмлар устида ишлайди. Атокли санъаткор 1977 йилдан эътиборан Истанбулдаги Мемор Синан университетидаги талабаларга телевидение ва кино санъатидан сабоқ бермоқда, шогирдлари билан ўз студиясида кисқа метражли фильмларни суратга олмоқда.

Турк киносининг 70 йиллик тарихига назар ташласак, қизиқ бир холатнинг гувоҳи бўламиз. Мухсин Эртугрул

турк киносининг асосчиси бўлса, Лутфи Омар Ақад бу кинони янги погонага олиб чиқади, Йилмаз Гюней эса "янги турк киносига" асос солади. Бошқача килиб айтганда, Мухсин Эртугрулнинг шогирди Лутфи Омар Ақад ўз фильмларида Йилмаз Гюнейга усталик килиб, янги кино асосчиларидан бирига ок фотиха беради. Яъни уч авлод бир-бирига эстафетани етказиб бериб, турк киносининг ривожланишида асосий роль ўйнайди. Шунинг учун бу уч забардаст санъаткорларнинг ҳаёти ва ижодининг ўзи турк киносининг тарихига замин бўла олади.

Йилмаз Гюней 1937 йили Туркияning шарқий қисми Адана ўлкасида туғилади. Болалиги камбағалликда ўтган Йилмаз 10 ёшидан ишлаб оиласини бокишга мажбур бўлади. Ҳусусий мутолаага қаттиқ берилиб, тинмай ўкиб, ўрганиб боради. Бувасидан эшитган зартаклари, достонлари, халқ қўшиклари унга миллий қадриятларни, урф-одатларни чуқур англаб олиш имкониятини беради.

Йилмаз Гюней ўзининг кино санъати соҳасига кириб келишини бундай таърифлайди: "Кўчаларда писта, ёнғоқ, газеталар сотардим. Бундан бўш вактимда бошқа ишлар қиласардим. Кутимаганда "And-film" кинопрокатида иш жойи бўшаб қолди. Мен кишлокларда фильм намойиш киладиган бўлдим. Кинога бўлган муҳаббатим ана ўша кезларда ўйгонганди. Кейинчалик оммавий саҳналарда иштирок эта бошладим. Шундай килиб, кинога кириб келдим..." (11.14).

Туркияда киностудиялар, кинофирмалар Истанбул шахрида жойлашган. Худди АҚШ да ҳамма кинофабрикалар Лос-Анжелес яқинидаги Голивудда бўлгани сингари, Туркияда ҳам Истанбулнинг Ешилжам бўлгасида тўпланган. Йилмазни кинонинг сирли олами, жозибали жараёни ўзига чорларди. Бу истак бўлгуси санъаткорни Истанбулга етаклайди.

Болалигидан адабиётга қизиккан Йилмаз кичик-кичик ҳикоялар ёзади. Кўп ўтмай, унинг ҳикоялари Истанбул матбуотида чоп этила бошлайди. Муаллифнинг биринчи катта

хикояси 1957 йилда "Бозор почтаси" журналида босилади. Ҳикояда қоғоз халта тикиб сотадиган уч камбағал боланинг оғир ҳаёти, аянчли тақдирин жонли, ишонарли лавҳаларда тасвирланган эди. Ёзувчининг бу ҳикояси жамоатчиликда яхши таассурот қолдиради. Бундан илҳомланган Йилмаз кундузи киностудияда ишлаб, кечалари ҳикоялар ёзиш билан кун кечиради.

Унинг ҳикоялари борган сари ижтимоий-сиёсий тус олади. Оқибатда 1958 йилда Йилмаз Гюнейни 1,5 йилга қамоқ жазосига маҳкум қилишади. Ёзувчи қамоқда ҳам ижодий ишини давом эттиради. Янги сценарийлар устида ишлайди, ҳикоялар ва романлар ёзади. Унинг "Бош кўтара олмаганлар" деб номланган романи чукур ижтимоий-бадиий хусусиятлари билан дикқатта сазовордир. Асар воқеаси 40 – 50-йилларда Туркияning қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Роман қаҳрамонлари эртадан-кечгача меҳнат қилишса ҳам коринлари тўймайди.

Қишлоқдаги Қодирога, Ҳасаноға, Дурмушога каби бойлар ва уларнинг бойвачча ўғиллари ҳеч кимга кун бермайдилар. Қўл остидаги дехконларга арзимаган ҳақ тўлаб, уларни қарзга ботиради. Шу дехконлардан бирининг ўн ёшли Ремзи деган ўғли ўз ҳақ-хукуқини билиб олиб, бундай разил ҳаётга қарши курашишга қарор қиласди. Нима қилиб бўлса ҳам ота-онасини оғир турмуш исканжасидан тортиб олишга интилади. Йилмаз асарда болалигига бошидан кечирган воқеаларни тасвирлайди. Шунинг учун роман ҳаётний, жонли чиккан. Кейинчалик бу роман асосида фильм ҳам суратга олинади.

1963 йили Йилмаз Гюней қамоқдан чишиб, Истанбулга қайтиб келади. Лекин қамоқкача бўлган дўстлари ундан юз ўгиришади. Фақат Ферит Жейхон унга содик колади. Ишсиз юрган Йилмазга биргаликда фильм олишни тавсия қиласди. Йилмазнинг "Икки жасур" деган сценарийси асосида режиссёр Ферит Жейхон бадиий фильмни суратга олади.

Мазкур фильмдаги бош қаҳрамон ролини ҳам Й. Гюней

маҳорат билан ижро этади. Йилмаз ўз эътиқодидан кайтмайди, тавба килмайди. Бу фильмда ҳам ўша гоялари учун, ишсизларнинг ҳақ-хуқуклари учун курашади. Фильм қахрамонлари бойлардан мол-мулкларини тортиб олиб, камбагалларга тарқатадилар, камбагалларни бойларга қарши курашга даъват этадилар.

Бош роллардан бирини ижро этган Й. Гюней ўз қахрамонини зўр маҳорат билан ижро этиб, турк киносининг юлдузларидан бирига айланади. Бу фильм ҳам катта муваффакият билан узоқ вактларгача экранларда кайта-қайта на мойиш килиниши билан бирга матбуотда юкори баҳо олади. Буни кўрган кинопродюссерлар Гюнейни бирин-кетин ўз фильмларига таклиф кила бошлайдилар. 1964 – 1965 йилларда Йилмаз Гюней кирқка яқин фильмда актёр сифатида суратга тушади. Бу фильмларнинг муаллифлари, режиссёrlари турили савиядаги ижодкорлар бўлгани учун Й.Гюнейнинг образларининг ҳаммасини ҳам юксак даражада деб бўлмайди, албатта. Мисол учун, "Ханжардек ўткир йигит" фильмини олайлик. Режиссёр ва сценарийнавис Ремзи Жонтурк ўзининг ilk фильмига энди қамоқдан чиккан Йилмаз Гюнейни бош ролга чакириб яхши иш қиласди. Бунга кейинчалик режиссёрининг ўзи ҳам амин бўлади.

Фильм қахрамони ўз иши билан банкка кириши билан куролланган қароқчилар ёпирилиб, у ерни босишиади. Улар билан олишувга киришган фильм қахрамони ҳавфни тезда бартараф қиласди. Лекин полиция шубхаланиб, уни ҳибсга олишга уринади. Гюней қахрамони бегуноҳ қамоқка тушиш ҳавфи билан, ярадор бўлишига қарамай, қишлоқка қочиб кетади. Қишлоқда уни бир камбағал киз даволайди. Улар бир-бирларини севиб қоладилар, гўй ҳам бўлиб ўтади. Полициячилар буни пайқаб қолиб, уларнинг кетига тушади. Фильм қахрамони хотини билан тогларга қочиб кетади. Орадан анча вақт ўтгандан кейин ҳакиқат юзага чиқади. Улар қишлоққа қайтиб келиб, баҳтли кун кечирадилар.

Бу фильмларнинг кўпчилигида 60-йилларда жаҳон кино-

сида кенг тарқалган Жеймс Бонд, Робин Гуд каби "қахрамон"ларга таклид килинган. Турк кино томошабинлари эзилған халқ тарафини олувчи қахрамонлар иштирок этадиган фильмларни зўр иштиёқ билан томоша қиласидар. Йилмаз Гюней аста-секин бундай фильмларнинг устаси бўлиб колади.

Дастлаб Йилмаз Гюней иштирок этган фильмлар паст табакага, камбағалларга ажратилган кинотеатрларда намойиш килинади ва оддий халқ орасида катта муваффакият қозонади. Бу фильмлар кейинчалик олий табака кишилари учун мўлжалланган киносалонларда ҳам намойиш этиладиган бўлади. Шундай қилиб, Йилмаз Гюней "Экран қироли" деган номга сазовор бўлиб, умрининг охиригача ўз фильмлари ва бошқа режиссёrlарнинг фильмларида 110 та роль ижро этади.

Йилмаз Гюней ўзининг актёрлик ижоди хусусида бундай ёзади: "Менинг турк киносида таникли артист бўлишимга саргузашт фильмларда ўйнаган ролларим сабаб булса ҳам, 1965 йилга келиб тушуниб етдимки, экрандай сехрли жойдан факат тўғри фикрларни тарғиб этадиган фильмларда катнашиш керак экан. Мен шундан сўнг хақикат тантана этадиган фильмларда роль ўйнашга қарор қилдим" (11.27).

Ҳақиқатан, Йилмаз Гюнейнинг қахрамонлари ҳамишиа адолатга интилган қурқмас, жасур, мард одамлар бўлиб чиқади.

Кинодаги ижодини актёрлик билан бошлаган Гюней 60-йилларнинг ўрталарига келиб, режиссура санъатига қизикиб колади. Аксинча бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки у кино санъатининг икир-чикирларини мұкаммал тушуниб олганди. Унинг режиссурага ўтишининг яна бир сабаби, ёзувчининг роман ва ҳикояларидаги воқеаларни киноленталарга кўчириш иштиёқи эди. Мана шу эзгу ният уни режиссурага олиб келади. Санъаткор ўз бадиий асарларидаги гояларни кино воситасида намойиш қилишга киришади.

Йилмаз режиссёрлик қилиш билан бирга бадий ижодни ҳам ташламади. Чунки буларниң бири иккинчисини түлдирап, бойттар эди.

Йилмаз Гюней режиссёрлик ишпини туркий халқларнинг афсонаси "Асли ила Керим" достони асосида "Мен Керим" деб номланган бадий фильм яратишдан бошлайди. Бу фильмда ҳам, бошка достонларда ("Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Тохир ва Зухра") бўлгани сингари, севги ва садоқат, мардлик ва олижаноблик, вафо ва оқибат тоялари тараннум этилади, халқ руҳи, урф-одатлари, кўшиклари, тарихи улуғланади.

Режиссёрнинг ilk фильми муваффакият қозонмаганига қарамай, Йилмаз Гюней тушкунликка тушмайди. Аксинча, куч-гайрат билан янги фильмнинг сценарийсини ёза бошлайди. Бошка режиссёrlарнинг фильмларида қатнашади, актёрлигини муваффакият билан бажариб юраверади.

Йилмаз Гюней ilk фильмини "Safinler-film" студиясида суратга олиш жараёнида тушуниб етадики, кинода, айникса турк киносида ўша даврда эркин бўлиш учун ўз киностудиясига эга бўлиш лозим эди. Шунинг учун у 1968 йилда ўзининг "Тюней-фильм" деб номланган киностудиясини барпо этади. "Сейитхон" фильмини шу ерда суратга олади ва бош ролни ўзи ижро этади. Бу фильм унга режиссёр сифатида катта шухрат келтиради. Ҳатто биринчи миллый Адана кинофестивалида фахрли учинчи ўринни эгаллайди. Ёш режиссёр учун бу катта муваффакият эди.

Фильмнинг яхши чиқишининг бир канча сабаблари бор эди. Кўп йиллар ассистент бўлиб ишлаган Йилмаз кинонинг муваффакиятили чиқишида операторнинг хизмати катта эканлигини яхши тушунарди. Фани Туронли 60-йилларнинг қобилиятли операторларидан бири хисобланарди. У Лутфи Омар Ақад, А.Йилмаз, Т.Демираг, М.Юн, И.Атасой ва бошка режиссёrlар билан ишлаб ўз соҳасини мукаммал билиб олганди. Йилмаз Гюней кейинги кўп фильмларини оператор Фани Туронли билан биргаликда яратади.

"Сейитхон"нинг яна бир ютуғи шунда эдики, режиссёр актёрлар танлашда жуда синчковлик билан иш тутган. Ўзи катта актёр бўлгани учун актёрларнинг яхши-ёмон томонларини яхши биларди. Кейинчалик турк киноси娘娘 юлдузларидан бирига айланган. Ҳаёт Ҳамза ўғли ҳам айнан Йилмаз Гюнейнинг шу фильмидаги катта муваффақият қозонади. Фильм қаҳрамони Сейитхоннинг севгилиси ролини эса Йилмазнинг кайлиғи Набахат Чехра маҳорат билан ижро этиб, бирданига турк киноси娘娘 ўша вактдаги юлдузига айланади.

Лекин фильмнинг энг катта ютуғи сценарийнинг яхшилигига эди. 1958 йилдан "Бу Ватан болалари" фильмидаги сценарийнависликни бошлаган Й.Гюней "Сейитхон"га келиб, 25 та фильмга муаллифлик килган эди. Шу боис ҳам сценарий ёзишга уста бўлиб кетган Гюней томошабинларни қайси мавзулар кизиктиришини яхши биларди.

Дастлаб Нозим Ҳикматнинг "Севги афсонаси" асари асосида сценарий ёзган Й. Гюнейга фильмни суратга олишга ҳукумат цензураси рухсат бермайди. Чунки коммунист ёзувчининг асарлари у вактда Туркияда ман қилинган эди. Йилмаз асардаги асосий севги йўналишини саклаб қолиб, воқеани замонавий муҳитга кўчиради. Фильм купинча севги афсоналарда, достонларида ёритилгандай, икки ошик-маъшукнинг фожеали севгиси билан тамом бўлади.

Анадолунинг бўлгаларидан бирида истикомат килувчи, бой Мюршитнинг синглисини йигитлар сардори бўлган, камбагал, етим-есирларнинг химоячиси, замонамиз "Робин Гуди" Сейитхон севиб қолади. Кеже ҳам Сейитхонга кўнгил кўяди. Бу ҳолдан ғазабланган Мюршит синглисини бошқа бир бой ўртоғига турмушга бермоқчи бўлади.

Токка чикиб кетган Сейитхоннинг йўклигидан фойдаланган Мюршит уни ўллига чиқариб, Кежени Ҳайдарбойга тўй килиб беради. Тўйнинг эртасига хеч нарсадан хабари йўқ Сейитхон баҳтига қаршилик қилганларни ўлдиради. Лекин бу орада севгилисидан жудо бўлади. Шундан кейин

Сейитхон бош олиб, тоғларга чиқиб кетади.

Режиссёр бу фильмда характер яратишга алохидა эътибор бериб, хаётда учрайдиган "каҳрамон"ларни экранга олиб чиқади. Кўпчилик томошибинлар ўзларига ўхшаган образларни экранда кўрадилар. Йилмаз Гюней ижро этган роль ўша йилнинг энг яхши роли деб эътироф этилади.

Й.Гюней 70-йилларга келиб, ёшлигидан орзу килиб келган фильмни суратга олади. "Умид" фильмининг сюжети ҳам, стилистикаси ва режиссураси ҳам 40 – 50-йиллар "неореализм" йўналишида олинган фильмларга яқин туради. Фильм воқеаси режиссёрнинг ўзи туғилган Адана шахри атрофида бўлиб ўтади. Жаббор исмли аравакаш бойларнинг ишини қилиб кун кўради. Аравасида бойларнинг болаларини, яқинларини ташиб юради. Лекин бир куни оти машина билан тўқнашиб ҳалок бўлади. От-аравасидан айрилиб қолган Жаббор оғир кунга қолади. Ишлиз қолган Жаббор нонга ҳам пул тополмай, ёмон одамларга дуч келади, кўп қаллоблар уни алдаб кетипади. Охири ақлдан озиб, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Режиссёр фильmdа жамиятнинг накадар шафқатсизлигини, яхши яшаёт фақат бой-зодагонларга берилганлигини кўрсатишга интилади.

1970 йили Аданада ўтказилган миллий кинофестивалда "Умид" фильмни бир йўла бир неча совринни қўлга кирилади. "Энг яхши фильм", "Энг яхши сценарий" ва "Энг яхши эркак роли учун" совринларининг эгаси бўлади. Шу билан бирга турк киноси шухратини жаҳонга яна бир бор олиб чиқади. Кўпгина халқаро фестивалларда иштирок этиб, турк кино санъати шухратига шухрат кўшади. Жумладан, Греноблъдаги халқаро киноанжумандада ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринини олади. Фильм хорижий матбуот, газета ва журналларда кўкларга кўтариб мақталади. Ўша вактда француз журналлари бундай деб ёзганди: "Фильм шундай олинганки, ҳар вақт намойиш пайтида ўзингга-ўзинг савол бериб турасан: кўраётганим хужжатли фильмми ёки бадиий фильмми?..." (53.154).

Бошқа француз журнали "Экран" эса 1974 йилда шундай деб ёзади: "Умид" деб номланган турк фильмни Миср ёки Жазоир фильмни деб қабул килиниши мумкин. Чунки у ерда мазкур мамлакатлар учун умумий бўлган муаммолар кўтарилигани. Режиссёр бу фильм воситасида хакиқий хаётни, инсонларнинг тақдирини, турмушини, кундалик муаммоларини маҳорат билан очиб беради..." (54.654).

Фильм хорижда катта муваффакият қозонадио, аммо Туркияда намойиш килинмайди, ҳукумат тепасига келган консерватив кучлар, бу қайгули, аянчли фильмнинг экранга чиқишига рухсат бермайди. Бу фильм хусусида таникли турк киношунос Аттила Дорсай бундай ёзади: "Гюней ўзининг "Умид" фильмни билан исботладики, халигача турк киносида ҳеч бир режиссёр турк ҳалқи, Туркия вожийлиги ни борлигини очиқ кўрсата оймаган" (57.62).

Шундан кейин Йилмаз Гюней ҳукумат олдида ишончсиз шахс, хавфли режиссёр бўлиб қолади. Чунки у яратадиган фильмларда ижтимоий адолатсизликлар аёвсиз фош этиларди. Гюнейнинг фильмларида "номаълум" давлатда бўлаётган кирдикорлар, ёлгон жамиятнинг қурилиши, "демократия" сўзи фақат оғиздаю қоғозда эканлиги, бюрократия, коррупциянинг ривожланиши, мафия ва бошқа жамият ёмон томонларининг ривожланиши акс эта бошлайди. "Умидсизлар" (1971), "Алам", "Мотам", "Ота" ва "Ўрток" (1974) фильмларида шу мавзуларни экранга олиб чиқади ва жамиятда катта ўзгариш юз бернишига умид қиласди, ишонади.

Й.Гюней ижодида "Пода" ва "Йўл" фильмлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу фильмлар Локарно ва Каннда ўтказилган ҳалқаро кинофестивалларда энг юқори ўринларни эгаллаб, "Гран-при" совринини кўлга киритади. Бу икки фильмни режиссёр қамоқхонада ўтириб суратга олган, яъни қамоқда олинниши керак бўлган саҳналарни, кадрларни, эпизодларни қоғозга чизиб берган. Суратга олинган саҳналарни кейин кўздан кечирган. Бу борада Гюнейга таникли, истеъододли кинорежиссёrlар Зеки Октен ва Шериф Гёрен-

лар яқындан күмаклашғанлар.

1978 йили "Пода" фильмини суратта олишдан илгари, сценарий ёзиш давридаёқ, З.Октен билан маслаҳатлашиб олади. Йилмаз Гюней бу ҳақда шундай ёзади: "Октен, келишганимиздек сценарийдан чиқмаган ҳолда эпизодларни суратта олди. Дастрлаб дўстларим суратта олинадиган объектларнинг расмларини олиб келиши, сўнг ўша табиатнине (натура) шовкин овозларини оҳанграбо тасмасига ёзиши. Кейинчалик мен кишлук одамларининг овозларини ёзив келишни илтимос килдим. Улар мен берган саволлар асосида жавобларни ёзив келдилар. Биз камеранинг харакатларини, чирокларнинг ёниш усулларини, ўрнини, актёрларнинг ижро қилиш манераларини ва барча қолган нарсаларни олдиндан келишиб олдик (11.38).

"Пода" фильмида Туркияning узок тоғ ўлкаларида яшовчи дехкон-чўпонларнинг, чорвачиларнинг оғир хаёти тасвирланган. Асар қаҳрамони кийин ахволдан чиқиб олиш учун ўғли ва келини билан бир туда кўйни Анқарага олиб келиб сотишга карор килади. Афсуски, кўп кўйи йўлда ўлади, келини ҳам оғир касалга учраб шаҳарда казо қилади. Бу ғам-аламларга чидай олмаган ота-бала ҳам дунёдан ўтиб кетадилар.

Бу фильм хусусида киношунос Р. Себолев ва О. Тенейшвилилар бундай ёзишади: "Пода" фильмининг бир катта фазилати бор. Бундай фазилат фақат катта ва чукур асарларда бўлади. Яъни фильм турли катламдаги, ҳар хил савиядаги томошабинларга тўғри келаверади. Бошкача килиб айтганда зиёли, ўта ўқимишли ва эстетик тарбияси юкори томошабин ҳам, авом ҳалқ ҳам мароқ билан томоша килади. "Пода" фильмни кўп катламли фильмлар каторига киради. Бу албатта жуда катта ютуқ..." (36.117).

"Йўл" фильмни Йилмаз Гюнейнинг энг яхши асарларидан биридир. Фильмда ҳакоратланган, ҳар қандай инсоний ҳак-хукуқларидан маҳрум одамларнинг аянчли хаёти, тақдири, оёқ ости қилинган орзу-умидлари ёркин, жонли лавҳаларда

акс эттирилган. Бу фожеалар уч маҳбус орқали кўрсатилган.

Имралидаги қамоқхонада ўтирган уч оғайни турли орзу хаёлларга берилади. Қамоқхона қонун-қоидалариға катъий амал қилғанликлари учун уларни бир хафта уйларига бориб-келишга рухсат берадилар. Лекин улар шу бир хафта ичида турли фожеаларни бошларидан кечирадилар.

Режиссёр биринчи фожеада қамоқдан чиқкан одамнинг жамиятда ўз ўрнини топишга, оиласини боши қаришга қурби йўқлигини хикоя қиласди. Фильм қаҳрамонларидан бири оиласини олиб келиш учун қўшни кишлоққа қариндошлариникига боради. Лекин қайниси бунга қарши чиқиб, поччаси билан отишмага тушади, оқибатда қариндошлар ҳалок бўладилар.

Иккинчи қаҳрамон таътилини хотинини излашдан бошлайди. Хотини эри қамалгандан кейин ёмон йўлга кириб кетади. Хотинининг ота-онаси бунинг олдини олиш учун қизларини олис тоғли кишлоққа юборадилар. Буни эшитган фильм қаҳрамони ўч олиш ниятида хотинини қидириб топади. Лекин кор ва музликлардан кечиб ўтишда хотини со-вукдан қотиб ўлади...

Учинчи қаҳрамон ҳам севгилисини кўриш учун кишлоқка йўл олади. Лекин қамоққа тушгани учун қайнотаси унга қизини бермайди. Бунинг устига контрабандистлар билан бўлган тўқнашувда йигитнинг акаси ўлади ва тоғликлар қонунига кўра бева қолган келинойисига уйланиши шарт бўлади. Бу азоблар, руҳий изтиробларга бардош бера олмаган қаҳрамонимиз қамоққа қайтиб келади...

Мазкур фильм хақида А. Гусейнов бундай ёзади: "Йилмаз Гюней фильм қаҳрамонларининг тақдирини хеч бўрттирмай ўзига хос равишда тасвиirlаб берган. Фильмда поймол этилган баҳт, оёқ ости қилинган орзу-умидлар, топғалган муҳаббат, тубан урф-одатлар чукур изтироб билан тасвиirlangan" (11.60).

Ҳақиқий фалсафий тушунчаларга бой бу фильм кўп ўтмай жаҳон кинотеатрларидан, киноанжуманларидан ўзи-

га муносиб жой олади. Лекин фильмни Туркияда цензура күп вактгача намойиш этишни таъкиқлаб қўйди. Фильм 1981 йилда бўлиб ўтган XXXV Канн Халқаро кинофестивалида “Олтин хурмо нихоли”ни олади.

Фильмнинг бундай муваффақиятга сазовор бўлишида Йилмаз Гюнейнинг хизмати каттадир. Лекин бу фильмнинг режиссёри Шериф Гёрен сценарийдаги мақсад-вазифаларни тўғри ечиб берипда, актёрлар билан ишлашда, монтаж вактида Йилмаз билан баробар ижодий меҳнат қилган. 1981 йилда Йилмаз Гюней камоқдан кочиб, Францияга боради. У ерда охирги фильм – “Девор”ни суратга олади. Бу фильmdа ҳам жамиятга, хусусан. Туркия ҳукуматига тегиб кетадиган фикр-ғоялар бор эди. Фильмда маҳбусларнинг аянчли ҳаёти, оддий инсоний ҳукуқлардан маҳрум эквалиги рўй-рост тасвиirlаб берилган эди. Режиссёр асарни ҳаётий ва ёркин чиқариш учун фильмга Францияда юрган етим-есирларни таклиф килади. Бу фильmdа ҳам жамиятнинг салбий томонлари очиб ташланган. Й. Гюнейнинг адабий ва санъатга оид асарларида ҳаётга чаңкоклик, инсон қалриятлари, ҳак-ҳукуклари учун кураш ғоялари ётади. Бу ўринда санъаткорнинг ўзи бундай ёзади: “Ҳаётдан максадим санъатда ижод килиш эмас, фақат ҳалқимнинг эркин ва озод бўлишини кўришдир” (11.61).

Турк киносининг катта билимдони, профессор Алим Шериф Онаран бундай ёзади: “Йилмаз Гюнейнинг киносига теранрок қарасак, унинг нечоғлик бой, мазмунли эканлигини кўрамиз. Бу бойлик нафакат жiddий фильмлар, балки саргузашт, “олди-кочди” фильмларда ҳам яққол кўринади. Чунки унинг фильмлари ҳар вакт кўнгилга якин, томошибнлар дидини назарда тутиб ишланган бўлади...” (69.165).

Дарҳақиқат, Йилмаз Гюнейнинг асарларида самимиy-лик, софлик ва беғуборлик сезилиб туради.

60-йилларга келиб турк кино санъати янги, юқори поғоналарга кўтарилади. Кинематографияпинг қайси йўналишига қарамайлик, қайси жихатини таҳлил килмайлик,

жаҳон киносида бўлаётган ижобий ўзгаришларни ўзида акс эттирганлигини кўрамиз. Турк кино санъати сон жиҳатдан Европада биринчи ўринда турса, жаҳон миқёсида биринчи бешиликдан муносиб жой эгаллади. Бу ўринни у 80-йилларгача, яъни бозор иктисадига ўтгунга қадар ушлаб туришга кодир бўлади.

Агар турк киноси жаҳон киносини билан қиёслашни давом этсан, яна шундай омилни кузатиш мумкин. Маълумки, 60-йиллар бутун дунё бўйича кинода юксалиш бўлганидай, бу жараённи турк киносида ҳам кўришимиз мумкин. Бундай юксалиш даврининг кечишига жаҳонда рўй берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сабаб бўлади. Айнан шу сабаблар ва техник тараккиётнинг юкори босқичга кўтарилиши "янги кино тўлқиплари"ни юзага келтиради. Германия, Чехия, Польша, Франция, Италия сингари киноси ривожланган давлатларда янги ёки "параллел" кинонинг вужудга келиши бошқа давлатлар киносига таъсирини ўтказмай қолмади. Бу ерда актёрларнинг ижросидан тортиб жанрларнинг рангбаранглигигача катта ўзгаришлар юз беради. Худди шундай турк киносида ҳам 60-йилларда янги режиссурзининг дунёга келиши, янги актёрларнинг экранларга чиқиши, турли жанрларнинг ривожланиши ва мамлакатдаги сиёсий-иктисадий мухитнинг демократлашиши кинонинг янги поғонага кўтарилишига олиб келади.

Баъзи киношункослар ярим ҳазил, ярим чиң қилиб, турк киносининг тарихини 60-йиллардан бошлашади. Масалан, таникли турк кинотанқидчиси Атилла Дорсай бундай деб ёзади: "1960 йилларга келиб турк киносида сезиларли ўзгаришлар юз беради. Бу даврга келиб ҳар томонлама янги, юкори кўрсаткичларни кўриш мумкин. Соң жиҳатдан ҳам, мазмун ва шакл жиҳатдан ҳам, янги актёр ва режиссёrlарнинг кинога кириб келиши, янги киностудияларнинг ва кинонашриётларнинг ташкил этилиши — буларнинг барчаси жаҳон андозасига мос келадиган кино асарлари яратиш имкониятини берди..." (56.68)

Халит Рефиг, Мемдух Юн, Атиф Йилмаз ва Метин Эрсан каби режиссёрларниң кинога кириб келиши турк киносида янги, халигача кўрilmаган оқимнинг бошланиши эди. Худди шу йиллари кинода уз ижодини бошлаган Тюркан Шорай, Хюля Кочийигит, Фатима Гирик, Жюнейт Аркин, Фикрет Хакан ва кейинчалик Қодир Иононирларнинг яратган образлари ижрочилик санъатининг янги погонасига асос солади.

Турк киносини кўп жиҳатдан режиссёрлар шакллантириша ҳам, лекин томошабинлар нуктаи назаридан, кино асосан актёrlар ижоди билан боғланади. Шунинг учун турк киносида актёрнинг тутган тўхталиб ўтсак.

Маълумки, актёр кинода ҳамиша асосий ижодкор ҳисобланади, чунки томошабин айнан актёр ижросидан келиб чиқиб ролга, колаверса, бутун фильмга муносабатини билдиради. Фильмнинг муваффақиятли ёки акси бўлиб чиқишида актёр асосий сабабчилардан бири ҳисобланади. Айнинса, бу хол турк киносида яққол кўринади. Биргина газета ва журналлардаги мақола ёки таҳлилларни кўздан кечирсак, асосан актёрлар ижодига, уларнинг экран орти хаётига ургу берилганлигининг гувоҳи бўламиз.

60-йилларда Турк киносида актёрлар учун қизиқ бир ҳолат вужудга келади. Бир томондан, "тижорат" фильмлари, яъни пул, маблағ учун килинган "енгил-елпи" фильмлар бўлса, иккинчи томондан, жиддий, бадиий жиҳатдан юксак фильмлар ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз. Албатта, бирбиридан кескин фарқ қилаётган фильмларда режиссёрлар ҳам, актёрлар ҳам ҳар хил иш кўришлари, турли ҳолатларга киришлари керак эди. Шу билан бирга, бу фильмларнинг максад ва гоялари турлича бўлгани учун ижрочилик санъати ҳам бошқача эди.

Агар Лутфи ОмарАкад, Й. Гюней, А. Йилмаз ва М. Эрсан фильмларида актёрлар Т. Шорай, Ф. Гирик, Хуля Авшар, Хуля Кочийигит ва Қодир Иононир севги саҳналарини ҳаққонийликка асосланиб, ҳис-туйғуга берилиб ижро этса-

лар, худди шундай саҳналарни, эпизодларни "тижорат"га асосланган фильмларда бошқача, умумий қолипларга асосланиб, кўшик ва рақсларни ижро этиб, тоғу тошлар, бояларда пайдо бўлиб, хуллас, ҳаётдан бутунлай узоклашиб ижро этишади. Чунки фильмнинг мақсади актёрдан шу йўналишда ижро этишни талаб қиласди.

Агар турк киносининг юлдузи Хуля Авшар замонавий образда томошабинларга ёқиб қолган бўлса, "тижорат" фильмлар режиссёrlари кўп вақтгача шунга ўхшашиб ролларда уни суратга олишади, холос. Худди шундай ҳолни эркак актёрлар хусусида ҳам айтиш мумкин. Ижобий ролларда севилган актёрга режиссёrlар ҳеч вақт салбий образларни таклиф килмайди. Бу хол "тижорат" жанри киносининг асосий қонунларидан бири ҳисобланади. Хуллас, 60-йиллар турк киносида актёрлик стереотипларини, "колипларини" синдириш даври келади ва "янги" турк киносида актёрлик санъати янги чўққиларга кўтарилади.

60 – 70-йиллар турк киносида икки жанр – комедия ва мелодрама (музиқий фильмлар) ривожланди. Айнан шу жанрда олинган фильмлар ҳар вақтдагидан кўра томошабинларнинг энг севимли киносига айланади. Кино деганда оддий томошабинлар шу икки жанрни тушунишадиган бўлиб қолишади. Шунинг учун бу жанрнинг ривожланиш йўлларига кискача фикр билдириб ўтсак.

Турк киноси тарихига назар ташласак кўрамизки, комедия жанри ҳар вақт экранлаштирилиб келинган. Микдор жихатдан бошқа жанрлардан олдинга чиқмаган бўлса ҳам, томошабин бундай фильмларни ҳамиша кузатиб борган. 70-йилларнинг бошларига келиб, кинотеатрлар репертуарининг асосини комедия жанри ташкил эта бошлайди.

Комедия фильмларининг муваффақият қозонишининг асосий сабабларидан бири янги комик актёрларнинг кинога кириб келиши бўлди. Лекин, энг асосийси, бу комик фильмлар режиссёrlарининг миллий мавзудаги, миллий характерга асосланиб яратган сюжетларидир.

Ёш режиссёрлардан бири Зеки Октен илк фильмларини шу жанрда суратга олади. Унинг биринчи фильмси "Коравуллар кироли" фильмидир. Бу фильм Тошкент халқаро киноанжуманида мұваффақиятлы иштирок этади. Мазкур фильмнинг ютуқларидан илхомланған Зеки Октен "Чупчилар кироли" номли иккінчи комедиясини суратта олади. Бу икки фильм ҳам "адолат"лар комедиясига кириб, фильм қаҳрамони ҳар вакт түрли күлгили ҳолаттарға тушаверади. Қаҳрамоннинг эпчиллиги ва омадлиги ҳар хил қийин вазиятлардан чиқиб кетишта имконият беради.

Зеки Октен бу фильмдаги ролни актёрлик ижодини энди бошлаган Кемал Суналға топширади. Комедия жанрида актёрнинг истеъоди яққол намоён бўлади. Бу актёр кейинчалик турк киносининг ҳақиқий комик актёрига айланиб кетиб, катта шон-шуҳрат козонади.

Яна бир ёш режиссёр Картал Тибет кинодаги илк фильмиданоқ томошабинар орасида машҳур бўлиб кетди. Умуман, турк киносида кўп режиссёрлар актёрлик санъатидан режиссурага кириб келишган. Факат 70-йилларнинг ўзида актёрликдан режиссёрликка 20 дан ортиқ ижодкор кириб келади. Уларнинг ичиди Тюркан Шорай, Қодир Инонир, Жюнейт Аркин, Жерди Тайфур, Иброҳим Тотлисас ва бошқа киноюлдузларни таъкидлаш мумкин.

Лекин уларнинг ичиди энг машҳур режиссёрга айланған ижодкор Картал Тибетдир.

Картал Тибет болалигиданоқ актёрликка қизиқиб, 1949 йили, 10 ёшида ёк Анкара радиосида болалар спектаклларида турли образларга овоз бериб, ўз ижодини бошлайди. 1950 йилдан бошлаб болалар театрида саҳна сирларини ўргана бошлайди. 10 йил давомида саҳнада турли образларни яратиб, профессионал актёрга айланади. Лекин унинг орзуци санъат даргохига ўқишига кириб, ўз қобилиягини яна ҳам ошириш эди. Шундай килиб, 1960 йили Анкара консерваториясининг нафис санъат бўлимини битирали. Шу тариқа театр санъаткори бўлади. Ҳатто 1961 йили ўз ҳамфирлари

билан Анкарада "Майдон саҳнаси" номи билан театр ташкил қилади ва 16 спектаклни саҳналаштиради. 1965 йили кутилмаганда кинорежиссёр Суат Ялазнинг таклифига биноан илк бор "Қораўғлон" фильмида бош ролни ижро этади. Шундан кейин узоқ вақт кинода актёрлик қилиб келади ва турк кинотомошабинларнинг энг севимли юлдузига айланади. Бирок театр санъатида режиссуранинг ҳадисини олган Картал кинода ҳам бу соҳани забт этишни орзу қилади. Кўп йиллар бунинг учун турли режиссёrlар кўлида ассистент бўлиб ишлади. Айниқса, бу соҳада Атиф Йилмаздан олган маслаҳатлар унга кўл келади.

1976 йили Ёвуз Турғулнинг сценарийси бўйича "Тўсун пошиш" фильмини олган Картал Тибет турк киносида янги комедия режиссёри дунёга келганини намойиш этади. Кишлок ҳаётидан олинган бу фильмда кўп томошабинлар ўз ҳаётида бўлаётган қизик воеаларни кўрадилар. Бу комедия томошабинлар орасида жуда катта муваффақият қозонади ва Кемал Сунал, Адила Нашит, Шинер Шен каби актёрлар ўзларининг комик йўналишларининг янги томонларини очишга муваффак бўладилар.

Картал Тибет ижоди режиссура соҳасида ҳам сермаҳсул чикиб қолди. 10 йил ичидаги 40 дан ортиқ фильмни суратга олган бўлса, уларнинг кўпчилигини комедия ташкил қиласади. Шу комедия фильмларининг кўпчилиги комик актёр Кемал Суналга мослаб экранлаштирилган. Бу икки санъаткорнинг "Доктор Кемал" фильмни жуда муваффакиятли чиқкан. 1982 йилда суратга олинган бу фильмнинг сюжети ҳам қишлоқда бўлиб ўтади.

Кишлоқдагилар Кемални шаҳарга доктор бўлиш учун ўқишига кетган, деб ўйлашади. Фильм Кемалнинг қишлоққа қайтишидан бошланади. Ҳамма уни доктор деб ўйлади. Касаллар бирин-кетин унинг кабулига келиша бошлишади. Кемал кечалари ҳар бир касалнинг давосини китоблар орқали ўқиб, ўрганиб, кундузлари даволайди. Фильм жараённида Кемал ҳақиқий доктор бўлишга эришади. Хуллас,

Картал Тибетнинг барча фильмлари каби баҳтли воеа билан тугайди. Кемал қишлоқнинг энг гўзал қизига уйланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қишлоқ мавзусига мурожаат қилиш билан бирга режиссёр миллий колорит, урфодатлар, миллий этнографик кўшик ва ўйинларга алоҳида эътибор беради.

Турк киносида шундай бир актёрлар йўналиши бор. Бу актёрлар асосан комедия жанридаги фильмларда суратга тушадилар. Бундай актёрлар труппасини тузиш комедия жанрининг асосчиларидан бири режиссёр Эртем Эгилмес хаёлига келади. Э. Эгилмес "Дев қуши кабаре театри" труппасидаги комедия актёрлари билан шартнома тушиб, уларни "Arzu-film" студиясига ишга олади ва шундай шарт қўядики, бошқа студияларда фильмда суратга тушиш учун маҳсус "Arzu-film"нинг рухсати керак бўлади. Мунир Озкул, Адиле Нашит, Кемал Сунал, Шенер Шен, Халит Акчатепе, Зеки Аласия ва Метин Акпинар сингари бу актёрлар асосан комедия фильмларида иштирок этиб, машхур бўлиб кетадилар.

70-йилларга келиб "мелодрама" жанридаги асарлар ҳам кино муҳлисларининг севимли томошаларига айланиб кетади. Туркияда шу йиллари қўшиқ санъатида катта ўзгаришлар юз беради. Айниқса, эстраданинг арабески, яъни араб қўшикларига, мусикасига хос йўналишдаги қўшиклар машхур бўлиб кетади. Сахнада, концерт залларида асосан шу жанрдаги қўшикчилар ижод кила бошлайдилар. Бунинг натижасида кинода ҳам худди шу жанрдаги қўшикларга асосланган фильмлар суратга олина бошлайди.

Юкорида таъкидлаганимиздай, кўп режиссёрлар томошабин орқасидан югуриб, уларга ёқадиган фильмларни суратга олишга киришади. Окибатда, эстрада юлдузлари кинога таклиф қилиниб, киноюлдузга айланадилар. Кейинчалик бу киноюлдузлар кинорежиссура касбини ўзлаштириб, турк киносида "янги" режиссурани – "мелодрама" жанри режиссурасини яратишади. Айниқса, Иброхим Татлисас, Ор-

хан Генжабай ва Жерди Тайфурлар эстрададан кинога келиб, кейинчалик режиссурани ҳам ўзлаштириб, турк киносига муносиб ҳисса қўшадилар. Агар бу жанрдаги фильмларнинг мазмунига ёки шаклига назар ташласак, кўп ҳолатларда бир-биридан фарқ килмаслигини курамиз.

Хуллас, мелодрамма ва комедия жанрлари турк киносинг 70-йиллардаги асосий жанрига айланниб қолади. Шу билан бирга, "жиддий" жанрдаги фильmlар ҳам ўз томошибинларини топади. Профессор Алим Шериф Онаран бу оммабоп жанрлар хусусида бундай деб ёзади: "Турк томошибини хоҳ театрда бўлсин, хоҳ кинода бўлсин, ҳамиша мелодрамма ва комедия жанрларини катта қизиқиш билан кузатиб келишган. Бундай хоҳишига сабаблардан бири ҳалқимиздаги асрлар оша сакланиб келган хис-туйгуга мойиллик ва ҳар вакт култига иштиёқ борлигидур..." (69.189).

Хуллас, турк киносида 60 – 70-йилларда бўлиб ўтган жараён катта бурилишлар юз беришга асос бўлди. Шу билан бирга, бу ўзгаришлар яна ҳам катта, яна ҳам чуқур ўзгаришларга асос бўлиб, 80-йиллар янги турк киносинг вужудга келишига, туғилишига замин бўлиб хизмат қилди.

## **УЧИНЧИ БОБ. ЯНГИ ТУРК КИНОСИ (1980 – 1998 йиллар.)**

80 – йилларда "бозор иқтисоди" ўзининг юкори босқичига кўтарилади. Туркия Президенти Турғут Озалинг мамлакат ривожланишидаги ислоҳотлари, сиёсий-иктисодий мухит, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларнинг йўналишида тубдан бурилишга йўл очади. Кўп ўтмай, АҚШ сиёсий-иктисодий андозаларига асосланиб ривожланаётган Туркия Жумхурияти "америкача" демократияни қабул қила бошлиди.

Сиёсий-иктисодий ислоҳотлар, ўз ўрнида, мамлакат маънавий-маданий хаётини янги жараёнларга олиб келади. Санъат турларининг деярли барчасида Америкада равнақ топиб келаётган йўналиш ва жанрларга "таклид" сезилади. Айниқса, оммавий санъат тури ҳисобланган эстрада йўналишида рок, поп мусикаси ривожланиб кетади. Оммавий-ахборот воситалари хам цензура асоратидан озод бўлиб, сўз эркинлиги имкониятларидан фойдаланиб, янгича иш олиб боради.

"Бозор иқтисоди"нинг тарақкий топини, телевидение ва радионинг нодавлат секторига ўтиб, янгича ривожланиши таъминланади. Бу каналларнинг деярли барчаси, асосан жонли, тўғридан-тўғри эфирга чиқиши билан бирга, эркин фаолият кўрсатишга, очик-ойдин гапиришга конунан ҳақ-хукукли бўлишади. Кўп ўтмай оммавий-ахборот воситаларининг кўпайиб кетиши, газета ва журналлар, эшилтириш ва кўрсатувлар йўналиш ва мавзуларининг ранг-баранглигини таъкидлайди. Туркияда нашр этиладиган йиллик маълумотноманинг тасдиқлашича, XX асрнинг сўнгига мамлакатда 745 та газета, 83 та журнал нашр этилган. Телевидение тармоғи кўпайиб, 8 та давлат канали, 50 дан ортиқ хусусий каналлар фаолият кўрсатади. Биргина Истанбулнинг ўзида 19 та хусусий телеканал ва 30 дан ортиқ радиоканал иш юритади (78.420).

1964 йилдан бошлаб ишлаб келаётган телерадиоканаллари 1994 йил 20 апрелдаги "Радио ва телевидениени қайта қуриш" қонунига амал қилиб ривожланиб кетади. Бу конунда таъкидланишича, каналларнинг 60 фоизи санъат турларини, маънавий мавзулардаги ғояларни тарғибот қилиши керак. Кўп йиллар давомида цензуранинг таъқиқи остида ишлаб келаётган оммавий-ахборот воситалари бу эркинликдан бошлари айланиб, кўп ҳолларда демократия ва анархия тушишунчаларини аралаштириб юборишади. Оқибатда газета ва радиоканалларнинг "жонли" эфирларида "ўзбошимча" чиқишилар тез-тез қулокка чалиниб колади.

Бундай вазиятда, санъат турлари ҳам ўз ривожланиши жараёнида "демократлашиш" босқичларини ўтишлари шарт эди. Энг оммавий санъат тури – кинематография бундай холда кийин ахволга тушиб колади. Бир томондан, ижара (прокат)нинг 80 фоизини АҚШ киноси ташкил қилган бўлса, иккинчи томондан, видеопрокатларнинг кўпайиб кетиши кинозалларнинг бўшаб қолишига олиб келади. Оммавий-ахборот воситаларининг, эстраданинг янги босқичга ўтишига кўп вакт талаб қилинмаган бўлса, кинематографиянинг янги йўналишда ривожланиши учун киноиндустрияни такомиллаштириш керак эди.

Шундай қилиб, 1990 йиллар турк киночиларининг олдида турган асосий вазифа – томошабинларни кинозалларга қайтариш эди. Бунинг учун АҚШ фильмларига қарши турк фильмларини томошабоп қилиб ишлаб чиқариш, океанэрити киноси билан рақобат қила оладиган киноасарларни яратиш лозим эди. Турк киносининг янги босқичга чикиши, янги шароитда ижод қилиши учун узок вакт мунозаралар, мулоқотлар бўлиб ўтади. Натижада турк киночилари уч йўналишга бўлинниб кетадилар.

Биринчи йўналишда эски вактлардан буён ижод қилиб келган кекса киноижодкорлар жой олади. Уларнинг фикрлари бўйича илгариги анъаналарга таяниб, ижод этиш даркор эди. Бу йўналишдаги режиссёрларнинг фильмларида асосан

Эски вақтлардан ривожланиб келаётган мавзу ва жанрлар жой олиб, күпинча қишлоқ ҳаётига оид урф-одатларга асосланган комедия ва мелодрамалар суратга олинади. Усмон Седен, Мемдух Юн, Эртем Эгелмес, Йилмаз Дуру, Йилмаз Атадениз, Ўрхон Оксуй ва бошқа режиссёрлар "эски" кино анъаналариға содик колтган бўлсалар ҳам, давр талабидан, томошибинларнинг кайфиятидан, дидидан келиб чикиб, фильмларни профессионалларча суратга олишади. Мавзу ва сюжетлари содда бу фильмларни асосан оддий ахоли томоша қиласади.

Иккинчи йўналишда ижод қилаётган режиссёрлар кинога 60-йилларда кириб келган булиб, асосан Европа киносинг таклидчилари эдилар. Бу йўналиш фаоллари Метин Эрсан, Халиф Рафиг, Шериф Гёрен, Зеки Октен, Тукар Шорай ва бошқалар ўз фильмларида фалсафий, умуминсоний мавзу ва гояларни тарғиб киладилар. Бу режиссёрларнинг фильмлари асосан интеллектуал, савияси кенг ва чукур фикрлайдиган томошибинларга мўлжалланган булиб, уларни талабалар ҳам ҳавас билан кўрадилар. Бу тоифадаги режиссёрларни фестиваллар учун фильмлар яратадиганлар деб аташади.

Учинчи йўналишдаги режиссёрлар 80 – 90-йилларда кинога кириб келган булиб, улар асосан АҚШ киносига таклид қилиб, "экшен" (ҳаракатдаги) "шиддат"ли фильмларни суратга олиштан. Умар Кавур, Ёвуз Турнул, Мустафа Альтиоклар, Зеки Деширкубуз, Дервиш Зайим каби режиссёрлар шулар жумласидандир. Улар кино соҳасига кириб келишганда Туркияда янги сиёсий-ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд эди. Шунинг учун улар "бозор иқтисоди" талабларини яхши тушунардилар.

Бу режиссёрлар ҳар бир фильмдан маънавий-моддий фойда кўришни кўзлаб иш тутадилар. Бунинг учун фильмларга иложи борича кўпроқ томошибинларни жалб қилиш керак эди. Шунинг учун бўлса керак, 80 – 90-йилларда кинога кириб келган ёш режиссёрлар кўп киррали, кўп "кат-

"ламли" фильмлар яратишига ҳаракат қиласында әдилар. Ҳар бир томошабин үзининг акт-заковатидан келиб чиқиб, фильмдаги воеаларни, гояларни қабул қиласы.

Бу йўналишдаги режиссёrlар томошабинларнинг олкишларини қозонишади, мамлакатда ўtkазиладиган барча киноанжуманларда иштирок этиб, кўпинча голиб чиқадилар. Радио ва телевидениеда, газета ва журналларда ўtkазиладиган сурвларда айнан ёш режиссёrlарнинг нуфузи юкори туради. Оммавий-ахборот воситалари ҳам 90-йиллар ёш режиссёrlарининг ижодига оид мақолалар, кўрсатув ва эшигтиришлар тайёрлашади. Умуман, сўнгти йиллар Еврола ва Америкада ўtkазиладиган нуфузли киноанжуманларга ҳам шу ёш режиссёrlарни, уларнинг фильмларини таклиф қилишади.

70-йилларнинг сўнгти – 80-йилларнинг бошларидаги турк киношунослари мамлакатда ишлаб чиқарилаётган киноларни танкид қилган бўлсалар, 90-йилларга келиб, турк киносанъатининг жаҳондаги обрў-эътиборини куриб, улар ҳам "янги турк киноси" яратилганлигини тан олишади. Хусусан, Умар Ковур ва Ёвуз Турғуллар яратиётган фильмлар диккатга сазовор эди.

Турк киносининг 80–90-йиллардаги ахволига назар ташласак, энг аввало, 70-йилларда иш бошлаган режиссёrlар ижодига тўхталиб ўтиш керак. Чунки шу йилларда кинога кириб келган режиссёrlар 80-йиллар турк киносида янги йўналишларнинг, оқимларнинг келиб чиқишига асос соладилар ва турк киносини жаҳон экранларига олиб чиқишида катта роль ўйнайдилар. Умар Ковур ана шундай режиссёrlардан эди.

Умар Ковур 1944 йилда Анкара шаҳрида туғилиб, пойтахтга хос маданий мұхитда тарбия олади. Лицейда ўқиб юрган чоғларидаёк, үзининг билимдонлиги, санъатга қизиқиши билан тенгкурларидан тубдан фарқ қиласы. Үзининг истеъдодини синаб кўриш мақсадида болалар учун очилган маҳсус тўгаракларга фаол қатнай бошлайди.

Умар Ковур санъатнинг барча турларига қизикар эди. Лекин ҳаммасидан кино санъатини устун кўярди. Кинематография тўгарагига қатнашиб юрган чоғларидаёқ, хужжатли фильмларни суратга олади. Пойтахтда ўтказиладиган кино-анжуманиларда томошабинн сифатида фаол қатнаша бошлайди. Лицейни тугатиши билан кино санъати институтига ўқишга киришни олдига мансад қилиб кўяди.

Турк киноси 60-йилларда ўкув даргохига эга эмаслиги боис, эски киноижодкорларнинг кўлчилиги маҳсус кино билим юртларини битирмаган эдилар. Маҳсус кино билим юртларини тугатганлари эса хорижий мамлакатларда таҳсил кўрган эдилар. Ёш киночилар 60-йиллар жаҳон киносида етакчи ўрин эгаллаган Францияда билим олишни орзу қилишарди. Ўша пайтлар француз киноси ўзининг "Янги тўлкин" киночилари билан машҳур бўлганди. Янги француз киносининг асосчиларидан бири Франсуа Трюффонинг кино санъати ҳақидаги назариясини ва фильмларини қизиқиб ўрганганд Умар Ковур айнан Парижда ўқишга аҳд килади.

Умар Ковур ўша пайтда донги кетган Париж консерваториясининг кино факультетини танлайди ва имтиҳонлардан аъло баҳолар билан ўтиб, ўқишни бошлайди. Зеҳни ўткир Умар консерваторияни тугатиб, Европанинг машҳур олий ўкув даргохи Сарбон университетининг кино факультети аспирантурасига ўқишга киради. Бирмунча вакт ўтгандан кейин шу ерда дарс берга бошлайди.

Янги француз киночиларининг назариясига каттиқ берилган Умар Ковур амалда фильм яратиш учун кино санъати назариясини, кино тарихини мукаммал ўрганиш шартлигини яхши биларди. 1970 йилларга келиб, Сарбон университетида "кино тарихи" бўйича илмий ишини ёклайди. Узок вакт Парижда қолиб кетган Умар журналистикага қизиқиб, шу факультетни ҳам имтиёзли диплом билан тугатади. Болалигидан кино майдонларида ижод қилишни орзу килган Умар амалий ижод даргохига қадам кўяди.

Ўша пайтлар Франция киностудияларида ижод килаётган таникли режиссёрлар Брайн Фарбос ва Алан Роббларнинг қўл остида ассистент бўлиб ишлайди. Улардан кино сирларини ўрганибгина колмай, 70-йиллар Европа киносида илгор йўналишдаги ижодкорлар билан яқиндан мулокотда бўлган Умар Ковур Туркияга кайтишини режа килади.

70-йилларда турк киноси сал жонланган бўлса ҳам, лекин жаҳон, Европа киносига нисбатан анча орқада эди. Бошқа ижодий мухитга ўрганиб қолган Умар Ковур Туркия ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берәётган воқеаларни тез пайқаб олади. Туркиядаги ижтимоий ҳодисаларни хужжатли фильмда ифодалашга ҳаракат қилади. У киска муддатда кўплаб хужжатли фильмлар яратади. Уларнинг ичидаги энг муваффакиятли чиққанлари – "Истанбул", "Отатурк ва Анқара", "Измир ва Бугози кўприги" фильмларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Европада пухта билим олган Умар Ковурнинг суратга олаётган хужжатли фильмлари гоявий-сиёсий жиҳатдан баркамол чикарди.

Умар Ковур фильмларини суратга олиш, сценарийларни тасдиқлатиш жараёнида шуни пайқадики, Туркияда "цензорлик" сиёсати ўз чўққисига чиққанди. Цензорлар сценарийни ҳар томонлама қисқартиришга, тушунмаган жойларини олиб ташлаб, ўзларининг ожизликларини хаспўшлашга ҳаракат килишади. Кино санъатига бундай муносабатни аллакачон яхши билиб олган Умар Ковур фильмларида асосий эътиборни кино-эстетикаси, кино-шаклига қаратиб, бу вақтгача турк киносида кўринмаган янги йўналишларини намоийиш этади. Бу фильмлар экранга чиқиши билан турк киносида бошқаларига ўхшамаган, янги йўналишдаги санъаткор пайдо бўлганини кўпчилик пайқаб олади.

Бир неча йил турк киносида хужжатли фильмлар орқали ўзини кўрсатган Умар Ковур, бадиий фильмни суратга олишга қарор қилади. Биринчи тўла метражли фильмини суратга олиш учун режиссёр кўп йиллардан бери турк ҳалқи ичидаги таникли бўлиб келган ёзувчи Рафиқ Халит Карайнинг

романи асосида Т. Озман билан биргаликда сценарий ёзиб, "Тушкунликдаги Эмина" фильмини суратга олишга киришади. Сценарий ёзиш жараёнида романдаги воқеаларни 70-йилларга яқинлаштириб, ижтимоий тузумнинг кирдикорларини очиб беришга интилади. Фильм воқеаси Анадолу қишлоқларидан бирида бўлиб ўтади. Фоҳишалиги учун суд томонидан қамокка тушган Эмина турли тубанликларга учраб, кўп азобларни бошидан кечириб, улар ҳолатга келади.

Кўп ўтмай суд ҳаками Эминани қайта тарбиялаш мақсадида шаҳардаги олий зот оиласардан бирига жойлаштиришга қарор қиласди. Лекин кўп ўтмай, задагон оила эркаклари кизнинг чиройига махлиё бўлиб, унга ёмон кўз билан қарай бошлайдилар, бир неча марта зўрлашмоқчи бўлишади. Суд ҳаками Эминани қишлоққа бадарға этишга қарор қиласди. Фильм қаҳрамони яна ўшандай қабих одамларга дуч келади. Қийин ахволга учрайди. Якка колган Эмина очликдан қийналиб ўлади....

Умар Ковур илк фильмдаёқ аёлларнинг жамиятдаги аянчли ахволини, инсоннинг хато қилиб кейинчалик тавба қилса ҳам кечирила олмаслиги ва умуман, Туркияда ижтимоий ҳолат жаҳон ҳамжиҳатлиги қонунларига тўғри келмаслиги, инсон ҳукуклари топталиши, инсон манфаатларининг оқланмаслиги ғоялари намоён бўлади. Шу билан бирга, режиссёр ўз фильмидаги меҳрибонлик, инсонпарварлик ғояларини олдинги планга олиб чиқа олган.

70-йилларда экранларга чиқарилган фильмлар ҳар жиҳатдан бир-бирига ўхшар эди. Умар Ковурнинг фильмси эса улардан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун у шов-шувларга сабаб бўлди. Бу фильмни кўрган томошабинлар икки томонга бўлинниб кетдилар. Консерватив кучлар фильмни қоралаб, экранлардан олиб ташланини талаб қилдилар, янгилик тарафдорлари эса фильмдаги воқеалар, ғоялар ҳаклигини исботлаб, эркинлик талаб килишади.

"Тушкунликдаги Эмина" режиссёрнинг илк фильмси бў-

лишига қарамай, факат мамлакатда эмас, балки хорижда ҳам санъаткорга катта обрў-эътибор олиб келади. Хорижда фильмнинг муваффакияти шунчалик кучли эдик, ҳатто 70-йиллар собик шўролар давлати ҳам бу кино асарни сотиб олади. "Тушкунликдаги Эмина" фильмси собик СССР худудида ҳам бошқа мамлакатлардаги сингари катта муваффакият билан намойиш этилади. Шу фильмдан кейин СССР кинопрокатида ҳам ҳар йили турк кино асарлари намойиш этила бошлайди.

Фильмнинг муваффакиятли чиқишига факат сценарий муаллифлари, режиссёр ва оператор эмас, балки бош ролни ижро этган артистнинг ҳам катта хиссаси бор эди. 70-йиллар турк киносининг юлдузига айланган Нежла Назир Эмина образи орқали, агар қонун, жамият хотин-кизларга нисбатан меҳр-шафқатли бўлмас экан, бу ноҳақлик ҳамиша давом этаверади деган ғояни илгари суради.

"Тушкунликдаги Эмина" фильмидан кейин Умар Ковур анча вақт режиссёrlик қилмайди. Бунинг сабабларидан бири яна ўша ҳукумат томонидан танқидга учраш, цензуранинг режиссёрга қарши кураш олиб боришидир. Умар Ковур бу вақт ичida яна илмий ишга берилиб, кино назарияси бўйича матбуотда бир қанча мақолалар чиқаради.

Европа киноиндустриясини яхши ўргангандан Умар Ковур Туркияда ўз киностудиясини тузишга киришади. 1976 йилда "Alfa-film" деб аталган кинофирма ташкил этиб, ишга туширади ва бу ерда бошқа режиссёrlарга продюссорлик жила бошлайди.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин режиссёр яна фильм олишга қарор килади. Лекин бошқа режиссёrlарга ўхшаб оддий, кўнгилочар фабулада фильм олишни хоҳламаган режиссёр яна ижтимоий мазмунда фильм олишга киришади. Бу гал сценарий ёзишга ҳамкорликка таникли сценарий муаллифи Онат Кутларни таклиф килади. Улар "Юсуф ва Кенан" сценарийсини киска муддат ичida ёзib битиришади. Бу сафар режиссёр биринчи фильмдаги аёллар муаммосидан

хам мұхимрөк бўлган кўчаларда дайиб юрган етим болалар масаласини кўтариб чиқади. Ҳукумат одамларининг бу масалага бефарқ, лоқайд эканликларини айтиб ўтади.

Фильм ҳикоя киладиган фабула жуда хам оддий бўлиб, икки ака-уканинг тақдирини очиб беради. Қишлоқларда хозиргача давом этиб келаётган қон даъвоси, ўлдирилган якини учун ўч олиш одатидан ҳалок бўлган отасидан ажралган ва етим колган ака-укалар Истанбул шаҳрига келиб кун кечиришга мажбур бўлишиди. Умар Ковур ака-укаларнинг тақдирини ўзгача талқин қилиб, ривожлантиради. Режиссёр кўп нарса инсоннинг ўзига боғлиқ эканлиги гоясини олдинга суради. Ака-укаларнинг каттаси Юсуф тирикчилик оркасидан эгри йўлга кириб, автомобиллардан магнитафонлар ўғирлаб кун кўради. Укаси Кенан эса ҳалол ишлаб, виждона нига хилоф иш қилмай яшайди. Кўп ўтмай Юсуф ўғирлик билан кўлга тушали ва камоқхонада хаётини кечиради. Кенан кўп қийинчиликларни кўришига қарамай кейинчалик фаровон яшай бошлайди. Фильм ҳалол меҳнат туфайли ҳар қандай қийинчиликлардан кутулиш мумкин деган гояни илгари суради.

Режиссёр "Юсуф ва Кенан" фильмида хам актёrlар ижросига алоҳида эътибор беради. Европа янги киносида кўп кўлланаётган типаж ўйналишида актёrlарни танлайди. Истанбул кўчаларида ишсиз юрган етим болалар ичидан танлаб олинган ёш қаҳрамонлар фильмда бошларидан кечираётган воқеаларни жонли, ҳаётий тарзда очиб берадилар. Шу вактгача ўсмирлар ҳаётидан олинган фильм турк киносида бунчалик ҳакқоний бўлмаган, бунчалик долзарб муаммони кўтариб чиқармаган эди. Бу киноасар экранларда на мойиш қилинганда кўп шов-шувларга сабаб бўлади. Режиссёрнинг биринчи фильмси сингари "Юсуф ва Кенан" хам хорижий мамлакатларда катта муваффакият қозонади. У кўплаб Европа киноанжуманларига таклиф килинади, Италияning Милан шаҳрида ўtkазилган Халкаро кинофестивалда катта соврин (Гран-при) соҳиби бўлади. Лекин Тур-

киянинг ўзида бу фильмни қўйиш ман қилиб қўйилади ва кўп вақт "кинотокчасида" сақланиб келади.

Умар Ковур фильмлари хусусида турк киношунослари, кино танқидчилари хамиша ўз фикр ва муносабатларини билдириб келишади. Кагта-катта журнал ва газеталарда турли мазмундаги мақолалар чишиб туради. Айникса киношуносларнинг китобларида режиссёр ҳакида салмоқли фикрлар айтилади.

80–90-йилларнинг энг таникли киношуноси Атилла Дорсай ўз китобида бу режиссёр фильмлари ҳакида шундай ёзади: "Шу вактгача турк киносидаги қолипга кириб қолган фильмларнинг ҳам мазмуни, ҳам шаклини янгилашда режиссёр Умар Ковур фильмлари муҳим роль ўйнайди. Режиссёрнинг нафакат долзарб муаммоларни кўтариб чиши, балки кино учун муҳим бўлған эстетикани ҳам янгилашга уриниши турк киноси учун катта ахамиятга эгадир" /54.139/.

Умар Ковур учун кинематографияда ижод қилиш унинг хаёти мазмунини ташкил этади. Режиссёр ўз фильмларида нафакат киноэстетикаси, шакл ва концепциясига ахамият беради, балки сюжет, мазмун ва фильм ғоясига ҳам алоҳида, ўта жiddий муносабатда бўлади. Шунинг учун бўлса керак, ҳар бир фильмда жамият ва мамлакат олдида турган муҳим муаммо, вазифаларни ўртага ташлаш билан бирга бутун инсоният учун долзарб мавзуларни ҳам кўтариб чиқади. Лекин режиссёр ўз фильмларида кўтарган муаммоларини ечиш, ҳал қилиш йўлларини кўрсатиб бермайди, тайёр рецепт ёки дастурни намойиш қилмайди, аксинча, факат бўлаётган жараёнга ҳукуматнинг, жамиятнинг дикқат-эътиборини жалб қилиш билан кифояланади, холос.

1981 йилда Умар Ковур ўзининг учинчи фильмини суратга олишга киришади. Бу сафар, илк фильмда бўлгани сингари, яна аёл қисматининг мураккаблигини бошқа нуқтаи назардан туриб таҳлил қиласди. Илгариги фильмлари каби яна бадиий адабиётга мурожаат қиласди. Бу сафар таникли турк ёзувчиси Ферузанинг асарига асосланиб, "Оҳ, гўзал

"Истанбул" сценарийсини ёзди. Сценарий ёзиш жараёнида-ёк, режиссёр бадиий асарни кинобоп қилиб, бугунги кун ҳаёти билан чамбарчас боғлади.

Фильм қаҳрамони Қодир олисга қатнайдиган юк машинасининг шофёри бўлиб ишлайди. Узок сафардан қайтган Қодир Жавоҳир исмли бир киз билан қаҳвахонада танишиб колади. Орадан кўп вакт ўтмай уларнинг орасида мухабbat пайдо бўлади. Лекин атрофдаги дўст-биродарлар Жавоҳирнинг фоҳиша эканлигини гап-сўз килишади. Қодир бу гапларни тухмат билиб, севгилисига уйланишга қарор қиласди. Бир кун узок сафардан келган Қодир севгилисини бошқа эркак билан бирга кўради ва Жавоҳирни ташлаб чиқиб кетади.

"Ох, гўзал Истанбул" фильмни хам режиссёрга турли киноанжуманларда совринлар келтиради. Жумладан, 18-Анталия миллий кинофестивалида у иккинчи энг яхши турк фильмни деб тан олинади.

Режиссёр бу фильмига турк киносининг энг ёрқин киноюлдузларини таклиф қиласди. Бош ролларни ижро этган Қодир Инонир ва Мужда Арлар ўз ролларини киёмага етказиб ижро этишади ва томошабинларнинг севикили қаҳрамонларига айланишади.

Шу йилнинг ўзидаёк, Умар Ковур "Тугалланмаган мухабbat ҳикояси" номли мелодрамани суратга олади. Унинг бошқа фильмларидан фарқи шунда эдикӣ, ўша пайт турк киносида мелодрама, "Ошиқ-фильмлари"нинг авж олган вакти эди. Ҳар бир режиссёр бу жанрда фильм олишга ошиқарди. Лекин Умар Ковурнинг фильмни соф мелодрама бўлмай, балки бу жанрга ўзига хос пародия шаклида суратга олинган. Қўшиқларга, мусиқага бой бўлишига қарамай, "Тугалланмаган мухабbat" фильмида режиссёр асосий эътиборни яна киноэстетикага қаратади. Бу фильм билан оммабоп жанрни ўзгача бадиий воситалар билан танқид килган режиссёр кўплаб мелодрама мухлисларининг танкидига учрайди.

1982 йили Умар Ковур яна аёл образини тасвирлаб бериш учун таникли турк ёзувчиси Селим Илерини сценарий ёзишга даъват этади. Ўз студияси – "Alfa-film"да суратга олинган "Қул" фильмига турк киносининг уч юлдузини таклиф қилади. Фильмда "уч барчак" схемаси кўзга яққол тушади. Икки эркак бир аёлни севиб қолишади. Фильм жараёнида бу муносабатларнинг қанчалик мураккаблашиб кетишининг гувоҳи бўламиз. Хокон Боламир, Таълат Булут ва Мужда Арлар ўз образларини юкори савияда ўйнациб, томошабинларнинг олкишига сазовор бўладилар.

Кейинги икки "Кўз боғлаш ўйини" ва "Нотинч йўл" фильmlари томошабинлар ва кинотанқидчилар томонидан суст қабул килинади. Бу ўринда фақат актриса Туркан Шорайнинг маҳоратли ижросини таъкидлаш мумкин.

1986 йили суратга олган "Она юрт Отели" фильмим Умар Ковурга мисли кўрилмаган шон-шуҳрат олиб келади. Кўплаб киноанжуманларда турли мукофотларга сазовор бўлади. Анталия Миллий кинофестивалида ҳам энг яхши фильм соврини эгаси бўлади. Вена ҳалқаро киноанжуманида киношуносларнинг "ФИПРЕССИ" совринини олган бўлса, Испаниянинг Валенсия кинофестивалида учинчи ўринни эгалайди. 1987 йили Франциянинг Нант шаҳрида ўтказилган киноанжумандада Гран-при ва Мажит Куперга энг яхши актёр совринлари берилади.

Агар фильмнинг сюжетига назар ташласак, воеа бир текис ўтмайди. Экранда содир бўлаётган ҳодисалар фильм қаҳрамонининг хаёллари, тушлари билан аралashiб кетади, замон ва макон тушунчалари коришик тарзда берилади. Бу оддий томошабинни анча қийнаб кўяди.

Отел соҳиби бир кечага тунаб кетган аёлга маҳлиё бўлиб колади. Ўша аёлни бошқа эркак билан тўшакда кўриб, эшик дарчасидан томоша қилаётib ақлини йўқотади. Фильм қаҳрамони Зебержет ўша тундан кейин кўп вакт "севгилиси"ни учратиш мақсадида азоб чекиб юради. Мана шу жараёнда Зебержетнинг тушлари томошабиннинг кўз олдига келади.

Ҳаёттида амалга ошмаган орзулари тушларида юз беради. Бу фильмда режиссёр сюрреализм ва бошқа Европада турли-туман мавжуд илғор оқимларга хос услубни қўллади. Туркияда томошибинлар томонидан ёмон кабул килинган бу фильм кинотанқидчилар томонидан кўкларга кўтарила-ди.

Умар Ковурнинг сўнгги фильми "Сирли юз" ҳам кўплаб киноанжуманларнинг ғолиби бўлади. Туркиядаги ўтказилган барча кинофестивалларнинг шоҳсупасига чикади. Измир Халкаро кинофестивалларида энг яхши фильм ва энг яхши режиссёр совринларини қўлга киритади. Аммо, "Она юрт Отели" фильмида бўлгани сингари томошибинларни қарама-карши томонларга ажратиб кўяди. Чунки фильмдаги рамзларни, ташбехларни ҳамма ҳам тушунавермайди.

Фильмга ёзувчи Орхан Памукнинг "Қора китоб" хикояси асос қилиб олинади. Лекин фильм билан адабий асарнинг ер билан осмонча фарки бор эди. Фильм бир гурух инсонларнинг суратларни томоша қилиши билан бошланади. Фильм қаҳрамони тушларига кириб чиқадиган эркакни бир ёш фотографчининг шаҳар майхоналарида олган суратларидан излайди. Охир оқибат излаган кимсасининг кимлигини билиб, қидиришда давом этади. Бироз вакт ўтгандан кейин маълум бўладики, тушларига кириб чиқадиган эркак соатсоз экан, лекин бу ерларни тарқ этиб бошқа жойга кетиб колган бўлади. Аёл эркакни қидиришга тушади, фотографи эса аёлни қидиришга тушади. Фильмнинг сўнгги дақиқаларигача изқуварлик бўлади ва шу жараёнда турли майдада воқеалар юз беради.

Фильмнинг ютуғи, Умар Ковурнинг кўп фильмларида бўлгани сингари, ўзига хос киноэстетика, кинотил ва услубни қўллашидадир. Юкорида таъкидлаганимиздек, режиссёр ижодини жаҳон киноси назарияси ва тарихини ўрганишдан бошлаган. Шунинг учун бўлса керак у Бунюэль, Бергман ва Трюффонинг фильмлари каби кўп киррали киноасарлар яратишга интилган.

Таниқли турк киношуноси Хайри Жанер режиссёр ҳакида бундай фикр билдиради: «Умар Ковур ўзига хос фильмлари билан турк киносида алоҳида ўрин тутади. Фильмларини ўз киностудиясида олиш ва ўзи продюсер бўлиши эса томошабиннинг раъйига қарамасликка олиб келади. “Она юрт Отели» ва “Сирли юз” фильмларини суратга олишга ҳар бир студия ёки продюсер ҳам журъат эта олмасди. Режиссёр ўз фильмлари билан турк киночиларига ижодкорнинг эркин, мустақил ишлаши кераклигини исбот қила олди» (76.91).

Бошқа бир киношунос Унсал Узкай турк киносининг интеллектуал имкониятлари хусусида баҳс юритиб бундай ёзади: "Умар Ковурнинг ижодига назар ташласак, яққол кўрамизки, профессионал режиссёр сиёсий-ижтимоий мавзу бўлса ҳам қалдан, эркин иш юритиши лозимлигини тавқидлайди. Қалбан акл мужассамлаштирган фильмлар ҳамиша ўз ўрнини топади. Режиссёрнинг фильмларидан кўриниб турибдики, профессионалларча ишлаш, чирок, костюм, декорациядан тортиб бошқа ҳамма томонларига жиддий ахамият беради" (55.105).

Турк киносида турли услубдаги, турли йўналишдаги режиссёrlар кўп. Лекин Умар Ковурнинг бошқаларга ўхшамас киноэстетикаси ва киностили бор. Сўнгти йилларда, "Сирли юз" дан кейин фильмлар суратга олмаётган бўлса ҳам, интеллектуал томошабинлар ва киношунослар ҳар йили Умар Ковур бизга қандай "сюрприз" тайёрлаган экан деб, ундан янги проектларни кутишади. Умар Ковур сўнгги йилларда факат продюсерлик килибгина қолмай, балки жиддий илмий ишлар, киноэстетикасига оид маколалари билан матбуотда тез-тез чиқишлиар қилиб туради. Кўп хорижий фестивалларда ҳакам ҳайъатидан жой олади. Ўз фикр-ўйлари билан ёш киночиларни танишитириб, университетларда мъарузалар ўқиб туради. 1980 йилларга келиб, турк киносида кўп оқимлар, турли услубда ишлайдиган, ўз киностилига эга режиссёrlар чиқа бошлайди. Жаҳон кино санъати жараён-

лари шуни кўрсатиб турибдики, кечаги фильмларни суратга олган сингари, бугун суратга олиш мумкин эмас. Бир томондан, киноиндустрия ривожланиб, техник талаблар ўзгараётган бўлса, иккинчи томондан, киномухлислар ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган фильмларни томоша қилишни хоҳлашади.

Санъатга юқори талаб қўйилаётган бир чоғда ижод майдонига факат профессионал санъаткорлар жалб этилади. Бу борада эски режиссёrlар ҳам янгича ишишга ўрганишлари шарт бўлиб колади. 90-йиллар турк киносида, 70-йилларда бўлганидай, режиссёrlар йилига 5-6 фильм эмас, балки 5-6 йилда бир фильм олиб ижод қилишга тўғри келади. Чунки бир томондан, мамлакатдаги "бозор иқтисоди" сиёсати энди фақат томошабоп фильмларни суратга олишини талаб қиласади. Иккинчи томондан эса "янги турк киноси" муҳитида ижод қилаётган режиссёrlар йиллар давомида экл ва қалб синовларига бардош бериб, туйгу ва фикрларга бой, кўпқатламли кино-асарларни яратишлари лозим эди.

90-йилларга келиб, киношунослар томонидан янги турк киносининг энг истеъодли режиссёри деб Ёвуз Турғул тан олинади. У 1946 йилда Истанбул шахрида зиёлилар оиласида туғилади. Болалигидан санъатнинг кўплаб турларига, айниқса, адабиётга жуда кизиқади, мактаб газеталарида ўз маколалари, кичик ҳикоялари билан катнашиб туради.

Адабиётга, хусусан, журналистикага кизикиш уни Истанбул университетининг журналистика бўлимига олиб келади. Талаба бўлган чоғларида ҳам ёшлар учун мўлжаланган газета-журналларга турли мавзуларда маколалар ёзиб туради. Университетни тутатиб, Истанбул газеталаридан бирига ишга киради ва ўзининг профессионал фаолиятини бошлайди.

Кўп ўтмай ўзининг ватан олдидаги бурчини адо қилиш учун аскарлик хизматига чақирилади. Аскарликдан қайтганидан кейин ўзининг севган касби – журналистика билан

шүгүлланиш мақсадида иш қидира бошлайди. Ёвуз Турғул ёшлиқ даврини хотирлаб бундай ёзади: "Аскарликни битиришим билан "Sas" журналида мухбирликка ишга таклиф түғрисидаги эълонга кўзим тушиб қолди. Кўпдан бери шу журналда ишлашни орзу килардим. Чунки ўша пайтда "Sas"да асосан санъатга, айникса кинога оид мақолалар кўп чоп этиларди. Дўстларим ёрдами билан ўз ижодий фаолиятимни шу ерда бошладим" (73.97 IV).

"Sas" журналининг кино бўлимидаги ишлаш Ёвуз Турғулга киноижодкорлар билан мулоқотда бўлиш, турли киноанжуманларда иштирок этиш имкониятини беради. Долзарб мавзудаги мақолалари билан журналистикада, чукур назарий фикрлари билан киношунослар орасида муросасиз ижодкор сифатида ўз ўрнини топади. Орадан кўп ўтмай, Ёвуз аста-секин кичик-кичик киноасарлар ёзади. Дастрраб, у ёзган хикоя-сценарийлари режиссёrlарнинг диккат-эътиборини жалб қилмайди. Чунки унишг услуби бошқаларникidan анча фарқ киларди.

Кино назариясини мукаммал эгаллаган Ёвуз Турғул кўп ўтмай кино амалиёти билан шүгүлланиши кераклигини тушуниб етади. Олдинига таниқли режиссёр Эртем Эгилмес фильмларида асистент бўлиб ишлай бошлайди. Шу билан бирга, сценарийлар ёзиш таклифини олади. Бу студия асосан комедия жанридаги фильмларни суратга олганлиги учун Ёвуз Турғул ҳам кулгига бой сценарий ёзив беради. 1980 йилга келиб, шу "Agzu-film" студияси учун 10 га яқин комедия жанридаги сценарийларни ёзади ва буларнинг барчаси режиссёrlар томонидан суратга олинади. Киночилар орасида Ёвуз Турғул "кулги устаси" деган ном ҳам олади. Улардан айникса "Ҳабабам синифи", "Тўсун поиша" ва "Султон" фильмлари муваффакиятли чиккан.

Ёвуз Турғул сценарийлар ёзиш билан бирга асистентлигини ҳам давом эттиради. Бу орада Эртем Эгилмеснинг кўп фильмларида фаол хизмат қилади. Лекин ижод жараёнида ўз устози Эртем Эгилмес билан тез-тез режиссура хусусида

баҳслапшиб, кинога тааллукли масалалар юзасидан мунозараларга киришади. Ҳаётнинг янгиланиши, ўзгариши кино санъатининг ҳам янгиланиши, ўзгаришига таъсир кўрсатади, деган фикрни илгари суради. Ёвуз Турғул ўша даврдаги кийинчиликларни хотирлаб бундай ёзади: "Ўша пайтларда ижсдкорлар учун кийин эди. Кино санъатида цензуранинг ҳали ҳам фаол ҳукм сураётган даври эди. Мен ёзган сценарий цензуранинг кўлидан ўтгандан кейин бутунлай ўзгариб кетарди. Шунга қарамай, суратга олиш жараёнида ҳар хил йўллар билан цензуруни "чалгитишга" харакат қилардим" (73.97 IV).

80-йилларнинг бошида турк киносида цензуранинг ижод эркинлигига тўсиклик қиласавериши кўп режиссёrlарни бирмунча вақт ижод этишдан совитади. Бундай шароитда кинода ишлаш мумкин эмаслигини тушуниб етган Ёвуз Турғул рекламаларни суратга олишга киришиб кетади. Лекин шу билан бирга, ўзининг режиссурадаги маҳоратини ошириш ниятида айнан реклама фильмлари орқали режиссура "сир"ларини яқиндан ўргана бошлайди. 80-йилларга келиб, телевидениеда реклама фильмлари ва сериалларнинг кўпайиши режиссёrlарнинг телевидение учун ижод ишларига йўл очган эди. Кўплаб таниқли кинорежиссёrlар катта кинони ташлаб телевидениеда сериалларни олишга киришиб кетишади. Жумладан, Усмон Седен бизнинг томошабинларга ҳам яхши таниш бўлган, "Чолиқуши" фильмини ўша вақтларда суратга олади. Ёвуз Турғулнинг шу йилларда телевидение учун суратга олган бир неча видеофильмларидан маълум бўладики, турк киносида бошқалардан ажralиб турадиган ўзига хос санъаткор пайдо бўлган эди.

1984 йилда Ёвуз Турғул ўзининг ilk тўла метражли бадиий фильмини суратга олади. Шоир Аҳмад Муҳиб Диранаснинг асаллар тўпламини ўқиш жараёнида "Фахрия аблла" шеъридан таъсирланиб, сценарий ёзишга қарор қиласади. Унинг бу фикрини кўплаб киночилар тушунмай, битта шеър асосида фильм қилиш мумкин эмаслигини таъкидла-

шади. Лекин кўплаб сценарийлар яратган Ёвуз Турғул ўз фикридан қайтмайди. Орадан кўп вакт ўтмай, "Фахрия аблла" фильмси суратга олиниб экранларга чиқади. Киношунослар ва томошабинлар бу фильмни катта қизиқиш билан кабул қиласдилар.

Ёвуз Турғул бошқа режиссёрларга ўхшаб тез ва бемаъни фильмлар яратишни ёқтиримайди. У ўзининг иккинчи фильмини суратга олишдан олдин кўп изланди. Унинг таъкидлашича, ҳақиқий санъаткор, истеъоддли ижодкор тақоридан қочиши керак. Режиссёр ҳар бир фильмда янги мавзу, янги гоя ва фикрларни кўтариб чиқиб, томошабинларни хайратга солиши зарур эди.

Ёвуз Турғул бу вактга келиб бошқалар учун сценарий ёзмай кўяди. Кинонинг амалиётини яхши ўрганганди ижодкор тушунчаларини, фикрларини назарий жихатдан асослашга киришади. Ўзининг яхши кўрган "Sas" журналида "янги" кино хусусида фикрларини чоп эта бошлайди. Журналдаги бу мақолалар киночилар орасида катта шов-шувга сабаб бўлди. Кўп киночилар, айниқса, кекса ёшдаги, эскича тушунча ва кўникма билан яшаб келаётган режиссёрлар Ёвуз Турғулнинг кино санъати хусусидаги янгича фикрларига, карашларига қарши чиқадилар.

Ёвуз Турғулнинг янгича фикрларидан бири фильмни суратга олгунга қадар тайёрланиш жараёнини американлаштириш, яъни пухта тайёрланиб, бир неча хафта ичидан суратга олишни тугатиб, фильмни экранларга чиқаришдан иборат эди. Режиссёрнинг фикрича, бундай иш кўрилса фильм ҳам арzon тушади, ҳам ижодий жараён самарали булади. Шутарзда кинони сценарийсидан тортиб экранга чиққунга қадар бўлган барча жараёнини бирма-бир таҳлил қилиб, фикрмулоҳазаларини ўзича асослаб беради. Кинонинг энг муҳим жараёни бўлган монтаж ҳақида шундай фикрни олдинга суради. Узок вакт реклама фильмларида тажриба орттирган режиссёр бадиий фильмда ҳам кисқа планлар ва кўп кадрлардан иборат бўлишини талаб қиласди. Яъни, фильмнинг

темпо-ритмига алохидә эътибор беради.

Ёвуз Турғулнинг бу маколаларни ёзишдан мақсади турк киносидағи "ўлиб" бораётган мұхитни жонлантириш, киноижодкорларни қызғын мунозарага тортиш эди. Шундан кейин "Sas" журналида ва бутун оммавий-ахборот воситаларида Ёвуз Турғулни мақолалари юзасидан баҳс ва мунозаралар бошланиб кетади. Натижада, юкорида айтиб үтганимиздай, киночилар уч йұналишга бўлинниб кетишади. Ёвуз Турғул асосан ёш киноижодкорлар кўллаб-куватлайдилар.

Ҳар кандай назария, қанчалик теран бўлмасин, амалда исботланиши ва ҳаётга татбиқ этилиши керак эди. Ёвуз Турғул буни яхши биларди. Яна ҳам тўгрироги, режиссёр ўз фикр-гояларини факат фильмлари оркали исбот қилиши лозим эди.

1986 йилда продюсер Абдураҳмон Кескинер Ёвуз Турғулнинг бир пайтлар "кулги устаси" бўлганлиги, кўп комик сценарийлар ёзганлигини заслав, режиссёрга комедия жанрида фильм суратга олишни таклиф қиласди. Бундай таклифни кўпдан буён кутиб юрган режиссёр рози бўлади. Режиссёرنинг хотигрлашича, ўша комедия сценарийларини ёзган вақтида ўзи ҳам бир кун келиб комик фильмлар яратишини орзу қиласди. Лекин Ёвуз Турғул соғ, тоза комедия олишни истамайди. Унинг фикрича, ҳар бир фильмда имкони борича гурли жанрлар мужассам бўлиши керак.

Ўша пайтлар экранларни тўлдириб юборган, арzon, савияси паст, олди-қочди, енгил-елпи комик фильмларга "пародия" қилишини ўйлаб юради. Бу фикрини сир тутиб юаркан, режиссёренинг ilk комедия фильмни экранга чиқкандан кейин уни томошаш қилиб ҳатто продюсер ҳам ҳайратда қолади. "Мухсинбей" фильмни шиддат билан ишиланиб, уч ой ўтар-ўтмас, экранларга чиқади ва яна бир марта катта муваффакиятга эришади. Томошабинлар бу фильмни такрор-такрор кўришади.

Фильм воқеаси жуда содда бўл с., томошабинлар экрандаги образларда ўзларига хос характерларни кўришади.

Фильм қаҳрамони Мухсинбей (актёр Шенер Шен) ёш күшикчиларга продюсерлик қилиб, уларни "саҳна юлдузлари"га айлантиради. Лекин унинг табиати, диди факт мумтоз күшикларга мойил бўлади. Бир куни уни қидириб, "юлдуз" бўлиш орзусида юрган Урфали Али Нозик келади. Мухсинбей унинг күшикларини эшишиб, араб йўналишидағи (арабеск) күшикларни ёқтираслаганини ва у билан ишламаслигини айтади. Али Нозик тўхмат қилиб, ўз устозини камоқхонага маҳкум қиласди. Лекин Мухсинбейнинг уддабуронлиги ҳар хил вазиятдан чикиб кетишга имконият беради.

Кўплаб томошабинларни жалб қилиб, АҚШ фильмлари ни доғда қолдиран "Мухсинбей" 1986 йилнинг энг яхши турк фильмни деб тан олинади. Анталия миллий кинофестивалидаги танловда иштирок этиб, бирданига 5 совриннинг соҳиби бўлади. Истанбул Халқаро киноанжуманида бош совринни олади.

Ёвуз Турғул "Мухсинбей" фильмидан кейин яна узок вақт режессёрлик қилмайди. Бу орада яна бир муддат журналистика ва телевидениега қайтади. Бу ҳол хусусида режессёр шундай ёзади: "80-йилдан бери реклама фильмлари билан шуғулланиб келаман. Реклама фильмларини суратга олаётганимда ҳар вақт менинг ақлимга катта кинода қолмоқчи бўлган фильмларим келарди. Реклама фильмлари яратиш жараёнида мен тўла метражли фильмларнинг лойиҳасини, сценарийсини ўйлаб чикардим. Бошқача қилиб айтганда, реклама фильмлари катта фильмлар яратиш йўлида мен учун бир трамплин, бир таянч нуктаси бўлиб хизмат қиласди" (74.97.IV).

Ёвуз Турғулнинг фильмлари ҳамиша чукур, жиддий мавзуларни ўз ичига қамраб олади. Ҳар бир фильмда характерлар шунчалик ёрқин бўладики, томошабин ўзидағи ўхшашлик кирраларини осонгина топа олади. Режиссер айникса фильм ичидаги мұхитни яратишда майда-чуйдаларгача тасвирлайди. Фильмлардаги ҳар бир деталь кандайдир мұхим

роль ўйнайди.

1990 йили Ёвуз Турғул турк киносида кутилмаган фильмни суратга олади. "Ошиқ фильмларининг унутилмас режессёри" фильмни айнан бир режессёрнинг ҳаётига бағишиланган. Фильм бош қаҳрамони Ҳашмер Ашилкан (актёр Шенер Шен) бир фильмни суратга олип жараённида бошидан үтказган вокеаларни акс эттиради. Ёвуз Турғул ўз фильмни ҳақида бундай фикр билдиради: "Мен бир инсоннинг орзулари, ҳаёллари хусусида фильм олдим. Бу фильм ҳар бир инсон ўзининг имкониятларини тўғри баҳолай олмаган чоғда, қилган меҳнатлари зое кетиши ҳақида" (73.97. IV).

Ҳақиқатдан қобилиятсиз режессёрнинг ҳаёллари пучга чиқиши, унинг ўйлаган фикрларини амалга ошираолмаслигини экранда томоша қилиш мумкин. Бу фильmdа ҳар бир образ ўз ифодасини топган.

Маълумки, Туркияда, худди АҚШ Голливудида бўлгани сингари, ўзининг кино "шахарчаси" бор. Барча турк фильмлари Истанбул шаҳрида жойлашган "Яшилжом" мавзесида суратга олинади. Шунинг учун киношунослар оммавий-ахборот воситаларида экранга чиқаётган барча турк фильмларини "Яшилжом" фильмлари деб аташади.

"Ошиқ фильмларининг унутилмас режессёри" фильмни "Яшилжом"да кечачётган жараёнлар, у ердаги киночиilar орасида бўлиб үтадиган турли-туман муносабатлар, санъаткорларнинг ҳаётида учрайдиган кутилмаган вокеаларни акс эттириб, пародия, сатирик-комедия жанрида суратга олинган. Фильм экранларга чиқиши билан кинотанқидчилар, киноарбоблар томонидан танқидга учрайди. Шу вактгача киночиilarнинг ички ҳаёти, уларнинг икир-чикирлари экран учун ман қилинган мавзу эди. Ёвуз Турғулнинг фильмни эса бу "муқаддас" даргоҳни танқид қилиш билан бирга, кино санъаткорларини янгича ишлапта, ташабbus билан изланишга чорлайди.

Фильм қаҳрамони – "режессёр" образини актёр Шенер

Шен катта маҳорат билан ижро этган. Актёр яратган режес-сёр образи кўпроқ ўзидағи санъатни эмас, балки аксинча, санъатда ўзини яхши кўрадиган "ижодкор" бўлиб чиқади. Ш. Шен ўз образини яратишда қаҳрамонининг шахсий ҳаёттига бефарқлиги, оиласи, болаларини ташлаб қўйиши, инсоний вазифаларини бажармаслиги, санъаткор сифатида эса жамиятда, ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлаётган жараёнларга бефарқ бўлишини ёрқин хатти-харакатлар билан очиб берган.

Ёвуз Турғул ўз фильмларида актёрларнинг ижросига, уларнинг фильм яратилишидаги ўрнига катта аҳамият беради. Шу билан бирга ҳар бир фильмга янги актёрларни таклиф қилиб, турк киноси учун кўплаб янги актёрларни кашф этади. Лекин биргина актёр – Шенер Шенни режиссёр барча фильмларига бош ролга таклиф этади.

Режиссёрнинг кейинги тўртинчи фильмни ҳам санъаткорлар ҳаёттига багишлиланган. "Соя уйини" фильмининг мавзууси Ёвуз Турғулнинг таъкидлашича, "Қоракўз" санъатчиларига багишлиланган. Фильм "Туш" кўнгилочар даргоҳда бўлиб ўтади. Бу ерда мусикачилар муаллифлик қилиб ора-ора экранда пайдо бўлиб, нималар бўлаётганлигидан хабар берриб, изоҳлаб туришади.

"Туш" кабарэсида "Қорабибар" ("Муруч") дуэти меҳмонларни кўнглини очиб комик саҳналар кўрсатишади. Ҳикоячининг сўзларидан маълум бўладики, фильм қаҳрамонлари Махмуд ва Обидларнинг характерлари тубдан фарқ қилишига қарамай, улар хақиқий дўст ҳисобланишади.

Фильмнинг бошидан охиригача икки дўст саргузаштларининг гувоҳи бўламиз. Фильмдаги илк воқеа уларнинг ишдан хайдалишидан бошланади. Лекин тез орада маълум бўладики, кабаре бошлиғи уларни бепул ишлатиб, 500.000 лира карзларини қайтаришини талаб қиласди.

Бу борада кабарэда соқов киз пайдо бўлади. Дўстлардан бири Махмуд уни севиб қолади. Маълум бўладики, Кумри ўз онасини қидириб юрган экан. Булар учаласи Кумрининг

онасини излашга тушиб кетишади. Бундай саргузаштлар Обидга ёқмайди. Оқибатда улар жанжаллашиб, ажралиб кетишади. Бу айрилиққа чидай олмаган Обид ўзини ўлдирмокчи бўлади. Бу вакт дўсти Махмуд етиб келади ва улар яна учаласи иноқ бўлиб кун кўришади.

Фильмда мураккаб саҳналар жуда кўп. Мисол учун, бу учаласи кўрган, билган воқеаларни бошқалар кўрмаган. билмаган бўлиб чиқади. Ҳатто кабарэ ишчилари билан тушган суратда қаҳрамонлар кўраётган қизни бошқалар кўрмайди. Фильмнинг ғояси бўйича ҳаёт ҳам тушга ўхшайди, кутилмаган, тушуниб бўлмайдиган воқеаларга бой. Муаллифнинг кадр ортидан таъкидлашича, ҳар нарсанинг ўз вакти соати бор ва ҳаётда нима росту нима ёлғонлигини билиш жуда қийин. Умуман, бу фильмнинг услуби авангард киночиларникига яқин туради.

Ёвуз Турғул киноси турк киночилари ичida ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг фильмлари бошка ёш режессёrlарга ўrnak бўлиб колади.

## ХУЛОСА

Туркия ижтимоий ҳамда маданий хаётида юз берган ўзгаришларни ва ижодий жараённинг ўзига хос тараккиёт тамойилларини инобатга олган ҳолда турк кино санъатининг деярли бир асрлик шаклланиш ва ривожланиш йўли уч даврга ажратиб тадқиқ этилди. Айнан шу даврлар ("Илк турк фильмлари ва театрчилар даври киноси" (1896-1952 йиллар); "Кинематографчилар даври киноси" (1952-1968 йиллар); "Янги турк киноси" (1963-1990 йиллар) ичida янги ижодкорлар ўзига хос эстетик йўналишлар билан кино жараёнга кириб келишиб, турк киносида ўзгаришлар яратиши.

Бундай даврлаштириш асосига қурилган мазкур тадқиқот куйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Турк киносининг ilk шаклланиш даври 1896-1952 йилларни камраб олади. Тадқиқотда кўрсатилганидек, Турк киносининг яратилишида, шаклланишида театр санъати муҳим ўрин эгаллайди. "Ўрта ўйин", "Маддоҳлар" ва "Қоракўз" томонпаларида кино санъатининг бальзи бир элементлари ўрин олади. Айниқса, "Қоракўз" театри усуслари ва йўналиши кино санъатига яна ҳам кўпроқ яқинлашади.

XVII асрда ташкил топган санъатнинг бу тури, асосан, соя театри бўлиб, оқ парда орқасида турли образлардаги қўғирчокларнинг киёфаси чирок шўъласидан акс олади. Шу билан бирга, "Қоракўз" театри Туркияда XIX асрнинг иккинчи ярмида ташкил топган Европа йўналишидаги миллий театрнинг яратилишига тамал тошини кўяди. Кейинчалик Истанбулнинг "Дарюлбедаи" театридан ilk киноактёрлар ва режессёrlар етишиб чиқди. Қарийб 20 йилдан ортиқ даврда (1923 – 1945) турк киносида асосан театрдан чиқсан санъаткорлар ижод килишади. Шунинг учун ҳам турк киношунослари бу даврни театрчилар даври, деб белгилашади.

Турк киносининг шаклланиш даврини ўрганиш шундан далолат берадики, қиска муддат ичida уч марта ўтиш исло-

хотлари содир бўлади. Биринчи ўтиш даври – Биринчи жаҳон уруши арафасида юз беради. 1896 – 1914 йиллар ичидаги ривожлангаётган мамлакатларда бўлгани сингари, асосан, Франция ва АҚШ кинофильмлари намойиш этилади. Даставват факат чет эл фуқаролари фильмлари намойиш этишган бўлса, бироз вакт ўтгандан сўнг Биринчи турк киночилари етишиб чикади. Аста-секин илк турк кинотеатрлари хам қад кўтаради. 1914 йилга келиб Истанбулнинг ўзидаёқ олтита кинотеатр мунтазам иш олиб боради. Олдинига хорижий воқеаликка асосланган фильмлар намойиш этилса, кейинчалик султон хаётидан, сарой тантаналаридан лавхалар, ҳарбийларнинг машқ майдонлари, жанг саҳналари ва Туркияning гўзал ерларини акс эттирувчи фильмлар экранларга чикади - "Турк пиёда аскарларининг намойиши", "Турк тўғчилари", "Босфор панорамаси", "Султон оиласининг сайли" ва шунга ўхшаш номлар билан аталган фильмлар экран юзини кўради.

1914 йил 14 ноябрда Фуат Узқинонинг ҳарбийлар хаётидан олинган 150 метрлик фильмни илк турк фильмни сифатида тарихга киради ва ўзига хос ислоҳотларнинг бошланганигини билдиради.

2. Турк киносининг иккинчи ўтиш даври 1923 йили Мухсин Эртугрул томонидан суратга олинган "Истанбулдаги бир фожеали севги" фильмидан бошланади. Чунки айнан шу фильм турк киносидаги илк бадиий фильм бўлиб, кариб 10 йил суратга олинаётган ҳужжатли фильмларнинг яккахонлигига чек қўяди. Мухсин Эртугрул Туркия Жумхуриятининг илк кунларидан бошлаб Иккинчи жаҳон урушигача турк киносининг кўзга кўринган режессёри бўлиб ижод килади.

Шунинг учун ушбу тадқиқотнинг биринчи бобида асосан М. Эртугрулнинг ижодига кенгрок тўхталиб, унинг театр ва кинодаги фаолияти чуқурроқ ўрганилиб, киёслаш йўли билан ёритишга харакат килинди. М. Эртугрул 20 дан ортиқ турли йўналишдаги театрлар ташкил этиб, 10 та

ўкув студияси тузади, 4 та театр журналини жорий этади, 200 дан ортиқ спектаклларни саҳналаштириб, 100 га яқин образлар яратади.

Қарийб, 17 йил мобайнида турк киносида ягона режес-сёр бўлиб ижод килган М. Эртугрул турли жанрдаги 29 фильмни суратга олади. Жумладан, 1931 йилги турк киносининг илк овозли фильми – "Истанбул кўчаларида" ва 1956 йилги дастлабки илк рангли фильми "Тиламчи киз" М. Эртугрул ижоди равнакидан далолатдир. Туркияда М. Эртугрул "турк киноси ва театрнинг отаси" деб қабул қилиниши ҳам бежиз эмас.

3. Учинчи ўтиш даври Иккинчи жаҳон урушининг туғаши арафасида юз берди. Жаҳон киносининг ривожланишида айнан шу даврда Италияда вужудга келган "неореализм" ўйналиши турк киносига катта таъсир кўрсатиб, кескин бурилиш ясади.

Еш режессёр Лутфи Омер Ақад бошлилигида бир гурӯх санъаткорлар "театрчилар" даврига якун ясашиб, "киночилар" даврини бошлашади. Турк киношуноси Ж. Скоњьмиллонинг ибораси билан айтганда, улар Туркияда ижодий жараённи кинолаштиришга, ўзига хос турк киноси бунёд этишга хизмат қилдилар (70.19).

Турк киносининг шаклланиш даврини ўрганиш жараёнида мамлакатнинг сиёсий-иктисодий ва ижтимоий-маънавий холатига алоҳида эътибор берилди. Чунки санъат турларининг ривожланиши, юксалиши ёки инқирозга учраши маълум даражада айнан сиёсий-иктисодий ва ижтимоий-маънавий шароитда ҳам боғлик.

1930 йилларнинг сўнггига келиб Туркия Жумҳуриятининг иктисодий юксалиши кино санъатининг кўтарилишига ҳам олиб келади. Шу йиллари туркияда 130 та кинотеатр мунтазам фаолият кўрсатиб, умумий ўриндиклар сони 85 мингни ташкил килади. Айнан 30-йилларга келиб чет тиллардаги фильмларни намойиш этиш тақиқланиб, фильмларни дубляж килиш, яъни факат турк тилида намойиш

этилиши йўлга кўйилади. 40-йилларга келиб турк фильмлари илк бор экспорт қилиниши билан бирга, халқаро киноанжуманларда ҳам иштирок эта бошлиди.

Туркия Жумхуриятининг биринчи Президенти Мустафо Отатурк кино санъатига катта аҳамият беради. Жумхуриятнинг илк йиллари кино санъатининг келажаги хусусида шундай деган эди: "Кино шундай бир кашфки, вақти келиб жаҳон маданиятининг шакли ва мазмунини ўзгартиришда порох, электорнинг кашфидан кўпроқ аҳамиятга эгадир" (66.4).

Миллий мафкура, миллий ғоянинг санъат турларининг ривожланишида муҳим ўрни бор. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти 2000 йил 6 апрелда Ўзбекистон зиёлилари билан бўлган учрашувда шундай фикр билдиргандилар: "Ўзининг келажагини курмокчи ва кўрмокчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта, ўз миллий ғоясига суюниши ва таяниши керак. Зоро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёsat аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига курилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инкиrozга дучор бўлиши, ўз йўлини йўкотиб кўйиши мукаррар" (44.3).

Бу ажойиб фикр барча миллий маданиятларнинг равнанига тааллуклидир. Жумладан, 40-йилларга келиб миллий мафкура, миллий ғоя асослари Туркия жамиятида олдинги планга чиқиб санъатнинг барча турлари айнан шу тушунчалар орқали баҳолана бошланган. Бу холатда турк киноси кўпроқ миллий қадриятларни, миллий урф-одат ва анъаналарни тарғиб килиш томон силжийди.

4. 1953-1983 йиллар оралиғида түрк киносінің янгила-  
ниш даври бўлиб ўтади Иккинч жаҳон уруши тугаши билан түрк киносида тубдан ўзгаришлар юз беради.

Чет элда ўкиб, тажриба орттириб келган ёш режессёрлар ишни Европа ва АҚШ киносига тақлидчиликдан бошлашади. Шу даврда илк кино журнали ва газеталар чыка бошлияди. Түрли киноташкилотлар, уюшмалар түзилади. Кино

вофестиваллар ўтказилиб, энг яхши санъаткорлар аниқланади. Турк киносининг янгиланиш даврида режессёр Л.У. Акаднинг атрофига ёш режессёrlар Метин Эрксан, Осман Седен, Мемдух Юн, Нажад Сейдан, Атиф Йилмаз ва бошкалар тўпландилар. Худди шу тарзда ёш актёrlар Қодир Со-вун, Фикрет Ҳакан, Фотима Гирик, Тюркан Шорай, Река Юрдакул, Али Шен, Нериман Кўксал, Алия Рона ва бошкалар турк киносига янги ижро услубларини олиб кирадилар ва шу билан бирга ўз образларида миллий характерларни ёрқинроқ намойиш эта бошлайдилар.

1950 йиллар сўнгига келиб турк киноси ривожланиш жараёнида энг юқори нуқтасига чиқади. Йилига 100 дан ортиқ ишлаб чиқарилаётган фільмлар мазмун жиҳатдан ҳам, кино эстетикаси жиҳатидан ҳам жаҳон кинематографиясининг кўзга кўринган фильмлари билан ракобат килишга қодир эди. Бу катта ютукларнинг бошида "киночилар даври"нинг отаси хисобланган Лутфи Омер Ақад турарди. Шунинг учун бу улкан истеъод эгаси, буюк турк режессёрининг ҳаёти ва ижодига кенгрок тўхтадлик.

Турк киносининг 50 йиллик (1920—1970) тарихига назар ташласак, шу нарса аён бўладики, агар Мұхсин Эртугрул турк бадиий киносининг асосчиси бўлса, Лугфи Омер Ақад бу кинони янги погонага олиб чиқади. 60-йилларнинг сўнгги — 70-йилларнинг ўрталарида эса Йилмаз Гюней «янги турк киноси»га асос солади. Ворисийлик конуниятига биноан Мұхсин Эртугрулнинг шогирди Лутфи Омар Ақад ўз фильмлари оркали Й.Гюнейга устозлик килиб, кино сирларидан сабок бериб, уни янги ва оригинал ижодий йўлга солиб юборади.

Кўриниб турибдики, ярим аср ичидага уч авлод бир-бирига устоз-шогирд ворислигига турк киносининг ривожланишида асосий роль ўйнайди. Шунга бинсан бу забардаст санъаткорларнинг ҳаёти ва ижоди турк киносининг тарихига асос солди дейиш мумкин.

1960 йилларга келиб кинематографиянинг қайси йўна-

лишига назар ташламайлик, турк киноси жаҳон киносида бўлаётган ижобий ўзгаришларни ўзида акс эттирганлигини кўрамиз. Турк кино санъати сон жиҳатидан Европада биринчи ўринда турса, жаҳон миқёсида биринчи бешликтан муносаб ўрин эгаллайди. 60-йиллар янги режиссуранинг дунёга келиши, янги актёрларнинг экранларга чикиши, турли жанрларнинг ривожланиши ва мамлакатдаги сиёсий-иктисодий мухитнинг демократиялашуви турк киносининг янги поғонага кўтарилишига олиб келади.

5. 1980-2000 йиллар “Янги турк киноси даври” сифатида шарҳланади. Туркия Жумхурияти 80-йилларда бозор иктисадининг юкори босқичига кўтарилиши муносабати билан кўп соҳаларда катта ўзгаришлар содир бўлди. АҚШ сиёсий-иктисодий андозаларига асосланиб ривожланиш мамлакатни “америкача” демократия йўлига олиб келади. Бундай вазиятда санъат турлари хам ўз ривожланиш жараённада “демократлаштириш” босқичларини ўтиши шарт эди. Кинематографиянинг ривожланиши бундай ҳолда кийин аҳволга тушиб қолади. Бир томондан, кинозаллар репертуарининг 80 фойзини АҚШ фильмлари ташкил киласа, иккинчи томондан, видеокассеталарнинг оммавий тарқалиши кинозалларнинг бўшаб қолишига олиб келади.

Турк киночиларининг олдида турган асосий вазифа томошабинларнинг миллый кинога қизиқишларини орттириб, кинозалларига қайтариш эди. Бунинг учун АҚШ фильмларига карши турк фильмларини томошабон килиб ишлаб чиқариш, океанорти киноси билан ракобат қилаоладиган киноасарлар яратиш лозим эди.

